

# САЙИД ИСЛОМХУҶА

(Сиёсий, маданий-маърифий  
фаолияти)



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛ - ХОРАЗМИЙ НОМЛИ УРГАНЧ ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**А. САДУЛЛАЕВ, А. СОТЛИҚОВ,  
О. АБДУЛЛАЕВ**

# **САЙИД ИСЛОМХЎЖА**

*(Сиёсий, маданий-маърифий  
фаолияти)*

**ТОШКЕНТ – 2005**

Мухтарам ўқувчилар эътиборига тақдим этилаётган ушбу рисола Хиванинг тараққийпарвар давлат арбоби Сайид Ислонхўжа фаолиятига бағишланади. Рисолада XIX аср охири ва XX аср бошларида Хива хонлигидага ижтимоий-сиёсий аҳвол, мустамлакачилик ва хонлик даврининг истеъбодиди, Сайид Ислонхўжанинг хокимият тепасига келиш, хонликни жаҳолат ва қолоқликдан уни чиқариш ва илғор давлатлар қаторига кўтариш мақсадида амалга оширган ислохотлари, Бош вазирнинг фожеали ўлими ҳамда шундан кейинги хонликда юз берган сиёсий воқеалар ишончли маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Рисола ўлка тарихига қизиқувчи китобхонларга, тарих фани ўқитувчилари ва талабаларга мўлжалланган.

*Муаллифлар*

## СЎЗ БОШИ

XIX асрнинг 2-чи ярми ва XX бошларида Хива хонлиги гарчи Чор Россиясининг мустамлакачилиги асоратида яшашига қарамай, шу муқаддас заминда Муҳаммад Раҳимхон Соний (1864-1910), бош вазир Сайид Исломуҳаммад, Муҳаммад Мурод девонбеги, Комил Мирзабоши, Муҳаммад Расул Мирзо каби етук давлат арбоблари, Мунис, Огахий, Баёний, Табибий каби ўнлаб истеъдодли шоирлар, тарихнавис олимлар, мусиқашунослар, машҳур қурувчи муҳандислар, меъмору наққошлар, заргару мискарлар ва бошқа ноёб касб эгалари етишиб чиқдики, уларнинг шарафли номлари шонли тарихимиз саҳифасида муносиб ўринни эгаллаб келмоқда. Фақат мустақиллик шарофати ва Президентимиз Исломуҳаммад Абдуғаниевич Каримовнинг сазой-ҳаракати туфайлигина шонли тарихимиз, миллий қадриятларимиз ҳамда шу муқаддас заминда яшаб ижод этган буюк аждодларимиздан бизгача етиб келган бой маънавий меросимизни қайтадан тиклашга ва ҳолисона ўрганиш бахтига муяссар бўлдик. "Мустақиллик йиллари, деб таъкидлаган эди Президентимиз Исломуҳаммад Каримов, ўз ўтмишимизни, ўз маданиятимизни холисона билиш давридир. Бу жаҳон ҳамжамияти, тарих олдидаги вазифаларимизни англаб олиш давридир"<sup>1</sup>. Шунини таъкидлаш жоизки, аждодларимиз тарихини холисона ўрганиш халқимизнинг маънавий куч-қудратини оширишга, миллий ғурурини уйғонишига, айниқса ўзлигини англашга ёрдам

---

<sup>1</sup> "Фидокор" газетаси, 2000, 8 июн.

беради. "Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса, ўзлигини англаш мумкин эмас"<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат номлари юқорида ҳурмат билан тилга олинган ана шу алломалар орасида Вазири акбар Сайид Исломхўжанинг муборак номи шу жихатдан биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Исломхўжа қисқа умр кўрсада Хоразм тарихида ёрқин из қолдирган буюк давлат арбобларидандир. Исломхўжа Хива тарихида ислоҳотчилик ҳаракатини бошлаб берган илғор, тараққийпарвар сиймо, Хоразмдаги жадидчилик ҳаракатининг илк пешқадамларидандир. У демократик ислоҳотлар ёрдамида Хива хонлигини қолоқликдан қутқозиш, уни иқтисодий ва маданий жихатдан илғор давлатлар қаторига чиқариш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни қарор топдириш ва халқ фаровонлигини таъминлашга бутун ҳаётини бахшида қилган, шу хайрли ишларни амалга оширишни ўзининг шахсий манфаати, ҳузур-ҳаловатидан устун қўйган қалби тоза, юксак фазилат эгаси бўлган давлат арбобларидан бири ҳисобланади. Маълумки, бундай адолатпарвар, маърифатпарвар шахслар тарихда камдан кам учрайди.

Исломхўжа ўзи бевосита ишлаб чиққан ва ташаббускор бўлган ислоҳотлар дастурини амалга ошириш борасида кўплаб хайрли ишларни бошлаб юборди. Аввало, хонликда катта норозиликка сабаб бўлаётган солиқ тизимини ҳуқуқий асосга қўйишга, давлат хазинасидаги маблағни фойдали ишлар учун сарфлашга, маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш ишларини замон талаблари асосида тубдан қайта қуришдек кенг қамровли ишларни амалга оширди. Исломхўжанинг саъй-ҳаракати билан Хивада ўнлаб маҳобатли иморатлар, сарой, мактаб, мадраса, почта-телеграф, касалхона ва Хиванинг рамзига айланган, Шарқдаги энг гўзал ва баланд минора бунёд этилдики, улар шу кунларда ҳам

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов "Тарихий хотирасиз келажак йўқ". Тошкент. "Шарқ" нашриёти 1998, 29 бет.

четдан келган хорижликларни ҳайратга солмоқда. Аммо, Исломхўжа бошлаб берган хайрли ишлар хонликда зулм-жаҳолатни сақлашдан манфаатдор, эскилик тарафдори бўлган Исфандиёрхон (1910-1918) ва унинг атрофидаги молпараст, ифвогар, фитначиларга мутлақо маъқул тушмаганди. Сайид Исломхўжа айнан ана шу жоҳил кишилар томонидан уюштирилган фитнанинг бевақт қурбони бўлди. Доно халқимизда "Яхши одамлар икки умр яшайди", деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Бу сўзнинг тагида чуқур фалсафий маъно бор. Зеро буюк инсонлар ўзларининг ҳалол фидойий меҳнатлари ва жасоратлари билан юртни обод ва озод қилади, осоишталик ва фаровонликни таъминлайди, илмий ва бадий асарлари билан илм-фан ва маънавий юксалишга улкан ҳисса қўшади. Илғор, ҳаётбахш ғоялари билан кишилар қалбини нурафшон қилади, уларни эзгуликка чорлайди. Сайид Исломхўжа хоразмликлар қалбида чуқур ўрин олган ана шундай барҳаёт сиймолардан эди. Душманлар гарчи Исломхўжани жисмонан йўқ қилган бўлсаларда, у ёққан машғал нурини ўчириб ташлай олмадилар. Бу ҳаётбахш ёруғлик нури минг-минглаб ҳурриятпарвар кишилар қалбини чароғон этди. Уларнинг беғубор онгида ватанпарварлик, миллий ифтиҳор ва миллий ғурур туйғусини шаклланишига кучли таъсир кўрсатди. Сайид Исломхўжа яратган илғор, умидбахш ғоялар кейинчалик Хивада вужудга келган янги ижтимоий ҳаракат-ёш хиваликлар фаолияти учун дастурил амал хизматини бажарди, десак асло янглиш бўлмайди.

Ўқувчилар эътиборига тавсия этилаётган ушбу рисолада хонликдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, бош вазир Исломхўжанинг фаолияти, унинг ислоҳотлар дастури, ислоҳотни амалга оширишдаги дастлабки қадамлар, саройдаги гуруҳбозлик кураши, фитначилар томонидан Исломхўжанинг қатл қилиниши, бош вазирнинг ўлиmidан кейин хонликда юз берган сиёсий воқеалар ва бошқа масалалар ишончли манбалар асосида, имконият даражасида ёритиб берилди.

Муаллифлар мазкур рисолаи тайёрлашда архив материаллари, Хива тарих музейи маълумотларидан, Хива та-

рихчиси Баёнийнинг "Шажарайи Хоразмшоҳий" асаридан, Исломхўжага замондош бўлган алломаларнинг (Полвонийёз Хожи, Абдулла Болтаевлар) ёзиб қолдирган эсдаликларидан, олимларимизнинг (акад. Я.Фуломов, М.Йўлдошев, Ғ.Нафасов, проф.О.Садиқов, И.В.Погорельский, О.Қўшчонов ва бошқа) нашр қилинган асарларидан кенг фойдаланилди. Ушбу манбалардан олинган маълумотлар янгича таҳлил қилинди ва хулосаланди. Албатта, ушбу рисола Исломхўжа фаолиятини ўрганиш борасидаги дастлабки уриниш бўлгани боис айрим камчилик ва етишмовчиликлардан ҳоли эмас, деб ҳисоблаймиз. Ҳар ҳолда рисола ёшларимизда Исломхўжа шахси ҳақида етарли тасаввур ҳосил қилади, унинг шарафли номи китобхонлар қалбида муносиб жой олишига ёрдам беради деган умиддамиз.

### *Муаллифлар*

---

<sup>1</sup> **Полвонийёз Хожи Юсупов (1861 - 1936)** - Маърифатпарвар давлат арбоби, Хиванинг сўнгги хонлари даврида саройда девонбеклик вазифасида ишлаган. Араб, форс, рус тилларини мукаммал билган. "Ёш хиваликлар" партиясининг асосчиси ва етакчи раҳбари. 1920 йил февралдан то 1921 йил 6 мартгача Хоразм Халқ республикасининг биринчи раиси бўлиб ишлаган. Унинг 644 бетлик "Хотиралар" қўлёзмаси "Ёш хиваликлар тарихи" номи билан 2000 йил Урганчда нашр қилинди.

<sup>2</sup> **Абдулла Болтаев (1896 -1966)** - Хиванинг машҳур наққоши ва тарихчиси. Хивадаги ўнлаб тарихий ёдгорликлар қурилишида, жумладан Кўхна Арк, Тошховли, Нуруллабой саройлари, Исломхўжа минораси ва мадрасаси қурилишларида ҳамда Тошкентда Навоий номли опера ва балет театрининг Хива залини безашда қатнашган. 1930-1966 йилларда Хива тарих музейида катта илмий ходим бўлиб ишлаб, хонлик тарихига доир ўнлаб қўлёзма асарларни ёзиб қолдирган. СССР давлат мукофоти совриндори ва Ўзбекистон Халқ рассоми унвонига эга.

## 1- §. XIX асрнинг 2-чи ярми ва XX аср бошларида Хива хонлигидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол

1873 йилнинг 12 августидан имзоланган Гандимён шартномасидан кейин Хива хонлиги Россия империясининг том маънодаги мустамлакасига айланиб қолди<sup>1</sup>. Хива хонлиги мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Хонликнинг бутун фаолияти 1874 йилда Амударёнинг ўнг томонида барпо этилган Туркистон Генерал-губернаторлигига қарашли Амударё бўлими (маркази Петро-Александровск, Тўрткўл.) назорати остига олинди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Хива хонлиги ҳам бошқа Шарқ давлатлари каби феодал-монархиялик тартибида бошқариларди. Бироқ Россия капитализми таъсирида бу ерда ҳам натурал хўжалик секин-аста бузилиб, товар-пул муносабатлари кенг ёйилаётган эди. Шунга қарамаздан феодал ер эгаллиги жамият ижтимоий ҳаётининг асосини ташкил этарди. Хивада ҳам хонлик ҳокимияти мутлоқ характерга эга бўлиб, Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1864-1910) ва тахт меросхўрлари Исфандиёрхон (1910-1918), Сайид Абдуллахонлар (1918-1920) Хивадаги Кўнғиротлар сулоласининг охириги ҳукмдорлари эдилар. Хивада хондан кейинги энг юқори лавозим меҳтар ва қушбегилик лавозимлари бўлиб, улар бош вазирлик мансабига тўғри келарди. Меҳтар хонликнинг шимолий, қушбеги эса жанубий вилоятларини бошқарган<sup>2</sup>. Улар солиқ йиғиш, қўшин тузиш, ҳарбий юришларга бошчилик қилиш, амалдорларни тайинлаш, чет давлатлар билан дипломатик алоқаларни олиб бориш вазифалари билан шуғулланганлар. Хонликдаги қурилиш ишларига ҳам улар масъул бўлганлар Девонбеги сарой

<sup>1</sup> 1873 йил 12 августда имзоланган Гандимён шартномасининг рус ва ўзбек тилларидаги асл нусхаси Хива тарих музейида сақланади.

<sup>2</sup> Ёўлдашев М.Й. "Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши". Тошкент "Фан", 1959 й., 276 бет.




девонларига, иш юритувчиларга, ясовулбоши қўшинга ва миршабларга, карвонбоши бўлса, ташқи савдо алоқаларига бошчилик қилган. Чоризм истилосидан сўнг хоннинг мунтазам қўшини - туркман отлиқлари тарқатилиб юборилади. Саройни қўриқлайдиган икки мингга яқин навкарлар қолдирилиб, улар миршаблик вазифасини бажаришган. Шулардан 200 га яқин киши хон соқчилари-сарой гвардиясини ташкил этган.

Саройда яна хизматчилар, маҳрамлар ва хон маслаҳатчилари хизмат қилганлар. Нақиб ҳам юқори лавозим ҳисобланиб, у Сайидлар жамоасининг бошлиғи бўлган ва хоннинг чап томонида ўтирган. Амалдорларнинг мавқеи уларнинг хонга шахсий садоқатига, яқинлигига қараб белгиланган. Муҳаммад Раҳимхон даврида Матмурод девонбеги, Иброҳимхўжа меҳтар, Раҳматилла ясовулбоши, сўнгра Сайид Исломхўжалар саройнинг энг нуфузли кишилари эдилар. Шулардан Матмурод девонбегининг мавқеи жуда юқори бўлиб, бутун ҳокимият унинг қўлида тўпланган ва у хоннинг яқин маслаҳатчиси бўлган. Матмурод девонбеги ва Раҳматилла ясовулбоши Козонли ва Калуга шаҳарларида 7 йил (1873-1880) қамоқда бўлишган. Хоннинг талаби билан улар кейинчалик қамоқдан озод қилиниб, ўз вазифасига тикланган. 1901 йилда Матмурод девонбеги вафотидан сўнг унга қарашли вазифалар бир неча амалдорларга бўлиб берилади. Матмурод девонбегининг ўғиллари ҳам саройда юқори лавозимларда бўлган<sup>1</sup>. Хусайнбек дастлаб солиқ йиғувчи, сўнгра девонбеги лавозимида, Шихназарбой дастлаб кўҳна Урганч ҳокими, кейинчалик ясовулбоши ва туркманлар иши бўйича масъул, Омонгалди Сардорбой эса хоннинг яқин маслаҳатчиси бўлган. Уларнинг барчаси Хиванинг энг бадавлат кишилари, йирик ер эгалари ва савдо-тижоратчилар эдилар.

---

<sup>1</sup> Баёний. “Шажараи Хоразмшоҳий”. Тошкент. “Камолат”, 1991 й., 245 бет.



Хива хонлигини Чоризм томонидан босиб олиниши. 1873 йил.

Хонқа ҳокими Иброҳимхўжа ва унинг Исмаилхўжа, Исломхўжа, Исҳоқхўжа ва бошқа фарзандлари ҳам саройнинг энг обрўли ва юқори мартабага эга бўлган кишилари-дан бўлишган. Шунингдек, Хиванинг йирик мулкдор бойларидан, савдогар, карвонбоши Матвафо Боққалов ва унинг иниси, янги Урганч беки Абдурахмон Боққалов ҳам хонликда катта эътиборга эга бўлган шахслардан эдилар.

Ўша даврда Хива хонлиги маъмурий жиҳатдан 23 та бекликка ва 2 та ноибликка ажратилган бўлиб, бек ва ноиблар хон томонидан тайинланган.


Бекликлар ўз навбатида қишлоқларга ёки Масжидқўмларга (масжид жамоаларига) ажратилган. Масжидқўмларга беклар томонидан тайинланган оқсоқоллар бошчилик қилган. Хонликдаги туркман, қорақалпоқ ва қозоқларнинг маъмурий тuzилиши ва бошқарилиши эса уруф-қабилачилик удумлари асосида бўлган. Улар мухрдор, катхуда, вакил, бахши, оталик ва бейлар томонидан бошқарилган. Туркман уруф жамоаларининг тепасида мухрдорлар турган. (Мухрдор-хон мухрини сақловчи). Мухрдорлар бадавлат ва бообрў уруф сардорлари (бошлиқлари)

орасидан хон томонидан тайинлаб қўйилган. Сардорлар уруғларни бошқаришган. Уларга катхуда, оқсоқол, бахши, номлари билан юритилган. Катхуда ва оқсоқоллар мухрдорларга, мухрдорлар эса бевосита хонга бўйсунганлар. Қорақалпоқларнинг асосий қисми хонликнинг Хўжаэли, Шуманай, Қўнғирот, Кўхна Урганч ва Қипчоқ-Манғит бекликларида яшаган, улар қисман деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Қозоқлар ҳам Қўнғирот ва Хўжаэли бекликлари худудида яшаб, асосан чорвачилик билан машғул бўлганлар. Маъмурий жиҳатдан улар бекларга, уруғ жамоаси доирасида оталик ва бейларга бўйсунганлар. Ушбу лавозимдаги шахслар хон томонидан тасдиқланган. Хонликдаги пастдан то юқоригача бўлган барча лавозимлар, шунингдек, хонлик ва сарой амалдорлиги мансаблари ҳам авлоддан авлодга мерос бўлиб қолган<sup>1</sup>.

Ҳоким, ноиб, оқсоқол ва уруғ оқсоқолларига хазинадан иш ҳақи тўланмаган. Улар аҳолидан олинган солиқдан 1/10 ва 1/20 бўлаги миқдорида ҳақ олиб қолиб, ноқонуний даромад тўплаганлар. Шу боисдан улар солиқларни белгиланган миқдордан ортиқча тўплашга ҳаракат қилганлар. Маҳаллий ҳукмдорларнинг зулми ва зўравонлиги ҳаддан зиёда бўлиб, бу ҳақда хонга шикоят қилиш амри маҳол бўлган. Олий суд ҳокимияти хоннинг қўлида тўпланган, жойларда эса шикоятлар қозилар томонидан кўриб чиқилган. Ҳар бир шаҳарда иккита қози фаолият кўрсатган, улар мадраса таълимини олган ва шариат қоидаларини пухта эгаллаган кишилардан тайинланган. Туркман, қорақалпоқ ва қозоқларда турли шикоятлар одат қоидаларига мувофиқ уруғ бошлиқлари томонидан ҳал этилган. Қозиларнинг иши юзасидан назорат қозикалон томонидан амалга оширилган. Энг оғир жазо хоннинг ҳукми билан берилган. Шахсиятпарастлик, таъмагирлик, ўзбошимчалик, гуруҳбозлик ва чақимчилик айниқса Исфандиёрхон даврида саройда ниҳоятда одат тусига

---

<sup>1</sup> История Бухарской и Хорезмский народных республик. Москва, 1971 г., стр.14



### XIX аср ўрталарида ўрта Осиё хонликлари.

кирган ярамас иллатлардан бўлди. Архив ҳужжатларида аҳолининг турмуш тарзи, машғулоти, солиқ тизими ва бошқа масалалар ҳақида қимматли маълумотлар сақланиб қолган. Хива тарихчиларидан Мунис, Огахий, Баёний асарларида, рус сайёҳлари Гиршфельд, Данилевский ҳисоботларида, академик Я.Фуломов, М.Й.Йўлдошев, проф. П.П.Иванов тадқиқотларида хонлик тарихига доир қимматли маълумотлар мавжуд. Ушбу маълумотларда XX аср бошларида хонликда бир миллион бир юз мингдан зиёд аҳоли яшаганлиги қайд этилади. Хонликнинг асосий аҳолиси ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқ, қозоқ, татар, эронийлардан иборат бўлган. 1912 йилги маълумотга кўра, ўзбеклар аҳолининг 60 фоиздан зиёдини, туркманлар 26,8 фоизини ташкил қилганлар. Қолганлари бошқа миллат вакилларида ташкил топган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Садыков А.С. Россия и Хива в конце XIX – начало XX века. Ташкент, “Фан”, 1971 г., стр.10.

Хонлик аҳолиси қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Ўзбеклар асосан деҳқончилик, савдо ва ҳунармандчилик билан машғул бўлганлар.

Хонликдаги жами суғориладиган экин майдонлари Гришфельднинг кўрсатишича 380 минг десятинадан (айрим манбаларда 450-460 минг десятина) зиёд бўлган. Шундан бир юз минг десятинаси хонга, унинг қариндош-уруғлари ва йирик заминдорларга қарашли бўлган<sup>1</sup>. Хонликдаги экин майдонлари тубандаги уч гуруҳга бўлинган:

1. Подшолик ерлари. Булар бевосита хонга қарашли бўлган ерлар.

2. Мулк ерлари. Айрим мулкдорларга қарашли бўлган ерлар. Улар насли ҳисобланган ерлардир.

3. Вақф ерлари-диний муассасаларга (масжид, мадраса, муқаддас жойларга) қарашли ерлар.


Деҳқончиликда пахта, буғдой, жўхори, арпа, мош, шоли ҳамда полиз ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилган. Хонликнинг қишлоқ хўжалиги суғоришга асосланган бўлиб, экин майдонлари Амударёдан сув оладиган Тошсақа, Полвонёп, Қиличбой, Шовот, Ярмиш, Ғазавот, Манғит арна каналларидан сув ичган. Бу ерда ирригациянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки экин майдонлари асосан чиқир (чиғирик) ёрдамида суғорилган. XX аср бошларида хонликда 50 мингдан ортиқ чиқирлардан фойдаланиб келинган<sup>2</sup>. Чиқир ёрдамида сув чиқариш бош магистрал каналлар ва ички ариқларни тозалаш ва таъмирлаш, дарё қирғоғи бўйлаб ихота дамбалари (қочи) ни қуриш қишлоқ хўжалигида деҳқонлар учун энг оғир, машаққатли меҳнат ҳисобланган.

Хонликнинг ташқи иқтисодий алоқалари асосан сув йўли – Амударё орқали олиб борилган. 1887-1888 йилларда Амударё пороходчилиги ташкил этилади.


---

<sup>1</sup> Гришфельд и Галкин. Военно – статистическое описание Хивинского оазиса. Ташкент, г.11, 913 г., стр. 45.

<sup>2</sup> Сотлиқов А. Хоразм ирригацияси тарихи. (1920-1941). Номзодлик диссертацияси. Тошкент, 1967 й., 25 бет.



Хива ичонқаъласининг умумий кўриниши. XIX аср.



Хива. Ичонқаъланинг маҳобатли деворлари. XIX аср.



Амударё флотилияси ихтиёрида 1500 дан ортиқ юк ташувчи кемалар, 6 та пороход ва 13 та баржалар ишлаб турган. Йилига 500 минг пуд юк ташилган. Амударё флотилияси Рус маъмурияти назорати остида бўлган.

Россия тўқимачилик саноатининг пахта хомашёсига бўлган талабини ошиши билан хонликнинг қишлоқ хўжалигида товар хусусияти ривож топади. Натижада бошқа жойларда бўлганидек, Хива хонлигининг қишлоқ хўжалиги ҳам Россия саноатининг хом ашё базасига айланиб қолади. Хивада ҳам пахтачилик ва беда уруғи етиштириш қишлоқ хўжалигидаги етакчи тармоққа айлана боради. Гиршфельднинг маълумотига кўра 1896-1898 йилларда хонликда жами экин майдонининг 9,1 фоизига, яъни - 29,5 минг десятина майдонга пахта экилган, ташқи бозорга 252 минг пуд пахта толаси чиқариб сотилган. Кейинги беш йил мобайнида

юқоридаги кўрсаткич 50 фоизга ошган. 1909 йилга келиб пахта майдонлари 34,7 минг десятинага, яъни - 15,8 фоизга етган. Беда майдони ҳам шу давр мобайнида 7,8 фоиздан (24,4 минг десятина) 15,9 фоизга (35,2 минг дес.) етган<sup>1</sup>. Пахта ва беда майдони асосан дон ва полизчилик экинлари ҳисобига кенгайтирилган. 1909 йилда Хоразм воҳасидан (Амударё бўлими билан бирга) Россия бозорига жами 500 минг пуд пахта толаси ва 320 минг пуд беда уруғи чиқарилган. Пахтанинг кам ҳосил, маҳаллий ғўза уруғи ҳосилдор Америка уруғи билан алмаштирилган<sup>2</sup>. Беда уруғи Россия орқали Германия ва АҚШ бозорига чиқариб сотилган. Лобачевскийнинг гувоҳлик беришича 1912-йилга келиб хонликда пахта майдони 48,7 минг десятинага етган. Бошқача қилиб айтганда, жами экин майдонининг 16,3 фоизига пахта экилган. Шундай қилиб, XX аср бошларига келиб Хива хонлиги Россия империясининг йирик хом ашё манбаига айланиб қолади. Россия эса Хива бозорига тўқимачилик маҳсулотлари, чой, қанд, металл, бўёқ келтириб сотган. Хонликнинг иқтисодиёти гарчи Россия бозор муносабатлари доирасига жалб қилинган бўлсада, бу ерда феодал ер эгаллиги ҳукмрон бўлиб қолаверди. Бу ҳақда "Туркестанский курьер" газетасида: "Кейинги даврда бу ерда (Хива хонлигида А.С.) савдо ривож топа бошлади. Бироқ аҳолининг турмуш шароитида, алоқа воситаларида ва ҳуқуқий аҳволида ўзгариш сезилмаяпти", — деб қайд этилади<sup>3</sup>.

XIX аср охири - XX аср бошларида Россияда капиталистик муносабатларнинг тез тараққий этиши хонликнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлади. Хива хонлигида ҳам рус капиталистларига қарашли 24 та савдо- саноат фирмалари пайдо бўлади. Янги Урганч,

---

<sup>1</sup> Гришфельд и Галкин. Ўша асар, г.11, с.103.

<sup>2</sup> Лобачевский В. Хивинские район. Военно-статистическое описание Туркестанского округа. Тошкент, 1912, с.96, 106.

<sup>3</sup> "Туркестанский курьер", 1914, 22 апрел.





Хива, Хонқа, Тошовуз, Қўнғирот ва бошқа шаҳарларда Россиянинг катта Ярослав манафактураси, Москва савдо - саноат ширкати, ака - ука Крафт ва Познанский, Шуйский манафактураларига қарашли конторалар, омборхоналар,



Хива хони Сайид Муҳаммад Рахимхон Феруз (1864-1910).

пахта тозалаш, ёғ ишлаш, терини қайта ишлаш саноаткорхоналари вужудга келди, хусусий банклар очилди. Янги Урганчда "Россия-Осиё банки" иш бошлаб юборди. Уларнинг ёрдамида маҳаллий бойлар, ишбилармонлар ҳам савдо - саноат ва судхўрлик капиталини ривожлантириб юбордилар. Жумладан, ака - ука Матвафо ва Абдурахмон Боққалов, ака-ука Салимжановлар, Х.Гавданов, Самандаров, С.Аминов, А.Аллаберганов, А.Айитбаев ва бошқа-




Сайид Муҳаммад Раҳимхон Феруз Русия ҳукумати вакилларини қабул қилмоқда.

ларга қарашли саноат корхоналари фаолият кўрсатади. Аммо уларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари анча чекланган ва улар кўпи жиҳатдан рус савдо - саноат капиталига боғланиб қолган эдилар. 1916 йилга келиб хонликда 36 та пахта тозалаш заводи, 4 та ёғ заводи, 4 та терини қайта ишлайдиган ва 8 та беда уруғи тайёрлайдиган заводлар ишлаб турган ва уларнинг кўпчилиги Россия савдо - саноат фирмалари қўлида бўлган<sup>1</sup>. Демак, XX аср бошларига келиб хонликда савдо-саноат ва судхўрлик билан шуғулланувчи янги ижтимоий қатлам шаклланган ва улар хонликнинг сиёсий ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлаган эди. Шунини таъкидлаш лозимки, Чор Россияси хонликда ишлаб чиқариш кучлари ва

---

<sup>1</sup> История Бухарской и Хоразмской народных республик. Москва, 1971, с.25; Садыков А. Ўша асар, Ташкент, 1972, с.63,65.



Хиванинг Дешонқаъла деворининг умумий кўриниши. XIX аср.

маданий - маърифий ҳаётни тараққий этишидан манфаатдор эмасди. Бу ерда иш бошлаган саноат корхоналари қолоқ техникага асосланган ҳамда хом ашёни қайта ишлашга мўлжалланган эди, халос. Натижада капиталистик ва феодал зулм бирга қўшилиб, аҳолининг шусиз ҳам мушкул аҳволини янада оғирлаштириб юборади. XX аср бошларига келиб хонликнинг барча вилоятларида феодал ва мустамлакачилик зулм ва асоратига қарши халқ кўзғолонларининг кучайиб кетганлигини кўрамиз. Бу эса Россия ҳукумати ва Хива хонлигидан мамлакат ички ҳаётида қисман бўлсада ислохотлар ўтказишни талаб этади.

## 2-§. Сайид Исломхўжанинг ҳокимият тепасига келиши ва унинг ислоҳотлар дастури

Тарихдан маълумки, Шарқ ва Ғарбда ҳам мамлакатнинг тинчлиги, осойишталиги ва халқнинг фаровон ҳаёти, иқтисодий ва маданий тараққиёти ақлли ва доно ҳукмдорларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган. Шу жиҳатдан қараганда, Хоразмда ҳукмронлик қилган Офриййлар, Маъмунийлар, Ануштагенийлар ва Қўнғиротлар сулоласига мансуб ҳукмдорлар орасида ана шундай маърифатпарвар ҳукмдорларни кўплаб учратишимиз мумкин. Абулғозий Баҳодирхон (1643-1663), Муҳаммад Раҳимхон (1806-1825), Оллоқулихон (1825-1842) ва Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1864-1910) шундай тараққийпарвар ҳукмдорлардандир. Бош вазир Сайид Исломхўжа ҳам ўз ҳаётини Эл-юрт осойишталиги, ободончилиги ва иқтисодий-маданий тараққийсига бахшида



Хива хони Сайид Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1864-1910)



Хива хони Сайи Исфандиёрхон (1874-1918)

этган, ўзида энг юксак инсоний фазилатларни мужассам этган йирик давлат арбобидир.

Сайид Ислomхўжа (1871-1913) Муҳаммад Раҳимхон Феруз ва унинг тахт вориси Исфандиёрхон (1910-1918) саройида бош вазирлик лавозимида ишлар экан, салкам 20 йиллик фаолияти даврида мамлакатни жаҳолат ва қолоқликдан қутқариш, демократик ислохотлар ёрдамида Хоразмнинг азалий мавқеини тиклаб, илғор давлатлар даражасига кўтариш, маҳаллий ҳукмдорлар ва мустамлакачилар асоратида эзилган ва гурури топталган халқимизнинг оғир қисматини бир оз бўлсада енгиллаштириш учун жуда кўп саъй-ҳаракатлар қилди. У XX аср бошларида Хоразмда кенг қулоч ёзган илғор ижтимоий ҳаракат-жадидчилик ҳаракатининг йирик пешқадамларидан эди. Аммо хон саройида ҳукм сурган жаҳолат Ислomхўжанинг кенг қамровли тараққийпарварлик ҳаракатига имкон бермади. У навқирон 42 ёшида, айнан ижтимоий-сиёсий фаолиятининг гуллаган бир пайтида жаҳолатпарастлар, маърифат душманларининг бегуноҳ қурбони бўлди. Тарих фанида ҳали шу кунгача Сайид Ислomхўжанинг ижтимоий фаолияти ва фожеа сабаблари етарлича ўрганилмаган. Тарихчилар орасида бош вазирнинг фожеали ўлими ва бунинг сабаблари ҳақида ягона бир фикр йўқ. Агар бир гуруҳ тарихчилар Ислomхўжанинг ижтимоий фаолиятига юқори баҳо бериб, қотиллик сабабини Исфандиёрхоннинг саройдаги гуруҳбозлик, шахсиятпарастлик ва маишатпарастлик сиёсатидан ахтарсалар, бошқа бирлари ушбу фожеага Исфандиёрхоннинг мутлақо даҳли йўқ, деб уни четдан, сарой ташқарисидан ахтармоқдалар. Биз ҳам ушбу рисолада архив ҳужжатлари ҳамда мудҳиш воқеанинг жонли гувоҳлари, ўша даврда сарой хизматида бўлган Полвонниёз Хожи ва Абдулла ака Болтаевлар хогиралари асосида ўз нуқтаи назаримизни баён этилишга ҳаракат қилдик.

Сайид Ислomхўжанинг ёшлик давлари ҳақида бизгача жуда кам маълумотлар сақланиб қолган. Ислomхўжа 1871 йилда Хоразмнинг йирик савдо-саноат шаҳарларидан саналган Хонқа қалъасида, бадавлат оилада таваллуд топади. Отаси Сайид Иброҳимхўжа Сайидлар авлодига мансуб бўлиб,

ўз даврининг бадавлат, саводхон ва маърифатпарвар кишиларидан бўлган. Унинг отаси Сайид Муҳаммадхўжа мутавалли Сайид Отахўжа авлодига мансуб<sup>1</sup>. (Сайидлар мусулмон мамлакатларида пайғамбар авлодига мансуб энг мартабали ва ҳурматга сазовор тоифа ҳисобланган). Иброҳимхўжа Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг яқин қариндоши, дойиси ва айна пайтда хоннинг қайнотаси эди<sup>2</sup>. Унинг Осилпошша исмли қизи Ферузнинг иккинчи хотини бўлган. Иброҳимхўжа узоқ вақт Хонқа қалъасида ҳокимлик вазифасида ишлаб, ўзининг адолатпарварлиги ва ташкилотчилиги билан халқ орасида ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган. Феруз 1864 йилда тахтга ўтирганида эндигина 19 ёшга тўлган ва давлат бошқарув ишларида ҳам етарли тажрибага эга бўлмаган. Шу боисдан Феруз дойиси ва қайнотаси Иброҳимхўжани саройга чақириб, уни ўзига маслаҳатчи қилиб қўяди. Иброҳимхўжа ушбу вазифада хонга уч йил ҳолис хизмат қилган. 1882 йилда Феруз Иброҳимхўжани вазир-мехтарлик лавозимига тайин қилади. Унинг иниси Сайид Абдуллахўжа эса хонликда мавқеи жиҳатдан Хивадан кейин иккинчи ўринда турган Хозарасп қалъасига ҳоким қилиб тайинланади<sup>3</sup>. Иброҳимхўжа вазирлик вазифасида етти йил хизмат қилади. Шу вақт мобайнида у давлат бошқарув тизимини мустаҳкамлаш борасида катта хизмат кўрсатди. Саройнинг энг масъул лавозимларига: қушбеги, нақиб, девонбеги, ясовулбоши, бек, ҳоким, қозикалон ва бошқаларга тажрибали ва ишончли одамларни тайинлади. Хонликнинг суғориш ва деҳқончилик ишларини тартибга солди. Туркманлар орасидаги норозилик ҳаракатларини муросага келтирди. Иброҳимхўжа хонликнинг розовот, Амбар-Моноқ, Қиличбой ва Тошхоуз вилоятлари атрофларида кўтарилган туркманларнинг исён-

---

<sup>1</sup> Баёний. “Шажараи Хоразмшоҳий”, Тошкент, “Камолат”, 1991, 240-241-бетлар.

<sup>2</sup> Баёний. Ўша асар, 241 бет.

<sup>3</sup> Баёний. “Шажараи Хоразмшоҳий”, Тошкент, 1991, 243 бет.

ларини бартараф этди, аҳолини бесаранжон қилаётган тартиббузар, ўғри ва қароқчиларга қарши бешафқат курашди. Мамлакатда тинчлик ва осойишталикни қарор топдириб, эл хурматини қозонди. Иброҳимхўжа ўзининг мамлакат олдидаги хизматлари боис "вазири жумлат ул-мулк", яъни - бутун мамлакатнинг улуг вазири шарафли унвонига сазовор бўлди. Баёний ўз асарида бош вазир ҳақида "Иброҳимхўжа бағоят мудаббир ва Кордон (уддабурон ва ишбилармон А.С.) киши эрди, вилоятга (хонликка) яхши низомлар берди. Хон ҳазратлари онинг раъи била бурунги подшоларга хизмат этиб ўтган қадим ул-хизмат давлатхоҳларнинг авлодларин топиб ота-боболарнинг ўринларида барқарор этдилар!", — деб ёзди. Дарҳақиқат Иброҳимхўжа тавсияси билан Қиличбек, Рахимберганбек, Тўра Муродбеклар Қиличбой, Манғит, Қипчоқ, Гурлан қалъаларига оталик вазифасига, Муҳаммад Муродбий, Авазмуродбий ва Абдуллабийлар бийлик, Абдуқодирбек, Нуруллобек ва Абдусатторбеклар мироблик вазифасига тайин қилинди. Бекчон оталик, Рахимберган оталик, Нуруллабой мироб эса Гурлан, Қиличбой, Кот қалъасига хоким бўлдилар. Иброҳимхўжа томонидан амалга оширилган ушбу тадбирлар марказий хокимият нуфузини анча мустаҳкамланишига катта таъсир кўрсатди.

1889 йили Сайид Иброҳимхўжа вафот қилади, ва унинг ўрнига бош вазирлик лавозимига амакиси Сайид Абдуллахўжа тайин қилинади. Ибраҳимхўжадан яхши камол топган, ўқимишли ва зукко тўрт фарзанд қолди.

Уларнинг тўнғичи Исмаилхўжа, сўнгилари Исломхўжа, Исҳоқхўжа ва Муҳаммад Яъқубхўжалар эди<sup>2</sup>. Шулар орасида Сайид Исломхўжа ўзининг билими, ақл-заковати билан алоҳида ажралиб турарди. У ёшлигида хусусий муаллимлар қўлида тарбия топади. Сўнгра Хивада билимли домлалардан мадраса таълимини олади. Мадрасада айниқса тарих, география, ада-

---

<sup>1</sup> Баёний. ўша асар, 241 бет.

<sup>2</sup> ўша асар, 242 бет.

биёт, муסיқа ва бошқа дунёвий илмлар билан бир қаторда араб, форс тилларини мукаммал ўрганади. Шунингдек, Исломуҳжа Феруз саройида ташкил этилган рус - тузем мактабида ҳам таҳсил олиб рус тилида бемалол сўзлашиш ва ўқишни ҳам ўзлаштириб олган.

Исломуҳжанинг бошқа инилари ҳам ўз даврининг билимдон ва маърифатли кишилари бўлиб етишадилар. Исломуҳжа ўзининг зукколиги туфайли 15 ёшидан бошлаб давлат ишларига жалб қилинади. У анча вақт саройда

закот йиғувчи вазифасида хизмат қилади. Бу вазифада анча тажриба орттиргач солиқ тизимидаги мавжуд камчиликларни яхшигина фаҳмлаб олади. 1889 йили Сайид Абдуллахўжа хон саройига бош вазирлик вазифасига чақирилгач Исломуҳжа Феруз фармони билан Ҳазораспга ҳоким қилиб тайинланади. Исломуҳжа бу маъсул вазифада ўн йилдан ортиқ хизмат қилиб бой тажриба орттиради ва сарой аъёнлари ва халқ орасида катта ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлади. 1898 йили Сайид Абдуллахўжа ҳам оламдан ўтади. Муҳаммад Раҳимхон Исломуҳжани ҳазораспдан чақиртириб, амакиси Сайид Абдуллахўжа ўрнига бош вазирлик вазифасига таклиф этади. Бу вақтда энди 27 ёшга қадам қўйган Исломуҳжа тез орада алоҳида ташаббускор, доно, қалби тоза, адолатпарвар ҳамда янгиликка интилувчи вазир сифатида танилди, унинг эл орасидаги ҳурмат-эътибори ортиб боради. У ўз фаолиятининг дастлабки кунидан бошлаб мамлакатнинг иқтисодий



Бош вазир Сайид Исломуҳжа  
(1871 – 1913)



ва маданий тараққийси тўғрисида қайғурди. Бош вазир Исломхўжанинг саъй-ҳаракати билан хонликда, айниқса, пойтахт Хивада ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Фақат Хиванинг ўзида 30 дан ортиқ меъморий қурилишлар-масжид, мадраса, саройлар, янги усул ва рус-тузем мактаблари бунёд этилди. Ушбу ёдгорликларнинг кўпи ҳозирги кунимизгача сақланиб қолган. Баёний Муҳаммад Рахимхон ва бош вазир Сайид Исломхўжа ташаббуси билан Хивада бунёд этилган маърифат масканлари бўлган меъморий ёдгорликлар ҳақида шундай деб ёзади: "Маълум бўлсунким, хон ҳазратлари бағоят мушфиқ-фуқаро ва бағоят хайирдўст киши эрдилар. Кўп мадрасалар ва масжидлар бино қилдилар ва кўп мадрасаларнинг биноларига сабаб бўлдилар". Жумладан, Кўҳна Арк олдида Муҳаммад Рахимхон мадрасаси, Муҳаммад Мурод девонбеги мадрасаси, Қадам ясовулбоши мадрасаси, Иброҳимхўжа мадрасаси, Юсуф ясовулбоши, Хусайнбек, Дўст Олим, Муҳаммад Салим мадрасалари, Исломхўжа мадрасаси ва минораси, Нуруллобек масжиди ва мадрасаси, Юсуф баззоз минораси ва мадрасаси, Муҳаммад Панобой масжиди ва мадрасаси ўша даврда бунёд этилади<sup>1</sup>.

Шунингдек, 1904 йили Хиванинг Тозабоғ худудида пишиқ гиштдан хоннинг ёзги ховлиси, яна бир масжид ва мадраса ҳам қуриб битказилади. Ушбу илм масканлари хонликда фан-маданият ва маърифат ривожига жуда катта ҳисса қўшди.

Исломхўжа хонликда ирригация ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида ҳам бир қатор хайрли ишларга бошчилик қилди. Айниқса, 1900 йилда магистрал каналларни тозалаш ва капитал таъмирлаш ишларига оммавий сафарбарлик эълон қилиниб, бу хайрли ишга 40 мингдан ортиқ деҳқонлар жалб қилинди. Шу йили хонликнинг шимолий районларида қадим суғорилган ерларга сув чиқариш, янги ерларни ўзлаштириш мақсадида эски Лавзан каналидан 8 км пастдан 39 км узунликда янги канал чиқарилди. Яна Лавзан ва Кўна

---

<sup>1</sup> Баёний. "Шажараи Хоразмшоҳий". Тошкент, "Камолат", 1991, 252 бет.



Исфандиёрхоннинг Петербург сафари. Чапдан учинчи қаторда бош вазир Исломхўжа. Ўртада Исфандиёрхон. 1913 йил.

дарё мавзеида 14 та эски каналлар тозаланиб, шу зонада 2840 таноб ер янгидан ўзлаштирилди. Худди шундай 1900 йили Кўҳна Урганч атрофида 3750 десятина ерга сув чиқарилиб деҳқончилик қилинди. Ана шундай ишлар Қўнғирот, Шуманай районларида ҳам амалга оширилди. Шу зонада ўриклик, Бек-ёп ва Талдик каналлари қайтадан таъмирланади. Янги ўзлаштирилган экин майдонларига ерсиз ва кам ерли ўзбек, туркман ва қорақалпоқлар кўчирилиб, улар орасидаги нори-золик чиқишларининг олдини олинишига имкон яратилади<sup>1</sup>.

Бош вазир Исломхўжанинг саъй-ҳаракати билан Кўҳна-Урганч, Қўнғирот ва Хўжаэли вилоятларида истиқомат

---

<sup>1</sup> Сотлиқов А. Хоразмда ирригациянинг ривожланиш тарихидан (1920-1941). Тошкент 1967, 37-38 бет.

қилаётган аҳоли орасида бир мунча осойишталик қарор топади. ўша вақтда Хивада бўлган рус ҳарбий бошлиқларидан бири "Исломхўжа ақллилиги ва идроклилиги жиҳатидан хонликдаги барча амалдорлардан устун туради", – деган фикрни ҳақли равишда ёзиб қолдирган.

1909 йилнинг охирига келиб Муҳаммад Раҳимхоннинг соғлиги оғирлашиб қолади. У фалаж касалига учраб қўл ва оёғи ишламади. Хоннинг оғир касалга чалиниши сарой амалдорлари орасида гуруҳбозликни кучайтириб юборади. Кураш хоннинг эски амалдорлари билан тахт меросхўри Исфандиёр тўра тарафдорлари ўртасида кескин тус олади. Исфандиёр тўра Муҳаммад Раҳимхоннинг тўртинчи ўғли, фарзандлар орасида анча тетик, сиёсатга қизиқадиган киши бўлган. У мадраса таълимини олган ва рус-тузем мактабида ўқиб рус тилини эгаллаган. Отаси ва бошқа сарой аъёнлари билан бир неча марта Петроградда рус подшоси қабулида ҳам бўлган. Шеърийатга ҳам ихлоси баланд шахс бўлган.

1891 йили 4 сентябрда отасининг тавсияси билан Исфандиёр тўра рус подшоси Николай II томонидан тахт меросхўри сифатида тасдиқланган эди. Аммо саройдаги тахтга даъвогарлар орасида Исфандиёрнинг тахтга чиқишини истамаётганлар ҳам оз эмасди. Амударё бўлими бошлиғининг 1909 йилнинг сентябрида Туркистон Генерал губернаторлигига ёзган хатида "Менга маълум бўлишича хиваликлар орасида Исфандиёр тўранинг хон бўлишини истамаётганлар бор"<sup>1</sup>, – деб қайд этилади.

Матмурод девонбеги гуруҳи саройдаги энг масъул лавозимларни қўлда сақлаётган эди. Девонбеги ўғилларидан Шихназарбой ўша вақтда Кўҳна Урганч беки, Ҳусайнбек эса дастлаб солиқ йиғувчи, кейинчалик саройда девонбеги лавозимида, Омонгалди Сардорбой отасининг ёрдамчиси ва туркманлар иши юзасидан масъул шахс эдилар. Уларнинг барчаси Хиванинг энг бадавлат ва саройда кучли таъсирга

---

<sup>1</sup> ЦВИАРФ, ф.400, д.100, л.10; Садыков А. Ўша асар, 135 бет.


эга бўлган кишилар эди. Шунингдек, бош вазир Исломхўжа, Муҳаммад Юсуф ясовулбоши ва Мамаг маҳрамлар ҳам Муҳаммад Раҳимхоннинг ишончли ва тажрибали амалдорларидан ҳисобланарди. Улар ҳам ҳокимиятда ўз мавқеиларини сақлаб қолиш ва мустақкамлаш учун ҳаракат қилдилар.

Исфандиёр атрофида тахтга даъвогар бўлган бошқа яна бир гуруҳ шаклландики, улар қандай бўлсада тахтни Исфандиёр тўра қўлига олиб беришга уринаётган Хиванинг ўта фирибгар, лаганбардор ва ҳасадгўй бой, савдогарларидан иборат гуруҳ эди. Улар Исфандиёр ёрдамида хоннинг эски тажрибали амалдорларини ҳокимиятдан четлаштириб, саройдаги энг нуфузли, юқори лавозимларга эгалик қилишга ҳаракат қилаётган, шу мақсад йўлида истаганча пул сарфлашдан, ҳийла-найранг, фирибгарлик ва қотилликдан ҳам қайтмайдиган жоҳил кишилар эди<sup>1</sup>. Ушбу гуруҳ таркибида: карвонбоши Матвафо Боққалов, Абдукарим ясовулбоши, Ашир маҳрам ва бошқалар бор эди. Матмурод девонбеги вафотидан (1901) кейин Исфандиёр тўра унинг ўғилларини ҳам ҳар ҳил ваъдалар билан ўз томонига ағдириб олишга ҳаракат қилди. Исфандиёр тўра тахтга ўтиргач Матвафо карвонбошини Хонқа, Янги Урганч ва Гурлан бекликларига бек қилишга, Омонгалди Сардорбойни эса Кўҳна Урганч, Хўжаэли ва Илоллига бек қилиб тайинлашга, Шихназарбойни ясовулбоши, Ҳусайнбекни бўлса саройда меҳтарлик вазифасига, тайинлашга ваъда беради. Улар ҳам ўз навбатида Исфандиёрни тахтга чиқишида зарур маблағ билан таъминлашга рози бўладилар. Матмурод девонбеги ўғилларининг ҳар бири Исфандиёрга 12 минг тилладан, жами 48 минг тилла ёрдам беришга розилик билдирадилар. Саройда Исломхўжа ва Муҳаммад Юсуф ясовулбоши гуруҳи, яъни, эски хон тарафдорлари ҳам бўлиб,

---

<sup>1</sup> Полвонниёз Хожи Юсупов. “Ёш хиваликлар тарихи”, Урганч, 2000, 58 бет.

улар анча бақувват ва кучли таъсирга эга эди. Шу боисдан Исфандиёр тўра атрофидагилар ҳозирча ошкора ҳаракат қилишга журъат эта олмас эдилар<sup>1</sup>.



Хива. Муҳаммад Аминхон  
мадрасаси ва минораси. XIX аср.



Хива. Сайид Муҳаммад Раҳимхон  
Соний мадрасаси. 1871-1872 йил.

1910 йил 19 августда Муҳаммад Раҳимхон Феруз офир касалликдан сўнг вафот этади. У Хива тахтида 47 йилу 10 кун ҳукмронлик қилди, ҳамда маърифатпарвар давлат арбоби сифатида ном қолдирди. Хон вафотидан бир неча кун олдин Амударё бўлимининг бошлиғи генерал Колосовский бошлиқ бир гуруҳ ҳарбийлар Хивага келади. Улар саройда тахт учун келиб чиқадиган можародан ҳамда вилоятлардаги халқ ғалаёнларидан хавотирда эдилар. Бош вазир Исломхўжа ҳам саройда кўнгилсиз воқеалар юз беришини албатта истамас эди. Бу эса Исфандиёр тўрага тинч йўл билан Хива тахтига эгалик қилиш имконини беради. Исфандиёрхон рус ҳарбийларига уни тахтга чиқиб олишида ёрдам қилганлари учун уларга катта миқдорда совға-саломлар қилади. Исломхўжа ҳам тахтни бошқалардан кўра ўз куёви Исфандиёр қўлига ўтишига тарафдор эди. Россия ҳукумати хонликдаги мураккаб ички вазиятни ҳисобга олиб, Исфандиёрни хон бўлишига

<sup>1</sup> Погорельский И.В. Очерки экономической и политической истории Хивинского ханства в конце XIX и нач. XX вв. Ленинград, 1978, с.67.

рухсат бериш билан бирга уни мамлакатда бир қатор ислохотлар қилишга ҳам рози қилади.


Феруз вафотидан олдин ўели Исфандиёрни тахт вори-си қилиб белгилар экан, унга ўзи бошлаган хайрли ишлар-ни давом эттиради, деб умид боғлаган эди. Исфандиёр ҳам тахтга ўтирган куннинг эртагаёқ Қўнғиротлар сулоласи-нинг пиру комили ҳисобланган Пахлавон Маҳмуд қабри-ни зиёрат қилиб, шу ерга йиғилган сарой аъёнлари ҳамда уламолар олдида ваъз сўзлаб, шариат қоидаларига қатъий амал қилишга, мамлакат тинчлиги ва фаровонлиги йўлида хизмат қилишга, солиқ тизими ва бошқа мажбуриятларни камайтиришга ваъда беради ва қасамёд қилади. Аммо бу ваъдалар кейинчалик, қуруқ гап бўлиб қолганлигини ва аксинча, саройда шу ваъдаларга зид ишлар бошланганли-гини кўрамиз. Исфандиёрхон саройда ўз мавқеини мустаҳ-камлаб олгач, тараққийпарвар кучларга қарши гуруҳбоз-лик курашини кучайтириб юборади. Саройда молпараст, ифвогар ва маишатпараст одамлар сони кўпаяди, улар энг юқори лавозимларни қўлга олишга ҳаракат қиладилар. На-тижада Хусайнбек-девонбеклик, Шихназарбой-ясовул-бо-шилиқ лавозимига тайинланади. Матвафо карвонбоши ва Омонгалди Сардорбойлар эса Исфандиёрхоннинг энг яқин маслахатчиларига айланади<sup>1</sup>.

Исфандиёрхоннинг тахтга чиқиши билан, юзаки қара-ганда саройда гўё гуруҳбозлик тўхтагандек бўлиб кўринар-ди. Аммо бу юзаки "осойишталик" узоққа чўзилмайди. Ис-ломхўжанинг Вазири акбар лавозимига кўтарилиб, сарой-даги асосий ишларнинг унинг қўлига ўтиши билан нафа-қат хонликда, балки Россия ҳукумати олдида ҳам унинг обрў-эътибори ошиб боради. Айниқса, ислохотлар дастури-ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масъулиятини Исло-мхўжа зиммасига юкланиши унга қарши муҳолифатчилар ку-рашини янада кескинлаштириб юборди. Вазири акбарга қар-

<sup>1</sup> Полвонниёз Хожи Юсупов. Ўша асар, 58, 72- бетлар.

ши кураш гоҳо махфий, пинҳона, гоҳо очик равишда давом эта бошлайди. Албатта, Исфандиёрхон ҳам бу курашдан четда қолмайди. Чунки хоннинг ўзи ҳам фитначи, амалпараст амалдорлар таъсирига тушиб қолган эди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Хиванинг илғор маърифатпарвар кишилари: давлат арбоблари, зиёлилари, савдо-тижоратчилари ва ишбилармон саноатчилари, хонликнинг жаҳон иқтисодий алоқалар доирасига тортилиши туфайли Шарқ ва ғарбнинг бир қатор илғор давлатларида (Россия, Франция, Германия, Туркия) бўлиб, у ердаги техника, фан ва маданият янгиликларидан бохабар бўладилар. Исломхўжа ҳам дастлаб Муҳаммад Раҳимхон Феруз, кейинчалик Исфандиёрхон билан бирга 1896, 1903, 1907, 1911 ва ниҳоят 1913 йил ўрталарида Петербург, Москва, Нижний Новгород, Пятигорск, Кисловодск ва бошқа шаҳарларда бўлиб, у ердаги эътиборга лойиқ янгиликлар билан танишиб қайтади.



Хива. Хоннинг Нуруллабой саройи.

1911 ва 1913 йилги сафарда Россия императори Исфандиёрни тахтга ўлтириш муносабати билан табриклайди, унга генераллик унвонини беради, бош вазир Исломхўжани эса "Катта Юлдуз" ордени билан тақдирлайди. Петербург сафаридида Исломхўжа билан Муҳаммад Расул Мирзо, Матвафо

Карвонбоши, Ҳожибой, Полвонниёз ҳожи, Ҳусайнбек, Худойберган Девон ва бошқа амалдорлар ҳам қатнашган эди<sup>1</sup>.

1913 йилги сафарида Исломхўжа Петербургда нафақат рус маъмурлари, Туркия ва Эрон элчилари билан ҳам учрашиб, Хиванинг Шарқ давлатлари билан яқин иқтисодий ва дипломатик алоқаларини йўлга қўйишга ҳаракат қилган.

"Сайид Исломхўжа Марин театрида бўлганида танаффус пайтида Турк ва Эрон элчилари (Тархон пашша ва Исҳоқхон) билан учрашиб, узоқ вақт улар билан суҳбатда бўлди"<sup>2</sup>, деб хабар беради рус генерали Ликошин.

Хуллас, Исломхўжа ҳар гал Россия сафарида бўлганида таниқли давлат арбоблари, архитектор, шифокорлар, қурувчи муҳандислар, мусулмон ва рус муаллимлари билан учрашиб, улар билан мулоқотда бўлган. Уларни Хивадаги янги қурилишларда келиб ишлашга таклиф қилган. Жумладан, Москва шаҳар ҳокими Н.И.Гучков билан учрашиб, унинг ёрдамида бир қатор қурилиш лойиҳаларини ишлатиб олган ҳамда уни касалхона, почта-телеграф, мактаб қурилишлари учун мутахассислар ва янги жиҳозлар юборишга рози қилган. Мазкур сафарда қатнашган Худойберган девон Хивага ўзи билан фото ва кино аппарат, патефон ва бошқа янгиликларни олиб келди ва Ўзбекистонда илк бор ўзбек кино санъатига асос солади. Шундай қилиб, Исломхўжа ва унинг яқин сафдошлари Россия сафаридан қайтар эканлар Хивада ҳам иқтисодий ва маданий соҳада жиддий ўзгаришлар қилиб, уни илғор давлатлар қаторига қўшишдек олижаноб мақсадларни ўз олдига қўйдилар. Шунини қайд қилиш лозимки, бош вазир Исломхўжанинг маърифатпарварлик ҳаракатида жадидларнинг катта таъсири бўлди. XX аср бошларига келиб Хива хонлигида ҳам жадидчилик ғоялари кенг тарқала бошлади. Исломхўжанинг ўзи ана шу илғор демократик ижтимоий ҳаракатнинг пешқадамларидан бўлди,

<sup>1</sup> Полвонниёз Ҳожи Юсупов. Ўша асар, 56 бет.

<sup>2</sup> Садыков А.С. Ўша асар, 138 бет.



десак хато бўлмайди. 1905-1907 йилги биринчи рус революцияси таъсирида Шарқнинг бир қатор давлатларида-Туркия, Эрон, Афғонистон ва ҳиндистонда мустамлакачилик асоратига қарши миллий-озодлик кураши жадаллашиб кетди. Шу хабар тезда Хива хонлигига ҳам етиб келди ва ушбу ижтимоий-сиёсий ҳаракатга илғор Хива зиёлилари орасида хайрихоҳлик билан қаровчилар кўпайиб кетди. Мазкур ҳаракатлар таъсирида хонликда ҳам илғор демократик ғоялар хусусан, жадидчилик ғоялари кенг ёйила бошлади. Жадидчилик қарашларининг тарқалишида Россия ва Туркистондан келган илғор ишчи - хизматчилар, рус ва татар муаллимлари, жумладан Агаев, Абдурашидов, Х.Қушаев, С.Сўфижоновларнинг хизматлари алоҳида аҳамиятга эга. Улар Хивада очилган жадид мактабларида ёшлар орасида илғор ғояларни тарғиб қилдилар. Шунингдек улар Хиванинг тараққийпарвар давлат арбоблари, шоир, ёзувчи, бастакорлари билан яқин алоқада бўлиб, уларни жаҳонда, хусусан Россияда содир бўлаётган воқеалардан хабардор қилиб турдилар.

Сайид Ислomхўжа, айниқса Агаев ва Абдурашидов каби жадидчилар билан жуда яқин алоқада бўлиб, улар билан хонликнинг етилган муаммолари юзасидан тез-тез суҳбатлашиб турган. Ислomхўжанинг уйи ўзига хос маънавият маркази бўлган. Бу ҳақда Амударё бўлими бошлиғининг қуйидаги маълумоти алоҳида эътиборга лойиқ:

"Саройнинг энг нуфузли одами, хоннинг биринчи амалдори Ислomхўжанинг уйини ўзига хос кичик сарой деса бўлади. Бу ерга саройнинг катта ва кичик аъёнлари ҳам "салом" га келиб турадилар. Улар йиғилишиб энг муҳим масалаларни муҳокама қиладилар"<sup>1</sup>. Ана шундай йиғилишларда кўпчилик ҳолларда хонликнинг аҳволи, уни яхшилаш йўллари, Хива-Россия муносабатлари ҳамда хонликнинг иқтисодини кўтариш мақсадида русия ҳукумати-

---

<sup>1</sup> ЎзРМДА. ф.2, оп.1, д.289, 17 варак.

дан субсидия олиш масалалари муҳокама қилинган. Хивага илғор жадидчилик ғояларини тарқалишида матбуот ҳам муҳим рол ўйнаган. Хивага Россиянинг Крим, Кавказ, Оренбург, Козон, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидан, Туркия ва Эрондан ўзбек, рус, татар, турк ва форс тилларида нашр қилинган газета, журнал ва китоблар келтирилиб тарқатилган. Жумладан, "Тараққий", "Хуррият" "Нажот" (Тошкент), "Вақт" (Оренбург), "Таржимон", "Маълумот" (Крим), "Туркестанский курьер", "Туркестанская туземная газета" (Тошкент), "Иқтисод ва тараққиёт", "Ихдам" (Туркия), "Хабл ул-Матин" (Ҳиндистон) ва бошқа газеталарда Европа, Россия ва Шарқ давлатларида юз бераётган сиёсий воқеалар, миллий-озодлик курашлари ҳамда илғор миллат раънақи, миллий бирдамлик, мустақиллик, озодлик ва халқни маърифатли қилиш каби жадидчилик ғояларига оид материаллар эълон қилинарди<sup>1</sup>. Ушбу газеталарда кам бўлсада Хива хонлиги, унинг иқтисодий аҳволи, фуқароларнинг оғир ҳаёти ва етилган муаммолар ҳақида ҳам айрим хабарлар бериларди. Исломхўжа ва унинг сафдошлари ушбу газета ва журналларни мунтазам ўқиб, мутолаа қилиб борардилар. Мазкур матбуот саҳифаларида эълон қилинаётган илғор, хусусан, жадидчилик ғоялари Исломхўжа тафаккурида янгиликка интилиш, тараққийпарварлик тушунчаларини шаклланишида ўзининг улкан таъсирини кўрсатди. 1908 йили Хивага келган рус шарқшунос олими А.Н.Самойлович: "Бош вазир Исломхўжа рус тилини яхши билади, рус ва мусулмон тилларида нашр қилинган газеталарни олиб, уларни ўқиб мутолаа қилади"<sup>2</sup>, - деб хабар беради.

1909 йилнинг сентябр-октябр ойларида Хивада бўлган Россия Ташқи ишлар министрлигининг вакили Минорс-

<sup>1</sup> Полвонниёз Хожи Юсупов. Ўша асар, 52 бет.

<sup>2</sup> А.Н.Самойлович, Краткий отчет о поездке в Ташкент и Бухару и в Хивинское ханство. СПб, 1909. №9, с.14.


кий ҳам ўз ҳисоботида - "Исломхўжа рус тилида бемалол сўзлашади. У мусулмон мамлакатларида чиқадиган адабиётларни синчковлик билан кузатиб боради", - деб қайд қилган эди. Дарҳақиқат, ана шу муҳитда Исломхўжа ва унинг сафдошлари иштирокида Хивада ҳам илғор жадиличлик ҳаракати юзага келди. Мазкур ҳаракатда Исломхўжа билан бир қаторда Комил Хоразмий, Расул Мирзо, Исҳоқхўжа, Муҳаммад Юсуф Баёний, Худойберган девон, Комил девон, Чокар, Мутриб, Полвонниёз ҳожи, Бобо Охун, Аваз ўтар каби кўплаб Хиванинг тараққийпарвар кишилари фаол иштирок этдилар. Кейинчалик бу илғор ижтимоий ҳаракатдан "Ёш хивалилар" ҳаракати етишиб чиқди. Хивада жадиличлик, маърифатпарварлик ҳаракати сифатида шаклланади. Натижада бу фаолият ривож топиб ўлкани феодализм ва мустамлакачилик асоратидан халос қилиш, иқтисодий ва маданий тараққиётга йўл очиш, халқни маърифатли ва саводхон қилишдек демократик ғояларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳаракатга айланади.

Исломхўжа "Туркестанский курьер" газетаси муҳбири билан суҳбатида ўз фикрини қуйидагича баён қилган:

"Хива, Олий ҳазратлари паноҳига олингач, қўшниллар, хусусан, туркманлар ҳужумидан ўзини муҳофаза қиладиган бўлди. Эндиликда хонлик ўзининг бутун кучини мамлакат ички тараққиётга қаратмоғи лозим. Биринчи навбатда маърифатга, сўнгра савдо-саноатга. Хивани Осиёнинг қолоқ давлатлари қаторидан чиқиш вақти келди. Халқ эркин нафас олмоғи керак"<sup>1</sup>. Исломхўжа мухбирга берган ўзининг ушбу жавоби билан хонликда жиддий ўзгаришлар қилиш лозимлигини кўрсатади. Мамлакатда юз бераётган ижтимоий-сиёсий аҳвол айнан шуни талаб қиладиган эди. Хива хонлиги Россия капитализми доирасига жалб қилинишига қарамай, унинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида феодализм муносабатлар ус-

---

<sup>1</sup> "Туркистанский курьер", 1913, 21 август.



Хива. Дишонқабла худудидаги Исфандиёрхоннинг  
Нуриллабой саройи. 1910-1913.

тун даражада сақланиб келаётгани, феодал ер эгаллиги ва мавжуд солиқ тизимидаги камчиликлар мамлакат тараққиётига кўп жиҳатдан тўсқинлик қилиб келаётган эди. Хон ва амалдорларнинг бебошлиги, зулм ва зўравонлиги, саройда авж олаётган гуруҳбозлик, фитна ва чақимчиликлар феодал ва мустамлакачилик асоратида оғир ҳаёт кечираётган меҳнаткашлар аҳволини янада оғирлаштириб юборган эди.

Хукмдорларнинг бешафқат зулми ва маънавий таҳқирланиш, саройдаги маишатпарастлик ҳамда солиқ тизимидаги ўзбошимчалик ва адолатсизликлар шаҳар ва қишлоқларда халқ орасида оммавий норозиликларни келтириб чиқарди. 1905-1908 йилларда Янги Урганчда саноат корхоналарининг ишчи ва хизматчилари орасида, Хива, Хонқа, ҳазорасп, Боғот, Кўҳна Урганч, Қўнғирот, Манғит ва Гурлан туманларида ўзбек, қорақалпоқ ва туркман деҳқонлари, чорвадорлари орасида юз бераётган оммавий норозилик ҳаракатлари шундан гувоҳлик беради<sup>1</sup>.

Бу воқеалар хонликда зулм ва зўравонликни чеклашни, бошқарув тизимида, ер-сув муносабатларида ислохотлар ўтказиб ҳуқуқий меъёрларни қарор топдиришни талаб қила бошлади. Хонликда юз бераётган ушбу вазият маҳаллий ҳукмдорларни ҳамда Россия маъмуриятини ҳам жиддий ташвишга солаётганлиги бежиз эмасди. Туркестон Генерал-губернатори А.В.Самсонов 1910 йил 3 июнида ўзининг Петербургга йўллаган телеграммасида Хивадаги ахволни мураккаблашиб бораётгани ҳақида очиқ маълум қилади. Россия Ташқи ишлар министри Сухомлинов эса жавоб телеграммасида хонликдаги кескинликни бир оз юмшатиш учун Исфандиёрхонни айрим соҳаларда ислохотлар ўтказишга рози қилишни топширади<sup>2</sup>. Албатта, хонликда ўтказиладиган ислохотлар биринчи навбатда, чор Россияси ва рус савдо-саноат буржуазияси манфаатини ҳисобга олиши лозим эди. Туркистон Генерал-губернаторлиги маҳкамасининг бошлиғи Мустафин бу ҳақда: "Хива бизнинг манафактурамиз ва саноат маҳсулотларимиз учун биринчи навбатда энг зарур бозор, бошқа жиҳатдан эса биз Хивадан пахта, тери, қорақўл териси олиб келтирамиз", - деб алоҳида уқтирганди. Демак, Хива хонлиги ислохотдан кейин ҳам Россия империясининг асосий хом ашё базаси бўлиб

<sup>1</sup> ЎзРМДА. ф.1, оп.17, д.165,1 ыарак.

<sup>2</sup> Ўша архив, ф.1, оп.17, д.231, 45-46- бетлар.

қолиши ҳисобга олинган<sup>1</sup>... Мустафиннинг ёзма ахборотида хонликнинг иқтисодий ва сиёсий қалоқлигининг асосий сабаблари аҳолининг ҳуқуқсизлиги; ҳукмдорларнинг ҳаддан зиёда жабр-зулми, солиқ тизмининг такомиллашган, Хива хонлигида замонавий тиббий ёрдам ва алоқа воситаларининг йўлга қўйилмаганлигида, деб кўрсатилади. Айрим рус савдо-саноатчилари ҳам Хивадаги ислоҳотлардан манфаатдор эдилар. Катта



Исфандиёрхоннинг Нуриллобой саройи. Европа услубидаги қабулхонаси.

Ярослав мануфактураси ширкатининг масъул ходими Курилов ҳам ислоҳот масаласида Туркистон Генерал-губернаторига ёзган ахборотида Хивада почта алоқаси ва тиббий хизматни яхшилаш билан бир қаторда пахтачилик учун зарур ҳисобланган суғориш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини қайд этади. Хива ва Бухорода ирригацияни тартибга солиниши пахта толаси етказишни 1,5-2 млн. пудга етказиш имконини беради, деб кўрсатилади.

Ислоҳот масаласи Туркистон Генерал-губернаторлигининг махсус кенгашида муҳокама қилинди. Рус маъмурлари орасида ислоҳотга қарши фикр билдирганлар ҳам бўлган. Улар ўз фикрларини ислоҳотнинг ката маблағ талаб этиши, аҳолини эса қўшимча солиқ тўловига қурби етмайди, амалдорлар ва имтиёзли қатламни солиққа тортилиши эса кучли норозиликка сабаб бўлишини, бу эса хонликда мус-

<sup>1</sup> Ўша архив, 61-68 бетлар.

тамлакачилик асосларини заифлаштириши мумкин, деб исботламоқчи бўладилар. Аслида эса, гап хонликдаги феодал тартибларни ўзгартирмай сақлаб қолиш устида бораётган эди. Улар ўзларининг ижтимоий таянчи бўлган маҳаллий хукмрон табақаларни, йирик мулкдорларни ранжитмасликка, норози қилмасликка ҳаракат қилишарди. Бироқ, Хивада авж олиб бораётган антифеодал ҳаракатлар ҳукуматни муайян чекинишларга мажбур қилаётган эди. Юқоридаги эътирозларга қарамай Кенгаш Исфандиёр-хонга хонликда бир қатор прогрессив тадбирларни амалга оширишни тавсия қилади, булар:

1. Ҳазина даромадининг бир қисмини мамлакатнинг умум фойдали ишларига-ер тузиш, йўл қурилиши, почта алоқаси, тиббий ва агрономия хизматига харжлаш;

2. Маҳбусларни ўрта аср услубида жазолашни бекор қилиш;

3. Хонликка қарашли ерларни турли тоифадаги одамларга тақсимлаш, тарқатиш, уларни ер солиғидан озод қилишни тўхтатиш, ирригация ишларига эътиборни кучайтиш ҳамда натурал мажбуриятларни бекор қилинишини тавсия қилишди<sup>1</sup>. Туркистон Генерал-губернатори А.В.Самсонов Кенгашнинг юқоридаги қарори асосида Исфандиёрхоннинг эътиборини қуйидаги уч масала:

- Ҳазинанинг даромад ва харажатини аниқ ҳисоблаш,
- Хонликнинг экин майдонларини тўла ҳисобга олиш,
- Ирригация ишларига алоҳида эътибор қаратишни, талаб қилади.

Албатта, Исфандиёрхоннинг Россия маъмурларининг юқоридаги талаблари билан ҳисоблашмай иложи йўқ эди. Исфандиёрхон 1910 йили эълон қилган фармонида: - "Бозорлардаги солиқлар тартибга солинсин, кўприклар қурилсин, йўллар обод бўлсин, вақф ерлари қайта ҳисобга олинсин, фуқароларни осойишта, фаровон ҳаёт кечирishi би-

---

<sup>1</sup> ЎзРМДА. ф.1, оп.17. д.231, 133-134 бетлар.

лан боғлиқ масалалар ўрганилиб, тез фурсатда ҳал қилинсин. Биз томонимиздан амалга ошириладиган ушбу ишларга ҳеч ким тўсқинлик қилмасин. Ушбу ишларни амалга оширишликни ҳурматли Исломхўжа Иброҳимхўжа ўғлига топширдик”<sup>1</sup>, деб кўрсатилади.

Дарҳақиқат, хоннинг топшириғига мувофиқ ислоҳот дастурини ишлаб чиқиш вазифаси бош вазир Исломхўжага юклатилади. Исломхўжа бу масалани ўта масъулият билан ўрганиб чиқади, ислоҳот лойиҳасини тайёрлайда ва 1911 йилнинг 23 январида уни Девонлар Кенгаши муҳокамасига киритади. Кенгашда ислоҳот лойиҳаси чуқур муҳокама қилинади ва маъқулланади. Сўнгра Исфандиёрхон ҳам мазкур дастурни тасдиқлаб, муҳрини босади. Тошкентдаги рус ҳукумати вакиллари ҳам ислоҳот дастурини маъқуллайдилар. Ислоҳотни амалга ошириш вазифаси бош вазир зиммасига юклатилади. Ислоҳот дастурида хонлик учун ҳаётий зарур бўлган тубандаги 10 та тадбир белгиланган эди:

1. Хон хизматида бўлган барча мансабдор шахсларга лавозимига қараб хазинадан алоҳида иш ҳақи белгиланади. Аввалги қоида бўйича уларга солиқдан тушган даромаднинг бир қисмини иш ҳақи тариқасида ўзлаштириш таъқиқланади.

2. Ердан олинадиган солиқ ўзгартирилади. Мулкдорга суғориладиган экин майдонига эгалик қилиш ҳажмига қараб солиқ тўлови белгиланади.

3. Мавжуд суғориш тармоқлари тартибга солинади, янги ариқлар чиқарилади. Бегор қозувида ҳар йили 12 кун текинга ишлаб бериш бекор қилинади, қозувда ишловчиларга маълум тартибда ҳақ тўланилади.

4. Сувдан фойдаланиш тартибга солинади. Сувдан фойдаланиш мироблар ёрдамида ҳукумат назорати остига олинади.

---

<sup>1</sup> “Даракчи”, 2004, 10 июл, №24.



5. Бозор тўловлари тартибга солинади, закот, бож солиқлари қайтадан кўриб чиқилади, савдо-сотиқ солиқлари мувофиқлаштирилади.

6. Алоқа йўллари яхшиланади, ариқлар устига мустахкам кўприклар қурилади. Янгидан почта-телеграф конторалари қурилади, шаҳарлараро телеграф тармоқлари тортилади.

7. Хонликнинг барча шаҳар ва ноибликларида беморларни даволаш учун замонавий касалхона ва амбулаториялар барпо этилади.


8. Мадраса ва диний муассасаларга қаршли барча вақф ерлари қайтадан ҳисобга олинади, улардан келаётган даромаднинг бир қисми маориф-маданият ишларига сарфланади.

9. Барча мактаб ва мадрасаларда ўқитиш усули яхшиланади, янги мактаблар очилади, таълим тизимига туркий тил саводхонлиги ва исломий илмлардан ташқари рус тили, жўғрофия ва тарих фанлари дарслик сифатида ўқитилади.

10. Хон хазинасига тушадиган даромад ҳисоб-китоб қилинади. Хазинанинг даромад ва харажат қисми алоҳида дафтарга туширилиб назорат остига олинади<sup>1</sup>.



<sup>1</sup> А. Болтаев “Хива хонлари тарихидан материаллар”. Қўлёзма, 76 бет. Ислоҳат дастурининг асл нусхаси Хива музейи захирасида сақланаяпти.



**Исломхўжанинг ислоҳат дастурининг асл нусхаси.**

Ислоҳот дастурида юқоридаги вазифаларни бажарилиш муддати, масъул шахслар, унга ажратилган умумий-маблағ миқдори аниқ кўрсатилмаган эди. Лекин шунга қарамай, уни амалга оширилиши мамлакат иқтисодий ва маданий ҳаёти учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ислоҳот хонликнинг етилган муаммоларини, жумладан, ерсуддан фойдаланиш, солиқ тизими, ҳазина даромадидан самарали фойдаланиш, ортиқча харажатларни камайтириш, маориф-маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа халқни норози қилаётган жуда кўп ҳаётий муаммоларни ижобий ҳал қилишга ёрдам беради. Солиқ йиғимидан тушган даромадлар ислоҳатнинг асосий манбаларидан бири деб ҳисобланади.

Исломхўжа демократик ислоҳотларнинг ташаббускори ҳамда уни амалга оширилиши учун масъул шахс эди. Мазкур ҳаётий ва ўта зарур вазифага бош вазирнинг масъул

қилиб тайинланиши бежиз эмас эди. Чунки Исломхўжа чуқур билимли, иродали, инсофли ва диёнатли, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган ва халқ орасида юқори обрў-эътиборга сазовор шахс эдики, манашу хусусиятларнинг барчаси ислохотларнинг барчасини муваффақиятли бажарилишига ишонч туғдирарди.

Мустамлакачилик асорати остида яшаётган ва мустақил ташқи сиёсат юритиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган бир мамлакатда Исломхўжадек давлат арбобининг юқоридаги каби ислохотларга журъат этишининг ўзиёқ, ўша давр учун мислсиз жасорат эди. Дарҳақиқат, Исломхўжанинг ушбу жасорати келгусида хонликнинг иқтисодий ва энг муҳими, сиёсий мустақилликка эришиши йўлида қўйилган дастлабки саодатли қадамлардан бири эди, десак асло хато бўлмайди.

Исломхўжанинг ислохот дастури Россия ва бошқа чет эл матбуотида ҳам ўз аксини топади. Жумладан, татар жадидларининг Оренбургда чиқадиган "Вақт" газетасида, ёш туркларнинг "Танин" газетасида Исломхўжа ислохотлари ҳақида ижобий фикрлар билдирилган. Хивадаги ислохотлар мусулмон дунёсида амалга оширилаётган улкан маданий-маърифий ўзгаришлар сифатида баҳоланади.

"Туркестанский курьер" газетасининг 1911 йил 17 апрел сониде босилган салмоқли мақолада эса ислохотнинг мохияти таҳлил қилиниши билан бирга бу хайрли ишнинг ташаббускори бош вазир Исломхўжа эканлиги ҳам алоҳида қайд этилади. Ислохотнинг кўлами ниҳоятда кенг бўлганлиги боис, уни амалга ошириш ҳам катта маблағларни талаб этади. Асосий маблағ солиқ ва хазина даромади ҳисобидан бўлганлиги сабабли, Исломхўжа хазина даромадини ўз назорати остига олади, ҳамда саройдаги ортиқча харажатларга чек қўяди. Рус шарқшунос олими А.Н.Куннинг маълумотига кўра хазинага қишлоқ хўжалиги солиғидан ҳар йили 600-700 минг сўм миқдорида даромад тушиб турган. Уларнинг асосий қисми олдин бекорчи харажатларга сарф

қилиниб келинган<sup>1</sup>. Шунини таъкидлаш жоизки, хонликда ҳам ислохот дастурига муносабат бир хилда эмас эди. Тараққийпарвар мулкдорлар, савдогар саноатчилар, зиёлилар ва оддий фуқаролар ислохотни маъқулладилар, уни ҳайрихоҳлик билан кутиб олдилар. Аммо, эскилик тарафдори бўлган сарой амалдорлари, йирик ер эгалари, мутаассиб рухонийлар ислохотга салбий муносабатда бўлдилар. Чунки, ислохот уларнинг манфаатига зид бўлганлиги боис, унинг бажарилишига мумкин қадар тўсқинлик қилишга ҳаракат қилдилар. Саройда Ислохўжага қарши ифво, фирибгарлик ва фитна янада кучайиб кетади. Хуллас, ислохот жуда мураккаб шароитда амалга оширила бошланади. Шунинг билан бирга ислохотни турмушга татбиқ қилиш учун марказда ва жойларда махсус комиссиялар тузилиб улар ўз ишларини бошлаб юборадилар. Ислохўжа биринчи навбатда ислохотнинг даромад манбаи бўлган хазинани ўз назорати остига олади, ортиқча, бекорчи харажатларни тўхтатади. Хонлик хизматида бўлган барча амалдорларга лавозимига қараб аниқ иш ҳақи белгилайди. Юқори лавозимдаги амалдорларга йилига 9 минг сўмдан 18 минг сўмгача, ҳоким ва бекларга 1800 сўмдан 3600 сўмгача, қолган мансабдор шахсларга эса йилига 1800 сўмгача иш ҳақи белгиланади. Илгари амалдорлар солиқ тўловининг 1/10 ёки 1/20 бўлагини иш ҳақи сифатида олиб қолар, шу боис улар мумкин қадар солиқни белгиланганидан ортиқроқ даражада йиғиб олишга ҳаракат қилардилар. Эндиликда бу адолатсиз тартиб бекор қилинган эди<sup>2</sup>.

Ислохотга мувофиқ солиқ тизимидаги ўзгариш энг долзарб масалалардан бири эди. Солиқ масаласи энг нозик ма-

---

<sup>1</sup> А.Н.Кун. Заметки о податях в Хивинском ханстве. "Туркестанские ведомости", 1873, № 32.

<sup>2</sup> Садиқов А.С. Россия и Хива в конце XIX-нач. XX века Тошкент, "Фан", 1971, с.138; И.В. Погорельский "Очерки экономической и политической истории Хивинского ханства конца XIX и начало XX вв". Ленинград, 1978, с.76 - 77.

сала бўлиши билан бирга аҳоли орасидаги норозиликнинг бош сабабчиси ҳам эди. Шунингдек, у ислохотнинг асосий маблағ манбаи ҳам эди. Гарчи Россия ҳукумати хонликда ислохот дастурининг зарурлигини тан олган бўлсада, буни учун у бир чақаям ажратишни ўйламади. Солиқ тизимида адолатни қарор топтириш, уни ҳуқуқий заминга қўйиш-ҳаёт талаби эди. Хонликдаги солиқ тизими ўта чигал масалалардан бири эди. Архив ҳужжатларига қараганда, Хива хонлигида фуқаролар 25 турга яқин солиқ тўлаганлар. Шулардан энг оғири-солғит деб аталган қишлоқ хўжалиги солиғи бўлиб, у пул билан ундирилган. Солиқ тўловига мувофиқ ерга эгаллик қилган мулкдорлар 3 гуруҳга ажратилган:

Биринчи - аъло гуруҳига 10 танобдан ортиқ ерга эгаллик қилган мулкдорлар кирган. Улар ҳар йили хазинага 3 тилла (ёки 6 кичик тилла) миқдорида солғит тўлаганлар. (1 катта тилла 3 сўм 60 т., кичик тилла эса 1 с.80 т.).

Иккинчи - адно гуруҳи бўлиб, бунга 5-10 танобгача ерга эга бўлган мулкдорлар кирган. Улар хазинага ҳар йили 2 тилла миқдорида солиқ тўлашган.

Учинчи гуруҳдагилар авсат - деб аталган. Бу гуруҳга 5 танобгача ерга эга бўлган деҳқонлар кирган. Улар хазинага 1 тилладан солиқ тўлаганлар. Ушбу солиқ тизими йирик мулкдорлар учун фойдали бўлган. Чунки, улар бир неча минг таноб ерга эга бўлсада хазинага атиги 3 тилла миқдорида солиқ тўлаганлар, халос. Натижада солиқнинг оғирлиги кам ерли авсат ва адно гуруҳидаги деҳқонлар зиммасига юкланган. Бунинг устига хон ва унинг қариндош уруғлари, сарой аъёнлари, ярлиқли мулкдорлар, туркман отликлари, руҳонийлар ва вақф мулкидагилар солиқ тўловидан озод этилганлар<sup>1</sup>. Рус шарқшуноси А.Н.Куннинг кўрсатишича Матмурод девонбеги ва унинг ўғилларига қарашли ерлар 50 минг танобдан зиёд бўлган. XIX асрнинг 80 йилларида Муҳаммад Раҳимхон Феруз ўз мулозимларидан Раҳ-

---

<sup>1</sup> Иванов П.П. Архив Хивинских ханов. Ленинград, 1940. с.27.

монберди бек ва Бобожон бекларга бир минг танобдан ер ажратиб берган. Гиршфельднинг маълумотига кўра хонликда 4 мингдан ортиқ йирик ер эгалари ярлиқли мулкдорлар бўлиб, улар солиқ тўловидан озод этилганлар. Солиқ тизимидаги ана шу адолатсиз тартиб кўпчилик деҳқонларнинг норозиликка сабаб бўлаётган эди.

Ислохот дастурига мувофиқ ер солиғи экин майдонининг ҳажмига қараб таноб ҳисобида ундириладиган бўлди. Хон ва хон оиласи ҳамда миршоблик хизматидаги шахслардан ташқари барча мулкдорлар, сарой амалдорлари ва бошқа мансабдор шахслар ўзларига қарашли экин майдонининг ҳажмига қараб солиқ мажбуриятига жалб қилинди. Унумдор экин майдонлари, хусусан техник экин (пахта, беда уруғи) лар етиштириладиган экин майдонининг ҳар бир таноби ҳисобидан 9 тангадан (1 сўм 80 т.), кам даромадли ерларнинг ҳар бир танобидан 7 тангадан (1 сўм 40 т.) солиқ олинадиган бўлди. Илгари туркман отлиқлари ҳам солиқ тўлови ва натурал мажбурият (қазув, бегор) лардан озод эдилар. Энди улар ҳам юқоридаги тартибда солиққа жалб қилинади. Чорвадор ва ярим ўтроқли туркманлар аввалгидек "ўтов пули", яъни, ҳар бир ўтовдан 20 танга (4 сўм) тўлайдиган бўлдилар. Бозордан олинадиган бож, закот, тарози пули ва жой пули бозор савдосининг ҳолатига ва сотувчининг даромадига қараб ундириладиган бўлди.

Ислохот дастурида ирригация қурилишига ҳам катта эътибор қаратилди. Хоразмда барча суғориш тармоқларини ҳар йили баҳор ва кузда лойқалардан тозалаш ва таъмирлаш талаб этилади. Бу оғир ва машаққатли ишда 40 мингдан ортиқ деҳқонлар 12 кун бепул ишлаб берардилар. қазув мажбуриятидан хон оиласи, сарой амалдорлари, йирик мулкдор ва рухонийлар озод қилинган эди. Бундан ташқари, ҳукмдорлар қазувчи деҳқонлардан ўзларининг шахсий ишларида, яъни, деҳқончилик, боғдорчилик ишлари ва ҳовли-жой қурилишида ҳам фойдаланиб келардилар. Эндиликда хон оиласи ва миршаблардан ташқари барча табақалар ирригация қурилишларида ҳар 10 таноб экин майдони ҳисо-

бидан бир қазувчи бериб иштирок этишлари шарт эди. Қазувга жалб қилинган деҳқонларни ҳукмдорлар томонидан бошқа шахсий хизматларда фойдаланиш қатъиян таъқиқланади. Шунингдек, диний маҳкамаларга (масжид, мадраса, авлиё ва бошқа муқаддас жойларга) қарашли вақф ерлари ҳам аниқ ҳисоб-китоб қилинди. Хонликдаги вақф қилинган ерлар 213909 танобни, яъни жами суғориладиган майдоннинг 30 фоизини ташкил этган. Вақф ерларидан олинган даромад ҳар йили 55-60 минг сўмдан зиёд бўлган. Эндиликда ана шу маблағнинг бир қисми маориф ва маданият ишларига харж қилинадиган бўлди<sup>1</sup>.



Шифохонани очилиш маросими 1913 йил.

Ислоҳотни амалга ошириш учун жойларда тажрибали кишилардан тузилган махсус комиссиялар иш олиб боради. Бу ишга четдан 60 га яқин мутахассислар, ер ўлчови та-

<sup>1</sup> ЎзРМДА. ф.25, оп.1, д.394, 10-бет. Гулямов Я. Памятники города Хивы, Ташкент, 1941.с. 10-11.

нобчилар, гидротехниклар жалб қилинади. Улар томонидан 1911-1913 йилларда Янги Урганч, Хива, Ҳазорасп, Хонқа, Питнак, Хўжаэли, Кўҳна Урганч туманларидаги хўжаликлар ва суғориладиган экин майдонлари ҳисобга олинади. Шу мавзедаги йирик ер эгалари Ҳусайнбек, Шихназарбой, Омонгалди Сардорбой, Матвафо ва Абдурахмон Боққаловларга ва бошқа бойларга қарашли беҳисоб экин майдонлари ҳисобга олинади ҳамда уларнинг ер мулклари солиққа тортилади<sup>1</sup>. Шунингдек, 1912 йилда Исломхўжа топшириғи билан тажрибали мироблардан иборат махсус комиссия хонликнинг барча магистрал каналлари ва ички ариқларини текширишдан ўтказди. Лойқалардан тозаланадиган, таъмирланадиган ва янгидан чиқариладиган ариқларнинг аниқ режаси ишлаб чиқилади ҳамда Полвон, Ғозовот, Шовот каналларида мустақкам темир кўприклар қуриш мўлжал қилинади. Унинг маблағи давлат хазинаси ҳисобидан харжланади. Ички оралиқ йўллари таъмирлаш ва ички ариқларга қуриладиган иншоотлар ва кўприклар маҳаллий ҳокимлар ва оқсоқоллар зиммасига юкланади. 1911 йилнинг баҳор ва кузида хонликнинг барча бош магистрал ва ички каналларида ҳамда дарё қирғоғидаги ихота дамбаларида тупроқ ишлари, тозалаш ва таъмирлаш ишлари сифатли қилиб амалга оширилади. Зарур ўринларда мустақкам тўғонлар ва кўприклар қурилади. Шу йили қазув ва қочув ишларида 50 мингга яқин қазувчи деҳқонлар иштирок этдилар. Шовот, ғозовот, филичбай, Манғитарна каналларида, Лавзан, Совбат, Сипойи ёп, Шомурот ариқларини тозалашда ўзбек деҳқонлари билан бир қаторда 4 мингдан ортиқ туркманлар ҳам фаол иштирок этади<sup>2</sup>.

Исломхўжа топшириғи билан 1911 йилда Россиядан Полвон, Ғозовот ва Шовот каналларига қуриш учун 3 та кўприкка етадиган темир конструкциялар келтирилади.

<sup>1</sup> Погорелский И.В. Ўша асар. 138-139 бетлар.

<sup>2</sup> Фуломов Яхё. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент, "Фан", 1959, 245 бет.



Ушбу кўприклар Хива яқинида Полвонёп ва Ғозовот каналларига қурилган. Ислонхўжа ўлими билан Шовот каналига қурилиши лозим бўлган кўприк қурилмай қолган. Кейинчалик у Шовот каналида 1924 йили қурилиб битказилган. Ушбу кўприклар то 1960 йилгача халққа хизмат қилиб келди.

1910 йилнинг қиш ва баҳор ойлари Хоразм учун жуда офир келади. Қиш ниҳоятда совуқ келиб ернинг устки қатламлари музлаб қолади, баҳорда эса узлуксиз ёгингарчилик бўлиб, бунинг оқибатида пахта, буғдой, жўхори ва бошқа экинлар кўплаб нобуд бўлади, деҳқончиликдан етарли ҳосил олинмайди. Натижада хонликнинг кўпчилик вилоятларида қахатчилик юзага келади. Хива бозорида бир пуд доннинг нархи 1 сўм 80 т. дан 7 сўмгача ёки 5 баробаргача кўтарилиб кетади. "Ушбу йил Хоразмда экинлар ёмон бўлди, дарҳол Россиядан буғдой келтириб фуқароларга тарқатила бошланди", деб хабар беради Полвонниёз Ҳожи Юсупов<sup>1</sup>. Ана шундай офир шароитда бош вазир Ислонхўжа аҳолини очликдан сақлаб қолиш учун 1911-1912 йилларда Русиянинг Самара ва Оренбург губернаторлари ҳамда Туркистоннинг айрим районларидан 30 минг пуддан зиёд донни келтириб халққа тарқатган<sup>2</sup>. Суғоришнинг йўлга қўйилиши билан 1911 йили юз берган қахатчилик ортда қолади. 1912-1913 йилга келиб қишлоқ хўжалигида кўтарилиш юз беради. Деҳқончиликдан мўл ҳосил олинади, пахта ва беда уруғи етказиш ҳиссаси ортади. 1912 йилга келиб хонликда 647 минг пуд, 1913 йилга келиб эса 696 минг пуд пахта толаси етказилади. (В. Лобачевский. Хивинский район. Военно-статистические описание Туркестанского военного округа. Ташкент, 1912. с.91-92).


---

<sup>1</sup> Полвонниёз ҳожи Юсупов. Ёш хиваликлар тарихи. Урганч, 2000, 59-бет.

<sup>2</sup> Садиқов А.С. Россия и Хивы в конце XIX – нач. XX века, Ташкент, "Фан", 1971, стр.156.

Шуни қайд қилиш лозимки, 1912-1913 йиллар Исломхўжа фаолиятининг жуда жўшқин даври бўлган. Ислохотларни амалга ошириш борасида сезиларли ишлар қилинади. Хивада янги режа асосида ободонлаштириш, пишиқ гиштдан чиройли иморатлар, боғ-роғлар бунёд этиш ишлари бошлаб юборилади. Исломхўжанинг саъй-ҳаракати билан фақат пойтахт Хивада ўттиздан ортиқ масжид, мадраса, сарой, мактаб, шифохона ва бошқа иморатлар бунёд этилади. Жумладан, Хиванинг Дешон қалъасидаги "Қўша дарвоза" си, пишиқ гиштдан чиройли қилиб қурилади. Яна 1910-1913 йилларда Шарқ-Европа услубида хоннинг гўзал Нуруллабой саройи барпо этилади. Сарой еттита кенг, равон хоналардан иборат бўлиб, ички томондан ҳар бир хона бири-биридан чиройли ўйма ганч нақшлар билан, бинонинг ташқи томони эса қошинлар билан безатилади. Сарой қурилишида маҳаллий уста, наққошлар билан бирга рус ва немис усталари ҳам иштирок қилишади. Қурилишга зарур материаллар, паркет поллар, печкалардаги ранг-баранг плиткалар, биллюр люстра (қандил) лар, шипга ишлатилган бўёқлар Россиядан келтирилган. Бинони электр нури билан ёритиш учун 40 киловаттик махсус электр станция ҳам келтирилган. Нуруллабой саройи қурилишига 70 минг тилла харж қилинган. Бундан ташқари ўша йилларда Хивада почта-телеграф биноти, касалхона, дорихона, унинг яқинида янги типдаги қамоқхона, Ичон қалъада икки қаватли Европа услубида янги усул мактаби, мадраса, масжид ва баландлиги 57 метрлик, ниҳоятда чиройли, нақшинкор ва Хиванинг рамзи саналган минора қурилади. Исломхўжа минораси ҳозир ҳам ўрта Осиёдаги энг гўзал меъморий ёдгорликлардан ҳисобланади. 1913 йили қурилиб битказилган ва бир юз беморга мўлжалланган Хивадаги касалхона архитектор Рона лойиҳаси асосида барпо этилади. Шифохона ўша давр учун яхши жиҳозланган. Унинг қурилишига хазинадан бир юз минг сўм харж этилган. Шифохонада ишлаш учун Русиядан тажрибали шифокорлар А.Ф.Анисимов, В.И.Шенковская, А.А.Александров ва Ас-

фандиёровалар таклиф қилинган. Улар оддий халқ орасида жуда катта ҳурматга сазовор бўлганлар. Шифохонада нафақат амалдорлар, оддий халқ ҳам бепул даволаниш имкониятига эга бўлган. Шифокор Анисимов ҳақида Амударё бўлими бошлиғи Н.Ликошин - "Шифокор Анисимов беморларни аъло даражада даволай олади. Жаррохлик ишларига ҳам ғоятда моҳир. Шу боисдан у тез орада халқ орасида катта ишончга сазовор бўлди", - деб ёзган эди<sup>1</sup>. Хива тарихчиси Баёний эса шифохона ҳақида: - "Тамоми ҳалойиқ хушҳол бўлиб, эркак ва аёллар бемор бўлса, келиб шифо топиб кетар эдилар", деб хабар беради<sup>2</sup>.



Хива. Исломхўжа томонидан қурдирилган касалхона ва Почта-телеграф бинолари. 1910-1913 йиллар.

Мазкур касалхонада дастлабки уч ой давомида 10909 нафар бемор даволанган, шулардан 4747 нафари аёллар бўлган. Шунингдек, Хивадаги касалхона яқинида Исфандиёрхонга атаб ҳашаматли мадраса қурилиши ҳам бошлаб юборилади. ғурилишга Хиванинг моҳир усталари ва меъморлари жалб этилади. Бу ҳақда Баёний шундай хабар беради: - "Дарулшифо ва Пахлавоннинг жўйининг (ёпининг) орқа тарафида бир васеъ мадрасанинг биносин қуришни Муҳаммад Амин девонга буюрдиларким, жа-

<sup>1</sup> ЎзРМДА, ф.25, оп.1, д.333, 65 бет.

<sup>2</sup> Баёний. "Шажараи Хоразмшоҳий" Тошкент, "Камалак", 1991, 264-бет.

нуб тарафдаги икки гулдастасининг ўрнида икки баланд минора бино қилгай. Бағоят вуъсатли ва босафо мадраса бўлгай". Мадраса 1913 йили қуриб битказилади. (Баёний. ўша асар, 262 бет).

Исломхўжа хонликда мактаб ва мадрасаларни янги талаблар асосида қайта қуришга ҳам жуда катта эътибор беради. Ёшларга замонавий билим асосларини ўргатиш мақсадида кўплаб янги усул жадид мактаблари, рус-тузем мактабларини очади. XX аср бошларида Хива хонлигида 120 дан ортиқ мадраса ва масжидлар қошида 1500 мактаб ишлаб турган. Уларда 45 мингдан ортиқ ўқувчилар таълим олганлар. Аммо, мадраса таълими ўсиб бораётган товар-пул муносабатлари талабига жавоб беролмай қолади<sup>1</sup>. Бундан ташқари, мамлакатнинг бундан кейинги тараққиёти замонавий билимларни эгаллаган ёшларга, мутахассисларга боғлиқ эдики, бош вазир Исломхўжа буни тўғри англаб етади.

Чунки хонликда нафақат исломий, шунингдек, дунёвий билимларни пухта эгаллаган, бошқарув ва тижорат ишларини юқори савияда юрита оладиган, рус тилида бемалол сўзлаша оладиган кадрларга талаб ошиб бормоқда эди. Шу боисдан мадраса таълими дастурига жиддий ўзгариш киритилади, диний таълим билан бирга мадарасаларда аниқ ва гуманитар фанларни ҳам чуқурроқ ўргатишга эътибор кучаяди. Бош вазирнинг ташаббуси билан хонликнинг шаҳар ва туманларида янги усул ва рус-тузем мактаблари очила бошланади. 1911 йил январида Исломхўжа бу ҳақдаги фикрини Туркистон Генерал-губернатори қошидаги дипломатик ишлар вакилига хабар қилган. Дипломатик маҳкама бошлиғи Исломхўжанинг ана шу мақсадини Генерал-губернаторга қуйидагича маълум қилади:

---

<sup>1</sup> Садуллаев А.С., Сотлиқов А.Я. Хоразм Маъмун академиясининг тарихий ишдиозлари. Урганч – 2003, 293 бет.

– “Исломхўжа Хивада нафақат хоннинг ва амалдорлар-нинг фарзандлари билим оладиган, бошқа Хивалик ёшлар ҳам билим олиш имкониятига эга бўладиган мактаб очиш ниятида менга мурожаат қилди. У ёшларга замонавий фанлар ўқитилса, мамлакат тараққиёти учун фойдали бўлади, деган фикрда”<sup>1</sup>. Аслида Исломхўжа янги усул мактаблари очиш тараддудига 1905-1908 йиллардаёқ киришган эди. Унинг ўзи ҳам Хивада 1887 йил хон саройида очилган рус-тузем мактабида таълим олган эди. Унда сарой амалдорларининг 11 нафар фарзанди ўқидики, Исломхўжа рус тили ва бошқа фанларни айнан шу мактабда пухта ўрганган эди.

1910-1913 йилларда Исломхўжанинг бевосита ташаббуси ва маблағи ҳисобига Янги Урганч, Хива, Шовот, Гурлан, Қўнғирот, Қўшкўпир ва Мўйноқ шаҳарларида янги усул жаҳид мактаблари очилиб, фаолият кўрсата бошлайди. 1913 йилда Хивада бош вазирнинг шахсий маблағи ҳисобига пишиқ гиштдан Европа услубида қурилган икки қаватли янги бинода рус-тузем мактаби иш бошлаб юборади. Янги Урганчда ўғил ва қиз болалар учун алоҳида жаҳид мактаблари очилиб, уларда 60 дан ортиқ ўқувчи ёшлар таълим оладилар<sup>2</sup>. Янги рус-тузем мактаблари ёшлар орасида саводхонликни оширишда, уларга замонавий илм асосларини ўргатишда муҳим рол ўйнади. Ана шу мактабларда ёшларга замонавий билим ва тарбия бериш учун Россия ва Туркистон шаҳарларидан рус ва татар муаллимлари ишга таклиф қилинди. Оренбург, Козон, Астрахан ва бошқа шаҳарлардан келган татар муаллимлари аксар кўпчиликни ташкил қилади. Амударё бўлими бошлиғи Туркистон Генерал-губернаторига ёзган маълумотида бу ҳақда шундай хабар беради: – “Хива хонлигидаги жаҳид

---

<sup>1</sup> Билялов У. Хоразм Халқ маорифи тараққиёти. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1969, 18 бет.

<sup>2</sup> Билялов У. Хоразмда халқ маорифи тараққиёти. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1969, 18 бет.

мактаблари муолимларини қарийиб ярмини татарлар ташкил этади. Улар хонликда ўқитувчилик фаолияти билан бир қаторда сиёсий ташвиқот ишларини ҳам олиб бомоқдалар". ("Туркестанский курьер", 1913, 21 авг.). Ушбу мактабларда Исломий илмлар билан бир қаторда дунёвий фанлар: рус тили, тарих, жўғрофия, математика, адабиёт ва бошқа фанлар чуқур ўқитилган.

Янги усул ва рус-тузем мактаблари муаллимлари орасида Агаев, Абдурашидов, Х.Қўшаев, Ф.Қўшаева, Қ.Батиров, А.Сазонов, С. Сўфижонов, Ю.Аҳмедов каби илғор зиёлилар бор эди<sup>1</sup>. Улар мактабларда таълим-тарбия бериш билан бир қаторда давлат ишларида ва ҳатто аҳоли орасида илғор ғояларни ёйиш билан шуғулландилар. Амударё бўлими бошлиғининг татар муаллими Абдурашидов ҳақида 1912 йил 12 августда Тошкентга йўллаган ахбороти ҳам буни тасдиқлайди:

– "Вазири Акбар Исломхўжа янги усул мактабининг ва уйидаги фарзандларининг ўқитувчиси ёш татар муаллими Абдурашитовнинг фаолияти алоҳида эътиборга эга. Афсуски, Абдурашитов ўқитувчилик ишларидан ташқари Хива хонлигини ички сиёсатида ҳам фаол қатнашмоқда. У Исломхўжанинг уйида яшаб, яширин кенгаш ўтказиб туради. Бу кенгашда Абдурашитов маслаҳатчи ва раҳбарлик қилади. Исломхўжа иштирокидаги кенгаш мажлисларида асосан Хива-Россия муносабатлари муҳокама қилинади. Айрим маълумот-ларга кўра, кенгаш раҳбари Абдурашитов йиғилган Хиваликлар онгига Хива хонлигини Россия қарамлигидан озод қилиш ва хонликни тараққий эттириш ғояларини сингдирмоқда", - деб қайд этилади. Шунинг ҳисобга олиб рус маъмурлари Абдурашитов ва бошқа тараққийпарвар жадид зиёлиларни Хивадан ўз юртларига жўнатиб юборади. ("Туркестанский курьер", 1913, 21 август). Исломхўжанинг саъй-ҳаракати билан 1911-1913 йилларда Хивалик ёшлар орасидан Тош-

<sup>1</sup> Билялов У. Ўша асар, 1969, 18-20 бетлар.

кент, Петербург, Париж, Берлин шаҳарларига ўқишга юборилганлар ҳам бўлган. Жумладан, Отожон тўранинг ўғли Петербургда, Хонқалик Муҳаммад ҳожибой Аминдин ўғли эса Туркиянинг Константинопол<sup>1</sup> ва Франциянинг Тулуза шаҳрида<sup>2</sup> таълим олганлиги маълум. Янги усул ва рус-тузем мактабларида таълим олган Хивалик ёшлар нафақат янги илмлардан, балки илғор демократик ғоялардан ҳам баҳраманд бўлдилар. Кейинчалик уларнинг аксарият қисми Хивада кенг тарқалган илғор жадидчилик ва Ёш хиваликлар ҳаракатининг фаол иштирокчиларига айлангандилар.

Исломхўжанинг ислоҳот дастурида хонликни марказий шаҳарлар билан боғлайдиган темир йўл тармоғи қурилиши масаласига ҳам катта эътибор қаратилади. Бу тadbир нафақат рус, маҳаллий савдо-саноат эгалари манфаатига ҳам жуда мос тушарди. Шу боисдан русия саноатчилари орасида эртаданок бу масалага қизиқувчилар бўлди. Мазкур ҳаётий масала 1899 йилдаёқ кўтарилганди. 1912-1913 йилда хонлик ҳудудларига темир йўл келтириш билан алоқадор қидирув ва тадқиқот ишлари жадаллашиб кетади. Лойиҳага мувофиқ, темир йўл тармоғи Чоржўйдан хонликнинг шимолидаги Кўнғирот шаҳаригача тортилиши ва кейинчалик у давом қилиниб Урол-Торгай области орқали Александров-Гай билан боғланиши керак эди. Темир йўлнинг умумий узунлиги 700 верстга етади. Унинг қурилишини рус саноатчиларидан А.О.Брикельмейер ва К.Е.Николаевлар шерикликда ўз зиммаларига олган эдилар. Бироқ, Исломхўжанинг бевақт ўлими ва биринчи жахон урушининг бошланиши боис ушбу қурилиш ишлари тўхтаб қолади. Исломхўжанинг узоқни кўзловчи режалари фақат XX аср ўрталарига келибгина амалга ошади. ("Туркестанский курьер", 1913, 14 апрель).

---

<sup>2</sup> "Туркестанский курьер", 1913, №184.

<sup>3</sup> Нуржонов К., Хасанов Р. Жайхун мироби. Тошкент, 1997, 24-бет.

Ана шу тариқа бош вазир Исломхўжанинг ислоҳот дастури жуда мураккаб шароитда секин-аста амалга оша бошлаган эди. Ушбу бунёдкорлик ишлари катта маблағни ҳамда тажрибали мутахассисларни талаб қиларди. Шунга қарамай дастлабки хайрли натижалар тезда кўзга ташлана бошлади. Бироқ, Исломхўжанинг мамлакат фаровонлиги йўлида бошлаган ишлари жуда катта маблағни талаб қилади. Исломхўжани ислоҳотни амалга ошириш учун Россия ҳукуматидан ёрдам олиш мақсадида қилган савъ - ҳаракатлари натижа беравермади. У бошқа хорижий мамлакатлардан ҳам ёрдам ола билмас эди. Шу боисдан ислоҳотларни фақат ички имкониятлар ҳисобигагина амалга ошириш мумкин эди. Аҳолидан олинадиган солиқ ва хазинага тушган даромадгина ислоҳотнинг ягона манбайи бўлди. Бу эса саройда ислоҳотнинг душмани бўлган йирик мулкдорлар ва бир гуруҳ фитначиларга маъқул тушмади. Исломхўжа айнан ана шу душманлар томонидан уюштирилган қонли фожеанинг беғуноҳ қурбони бўлди.



### 3-§. Хон саройидаги фитна ва Сайид Исломуҳжанинг фожеали ўлими

Вазири Акбар Сайид Исломуҳжанинг демократик ислохотлари мамлакат иқтисодий ва маданий ҳаётини юксалтириши ва оқибатда халқ фаровонлигини яхшилаши шубҳасиз эди. Исломуҳжа бу хайрли ишга бутун куч ва маҳоратини сафарбар этади. Ўзининг ҳузур-ҳаловатидан ва шахсий даромадидан кечиб бўлсада, уни амалга оширилиши учун ҳаракат қилди, бунёдкорлик ишларига Россия ва Туркистондан зарур қурилиш материаллари ҳамда мутахассислар келтиради. Қисқа вақт ичида Хивада пишиқ гиштдан шарқона ва Европа услубида қурилган чиройли ва мустаҳкам бинолар, касалхона, почта-телеграф бинолари, сарой ва мактаб, мадрасалар қад кўтариб, кўприк ва равон йўллар қурила бошланди. Хонликнинг суғориладиган экин майдонлари, вақф мулклари ҳисобга олинди. Солиқ тизими тартибга солинди, давлат хазинасининг даромад ва харажат қисми қаттиқ назорат остига олинди. Хиванинг йирик бойлари, ер эгалари, сарой амалдорлари ва айрим руҳонийлар ҳам Исломуҳжа ислохотидан қаттиқ норози эдилар. Уларга қарашли ерлар ҳисоб-китоб қилиниб, солиққа тортилиши айниқса саройда нуфузли лавозимни эгаллаган, беҳисоб бойлик ва ерга эгалик қилган девонбеги фарзандлари Ҳусайнбек, Шихназарбой, Омонгалди Сардорбой ҳамда оға-ини Матвафо ва Абдурахмон Баққолов каби амалдорларга маъқул тушмади. Натижада саройда Исломуҳжага қарши юқоридаги каби молпараст, амалпараст, фирибгарлардан иборат фитначилар гуруҳи вужудга келди. Улар саройда алоҳида мавқега эга бўлган хоннинг қайнотаси, йирик заминдор ноқиб ул-ислом Иброҳимхўжа атрофига жипслашдилар. Исфандиёрхон ҳам ана шу фитначилар гуруҳидан четда туролмас эди. Аввало, ислохотлардан норози бўлган гуруҳ хоннинг моддий ва маънавий таянчилари, унинг тахтта чиқишида катта маблағни сарфлаган кишилар эди. Хазинанинг назорат остига олиниши ҳам унга чексиз ҳукм-

рон бўлган маишатпараст Исфандиёрхонга маъқул эмасди. Исфандиёрхон ислоҳотга юзаки кўнган бўлсада, амалда унга қарши эди. У Русия ҳукуматининг талаби ва Вазири акбарнинг таъсири остидагина ислоҳот дастурига муҳр босишга мажбур бўлган эди. "Туркестанский курьер" газетасида бу ҳақда: - "Янги хон халқ аҳволини яхшилашга бефарқ қарайди. Агар бу соҳада бирор иш амалга оширилаётган экан, бу фақатгина рус ҳукуматининг тазйиқи остида бўлмоқда"<sup>1</sup>, - деб ёзилиши бежиз эмасди.

Карвонбоши Матвафо Баққолов Исфандиёрхон тахтга чиққанида унга ярим миллион сўм харж қилган.

Матмурод девонбегининг ўғиллари бўлса хонни ҳар бири йилига 12 минг тилладан пул билан таъминлаб туришга ваъда қилганлар. Демак, хон билан мазкур амалдорлар манфаатида умум муштараклик мавжуд эди<sup>2</sup>.

Исломхўжанинг Русия ҳукумати, савдо-саноатчилари олдида, шунингдек, ўз халқи-ўзбек, туркман ва қароқалпоқ фуқаролари олдида ҳам тадбиркор ва адолатпарвар раҳбар сифатида ҳурмат-эътибори кун сайин ортиб бораётганлиги Исфандиёрхон ва унинг атрофидаги амалпарастларни қаттиқ ташвишга сола бошлайди. Чунки, хоннинг зулм ва зўравонлиги, унинг маишатпарастлиги ва ахлоқсизлиги ўз халқи олдидаги мавқеини пасайтириб, кучли норозиликга сабаб бўлаётган эди. Амударё бўлимидаги рус маъмурларининг Туркистон Генерал-губернаторлигига йўллаган ахборотида Исфандиёрхоннинг нафақат фуқаролари олдида, ҳатто ўз амалдорлари олдида ҳам ҳурмати пасайиб бораётганлиги, ва аксинча, бош вазирнинг обрўси ошиб бораётганлиги кўпчилик зарурият юзасидан хонга эмас, Исломхўжага мурожаат қилаётганлиги, алоҳида қайд қилинади:

- "Исломхўжа ақли, идроки жиҳатидан хонликдаги барча амалдорлардан устун туради, уларни ўзига ром қилиб, ях-

<sup>1</sup> Погорельский И.В. Ўша асар, Ленинград, 1978, с.72.

<sup>2</sup> ЎзРМДА, ф.и-2, оп.1, д.35, 15 бет; Погорельский И.В. Ўша асар, с.67.

шиликка ундаб, ёмонликдан қайтариб биларди, шу билан у халқ орасида шуҳрат қозонди ва хурматга сазовор бўлди", – деб қайд этилади. ("Маърифат ёғдуси", 2001, № 3-4, 77 бет). Амударё бўлими бошлиғи Н.С.Ликошин ҳам ўзининг 1913 йили бош вазир вафотидан сўнг Генерал-губернаторга ёзган ахборотида: - "Марҳум Исломхўжанинг ўзи савдогар эмасди, у савдогарларга бир мунча бошқачароқ қарарда. Савдо ишларидан холилиги туфайли у хонликдаги ишларни (ислохотни А.С.) ўзининг шахсий манфаатидан юқори кўярди. Хонлиكنинг ҳозирги мулкдор амалдорлари бўлса ўзларининг савдо-тижорат даромадини ошириш, шу билан хоннинг ҳам бойлигини кўпайтириш билан машғул бўлаяптилар. Бу албатта хон ҳазратларига жуда маъқул тушаяпти", - деб хабар беради<sup>1</sup>. Шунинг билан бирга, рус маъмурияти, ишбилармонлари ва зиёлилари орасида ҳам Исломхўжани қўллаб қувватлаётганлар оз эмасди. Бош вазир ўзининг Петербург ва Москва саёҳати пайтида уларнинг кўпчилиги билан яқин мулоқотда бўлган, уларнинг ёрдамида Хивага бир қанча мутахассисларни марказдан чақиртириб келтирган. Албатта, бу ҳам хонга ва унинг яқин амалдорларига маъқул тушавермади. Саройдаги воқеалардан хабардор бўлган Полвонниёз ҳожи "Мамлакатда (ҳазинада) мавжуд бўлиб турган пуллардан (Исфандиёрхонга) харжисидан зиёда пул бермади, ҳам (хонга) беҳуда ношоиста ишлар қилмоққа йўл бермади", - деб таъкидлаган эди. (Полвонниёз ҳожи Юсупов, ўша асар. Урганч, 2000, 59 бет).

Исломхўжа ҳатто амалдорларга хон томонидан ҳадя қилинган 500 сўм пулни хазинага қайтариб олиб, Исфандиёрхонга "давлат муҳим ишларни амалга ошириш учун пулга муҳтож бўлиб турган бир пайтда бундай катта миқдорда пулларни ҳадя қилишингиз яхши эмас", деб танбеҳ берган<sup>2</sup>. Исломхўжанинг юқоридаги ҳатти-ҳаракатлари Исфандиёрхон ва унинг яқин аёнлари норозилигига сабаб бўлди. Улар


<sup>1</sup> ЎзРМДА. ф. И-2, оп. I, д.475, 54 бет.

<sup>2</sup> "Ўзбекистон тарихи", 2004, №3, 58 бет.

ислоҳотни амалга ошувига тўсқинлик қилишга, Исломхўжани русларнинг малайи, русларга сотилган, деб обрўсизлантиришга ва имкони топилса, уни йўқ қилишга ҳаракат қила бошладилар. Фитначи гуруҳбозлар хоннинг розилиги билан Амударё бўлимининг бошлиғи, полковник Глушановский номига Исломхўжа устидан бир неча шикоят хатлари уюштирилди. Улар шикоят хатларида Исломхўжага туҳмат уюштириш билан, уни бош вазирлик лавозимидан олиб ташлашни талаб қилдилар. Аммо шикоятлар жавобсиз қолаверди. Шундан сўнг девонбеги ўғиллари 1911 йили Петербургда, Россия ҳукуматига мурожаат қилиб, бош вазирни лавозимидан туширишни талаб қилдилар, акс ҳолда ўзларининг давлат хизматидан истеъфога кетмоқчи эканликларини маълум қилдилар. Бу гал ҳам Россия Ташқи ишлар министрлиги ва ҳарбий министрлик мухалифатчилар таклифини маъқулламади. Чунки, Исломхўжа Русия маъмурияти олдида катта ҳурмат қозонган ҳамда унинг ислоҳотлари эса Русия савдо-саноат капитали учун ҳам жуда фойдали эди.

Исломхўжа ўзининг 1911 йил 3 декабрида полковник Глушановскийга ёзган мактубида саройдаги нохуш вазият ҳақида шундай хабар беради: - "Биз амалга ошираётган тадбирлар (ислоҳотлар) хон ҳазратлари атрофидаги амалдорлар манфаатига, албатта маъқул тушмади. Улар аввалги хон даврида ҳам катта ерларни эгаллаб беҳисоб фойда олиб келганлар. Шу боисдан норози бўлган амалдорлар томонидан бир қанча махфий мажлислар ўтказилиб, унда халқни ислоҳотларга қарши кўзғатишга қарор қилинган. Мазкур амалдорлар халқ номидан норозилик мактублари уюштириб, уларни ўз муҳрлари билан тасдиқлаб, ислоҳотдан норози эканликларини билдирмоқдалар. Мактубларда ҳатто ҳақоратли бўхтонлар ҳам ишлатилмоқда. Мабодо уларнинг талаби қондирилмаса ўзларини ҳукумат ишларидан истеъфога чиқмоқчи эканликларини билдирмоқдалар"<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> ЎзРМДА ф.2, оп.1, д.289, 207 бет.



Хива. Шимолий қўшдарвоза. 1912 йил.

Исфандиёрхон Хива хонлари орасидаги ўта айёр хонлардан эди. У бир ўқ билан икки қуённи урушга ҳаракат қиларди. Исломхўжа билан унинг душманлари ўртасидаги зиддиятни атайлаб кескинлаштирар, шу билан ҳар иккала томонни ҳам заифлаштириб, хонликда ўз мавқеини тиклаб олишга, улар ҳисобига шахсий бойлигини оширишга, саройда ўзи хуруж қўйган маишатбозлик ва ахлоқсизликни авж олдиришга ҳаракат қиларди. 1911 йили Исфандиёрхон ўз аёнлари билан Петербург сафаридан қайтди. ўша вақтда бош вазир Исломхўжа маълум муддат Пятигорскда даволаниш учун қолади. Хон шу вазиятдан усталик билан фойдаланади. Исфандиёрхон саройдаги ўзига яқин мухалифатчиларни чақириб олиб, "Исломхўжа тамоми ишларни қўлга олиб, ҳатто менга ҳам ихтиёр бермас турур, шунга сизлар нечук розилик қилурсизлар", деб уларни бош вазирга қарши иғво қилади. Хоннинг асл мақсади ва хийласидан беҳабар амалдорлар Исломхўжа устидан шикоят қилдилар. Шунда хон уларга "мақсудларингизни ариза хат қилиб келтиринглар", деб топшириқ берган. Бошдан оёқ иғводан иборат бўлган шикоят хатга хоннинг қайнотаси, ноқиб ул-ислом

Иброҳимхўжа, Сайиб Назар меҳтар, Шихназар ясовулбоши, Хусайнбек девонбеги, Омонгалди Сардорбой, Оллаёр ва Муҳаммад Солиҳ оталиқ, Ибодулла иноқ ва Нурулла мироблар, жами 9 киши қўл қўйган эди<sup>1</sup>.

Исломхўжа даволанишдан қайтгач Исфандиёрхон ушбу мактубни унинг қўлига топширди. Исломхўжа талаби билан, деб хон шикоятчиларнинг Иброҳимхўжадан бошқа барчасини хибс қилдирди. Уларнинг жамики мол-дунёсини, уй-жойлари, экин майдонларигача мусодара қилдириб, ўз фойдасига қози хат қилдирди. Фақат Матмурод девонбеги ўғилларидан тортиб олинган бойликнинг қиммати бир миллион сўмдан зиёд деб баҳоланган эди<sup>2</sup>. Исфандиёрхон ана шу қалтис ўйини билан отаси даврида хизмат қилган тажрибали амалдорларни амалидан тушириб, уларнинг ўрнига ўзига яқин, хушомадгўй, ўзига моил маишатпарастларни ишга тайинлади. Хон саройи лаганбардор, хасадгўй, фитначи, чақимчилар уясига айланди. Тортиб олинган қимматбаҳо молу-дунё ҳисобига Исфандиёрхон ўз бойлигини янада оширди. Лекин шунга қарамасдан, саройдаги гуруҳбозлик ва фитнеса тўхтагани йўқ. Полвонниёз ҳожи бу ҳақда шундай ҳикоя қилади:

"Исфандиёрхон Петербург сафаридан қайтгач отаси даврида сарой хизматида бўлган обрўли, тажрибали бир қанча амалдорларни, девонбеги, ҳожи, меҳтар, кушбеги авлодларини лавозимидин четлашга ҳаракат қилди. Чунки хон атрофига тўпланган амалдорлар улар олдида эътиборсиз, ишга ярамас одамлар бўлиб қолган эди. Шу боисдан уларни ифво қилиб давлат ишларидан четлатишга ҳаракат қилди"<sup>3</sup>.

Аммо кейинчалик Исфандиёрхон Русия маъмурлари талаби билан қамоққа олинганларни озод қилиб, уларни ўз лавозимларига қайтаришга мажбур бўлди. Муҳаммад Солиҳ

<sup>1</sup> Полвонниёз Хожи Юсупов. Ўша асар, Урганч, 2000, 58-бет.

<sup>2</sup> ЎзРМДА, ф.2, оп.1, д.289, 305-бет.

<sup>3</sup> Полвонниёз Хожи Юсупов. Ўша асар, 58-бет.

оталиқ ва Нурулла мироблар қамоқда қатл қилинди. Озод қилингарларнинг уй-жойлари, ерлари ва бошқа мулклари қайтариб берилсада, улардан тортиб олинган пуллар, тилла ва тилла тақинчоқлар хоннинг ихтиёрида қолиб кетди.

Хон ва унинг атрофидаги фирибгар фитначилар қанчалик урунмасин ислоҳотни тўхтатиб қололмадилар. Демократик ислоҳотлар хонликнинг оддий фуқаролари, савдо-саноатчилар, зиёлилар ва рус маъмурияти томонидан қўллаб қувватланаётган эди. Шу боисдан хон ва унинг атрофидаги ифвогарлар энди Исломхўжани бир илож қилиб қатл қилиш чорасини ахтара бошладилар. Аммо Исломхўжани йўқ қилиш осон эмасди. Агар бу фитна ошкор бўлса, кўп кишининг боши кетиши, хоннинг ҳам обрўйига жуда катта зиён тегишини ва қутилмаган сиёсий воқеаларни келтириб чиқариши аниқ эди.

Саройдаги нохуш воқеалардан огоҳ бўлган Полвонниёз Хожи ва Хива тарихчиси, ўймакор наққош Абдулла ака Болтаевлар Исфандиёрхон фитнасини ишончли далиллар билан ёзиб қолдирганлар. - "Ушбу вақтда, - деб гувоҳлик беради Полвонниёзхожи, Исломхўжа касалхона, почтахоналарни битказди ҳамда темир кўприкларни қура бошлади. Харажатлар кўп бўлиб кетди. Хоннинг ўз ҳой-ҳавасига қўймай, закот ва солғитларни ўзига олиб сарфу-харж қилди. Хоннинг бу ишларга ҳеч розилиги бўлмади. Нечук қилиб Исломхўжани ўлдирмоққа тараддуд қилди"<sup>1</sup>.

Абдулла Болтаев ҳам ўз кўлёмасида Ушбу воқеани қуйидагича баён қилади: - "Ислом Хўжа тараққийпарварлик ишларини йўлга қўйиш, эскидан қолган бошқарув усуллари янги тартибга солишга киришди. Юртдан ундирилган солғит пулларни халқнинг фойдасига сарф қила бошлади"<sup>2</sup>.

Муаллиф сўзини давом эттириб, Исломхўжа билан хон ўртасида юз берган ихтилофни шундай баён қилади: - "Ис-

---

<sup>1</sup> Полвонниёзхожи Юсупов. Ўша асар, 72-бет.


<sup>2</sup> Болтаев Абдулла. Хива хонлиги тарихига оид материаллар. Кўлёмза. 61-бет.

фандиёрхон золимлик ва ношоистачилик ишларга берилиб, юртдан ундирган солғит пулларни беҳудачиликка, сарфлади. Исломхўжа бўлса, халқнинг фойдаси учун тоза усулда темир кўприк қургон, қалъанинг дарвозаси, тоза усулда қамоқхона, касалхона, почта-телеграф солиш ишларини бошлади. Шу ишлар тўғрисида икковлари ўртасида низо келиб чиқди"<sup>1</sup>. Исфандиёрхон Исломхўжани ошқора ўлдиришга журъат этолмасди, шу сабабли уни махфий равишда йўқ қилиш чорасини ахтара бошлади:

"Исфандиёрхон Исломхўжани махфий ўлдириш ҳаракатида бўлди. Чунки, тўғридан-тўғри ўлдиришга қодир бўлсада, Исломхўжа Россия ҳукуматига маълум бир киши, Россиядан бир қанча орден ва медаллар олган эди.

Шу сабабдан Исломхўжани махфий ўлдириш ҳаракатида бўлди. Исфандиёрхон ўзининг сиёсий ишлар бошлиғи Шихназар ясовулбошига махфий равишда Исломхўжани ўлдиришни топширди. У рози бўлмагач, уни шу турган ерида қамоққа буюрди. Анинг ўрнига ўзининг дойисини ўғли Абдукарим маҳрамни ясовулбоши қилди"<sup>2</sup>.

1913 йил август ойи бошларида, айнан муқаддас Рўза - рамазон ойида Исфандиёрхон саройида махфий йиғилиш



Хива. Сайид Исломхўжа минораси. Ўрта Осиёдаги энг гўзал ва баланд меъморий ёдгорлик. 1910-1912 й.

<sup>1</sup> Болтаев Абдулла. Ўша қулёзма, 61-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 62-бет.



бўлди. Унга ишончли одамлардан Абдукарим ясовулбоши, Матвафо Баққолов карвонбоши, Ашир маҳрам ва Рўзмат маҳрамларгина таклиф этилганди. Нуруллабой саройига мазкур амалдорлар нима учун тўпланганлиги ва нимани маслаҳат қилганлиги бошқалардан ўта сир сақланган эди. Аслида бунда фақат бир масала, яъни, Исломхўжанинг тақдири масаласи кўрилиб, унда сирли қотиллик режаси жуда пухта ишлаб чиқилганди. Исломхўжани йўқ қилишда Шихназарбой хизматида бўлган, пул - дунё ва мансаб учун ҳар қандай разилликдан қайтмайдиган Куронбой бўзчи деган шахсни ёллашга қарор қилинади. Куронбой бўзчи катта инъомлар эвазига ана шу разил ишга розилик билдиради<sup>1</sup>.

Исломхўжа ўз одатига кўра ишни тамом қилгач, Нуруллабой саройига келиб хонга ҳар кунги қилинган иш юзасидан ҳисобот бериб, ўзининг Тозабобоғдаги уй-ҳовлисига жўнаб кетар эди. Шахсий соқчиси Бобожон қатагон фойтун отда юриб, унга ҳамроҳлик қиларди. 1913 йил 9 августида одатдагидек кеч пайт хонга ҳисоботини қилиб, уйига жўнамоқчи бўлганида Абдукарим ясовулбоши Бобожон қатагонни ифторликка сўраб олиб қолади. Бир баҳона билан Исломхўжанинг фойтунчиси ҳам алмаштирилади. Хуллас, Исломхўжа шу куни кеч соат тўққизлар чамасида янги извошчиси билан Тозабобоғ томонга фойтунда равона бўлган. Албатта, юқоридаги ўзгаришлар Вазири акбарда биронта шубҳа уйғотмаган. Топшириққа биноан Куронбой бўзчи бошлиқ тўрт нафар қотиллар Тозабобоғ йўлидаги "ўғлон Азизбобо" қабристонига яшириниб, Исломхўжанинг келишини пойлаб ётганлар. Айнан шу кечаси Тозабобоғ йўлига қоровул кўйилиб, бошқа йўловчилар кўйилмаган. Фойтун қабристонга яқинлашуви билан бошларига ниқоб кийган қотиллар қабристондан тезкорлик билан югуриб чиқиб, от жиловидан ушлаб, фойтунни тўхтатганлар. Қолган ишлар қоронғу кечада ниҳоятда тезлик билан амалга оширилган-

---

<sup>1</sup> Болтаев Абдулла. Исломхўжанинг фожиали ўлими ҳақида, кўлёзма.

ки, ҳатто бош вазир ёнидаги тўппончасини олиб ишлатишга ҳам улгуролмай қолган. Ғотиллар дарҳол Ғайтуннинг Ғанус-чироғини уриб синдирганлар, кўлидаги чўқмор таёқ билан отни манглайига уруб, уни ерга қулатганлар. Извошчи ҳам таёқ зарбидан ерга қулатилган. У онгини йўқотиб, беҳуш бўлиб қолган. Куронбой бўзчи бўлса дарҳол Исломхўжани Ғайтундан ерга судраб тушириб, шу захотиёқ уни ваҳшийларча бўғизлаб ташлаган. Қотиллик ниҳоятда тезкорлик билан амалга оширилган. Исломхўжа ва Ғайтунчи йўл қирғоғида тун қоронғусида қонга булғанганича қолганлар<sup>1</sup>. Қотиллар бўлса, бир зумда кўздан ғойиб бўлганлар. Исломхўжанинг ёнида кўп миқдорда пул ва қимматбаҳо буюмлар бўлишига қарамадан қотиллар бош вазирнинг чўғирмасидан бошқа ҳеч нарсага тегмаганлар. Олий нав терисидан тикилган чўғирмани ҳам ирим-сирим учун олиб кетганлар. - "Ҳақиқатан ҳам ўша пайтда Исломхўжа ёнида 750 сўмлик кредит билети, ўн сўмлик учта тилласи ва бошқа майда пуллари, баҳоси 10 минг сўм турадиган бриллиантлик тилла портсигари, баҳоси 2500 сўмлик қаҳрабодан қилинган бриллиант кўзлик мунштуғи ва баҳоси 900 сўмлик тилла соати бўлган"<sup>2</sup>.

Демак, шундан ҳам кўриниб турибдики, қотиллик қароқчиларнинг иши эмаслиги, уларни молу-дунё қизиқтирмай, балки у юқоридан берилган топшириққа биноан, сиёсий мақсадларда уюштирилганлиги яққол кўриниб турарди. Мазкур қотилликни Вазири акбар Исломхўжани йўқ қилиш учун атайлаб уюштирилгани ҳали яқингача сир бўлиб келган. Ўша пайтдаёқ халқ орасида уларни чалғитиш учун қотиллик қароқчилар томонидан уюштирган, баъзан эса уни Жунайидхон одамлари ташкил қилган деган овозалар тарқатилган эди. Аммо, архив хужжатлари ва замондош-

<sup>1</sup> Ўша кўлёма, 5-бет.

<sup>2</sup> Кўшчанов О. Асфандиёрхон саройидаги ғожеалар. "Маърифат ёдуси", 2002, №1, 64-65-бетлар.

ларнинг хотиралари Исломуҳжанинг фожеали ўлими Исфандиёрхон ва унинг фитначи одамлари томонидан атайлаб ташкил этилганлигини тасдиқламоқда.

Исломуҳжанинг фарзандлари ва хизматчилари хожининг кечикиб қолишидан хавотирланиб, сабрсизлик билан кутаётган эдилар. Жароҳатланган от хушига келиб, қонга бўялган файтун билан Исломуҳжа ҳовлисига етиб келади. Бундан ваҳимага тушган фарзандлари ва яқин одамлари қабристон ёнида Исломуҳжани боши бўғизланганлигини, файтунчининг эса беҳуш ётганини гувоҳи бўладилар. Исломуҳжа жасади аробага олиниб, уйига келтирилган, файтунчи бўлса касалхонага ётқизилган. - "Ушбу ишга мубошил бўлиб юрган Ашир маҳрам машъум воқеани дарҳол хонга маълум қилган. Хон ичкаридан чиқиб, ҳеч нарса билмагандек бўлиб, ҳар кўчаларга, қалъа дарвозаларига таптишчи қоровуллар юборди"<sup>1</sup>, — деб хабар беради шу воқеа замондошларидан Абдулла Болтаев.



Хива. Исломуҳжа томонидан қурдирилган қўшдарвоза ва дорихона бинноси. 1910-1913 й.

<sup>1</sup> Болтаев Абдулла. Хива хонлиги тарихидан материалар. Қўлёзма, 65-бет.

Шу кечаси Исфандиёрхон қайнотаси Исломхўжа уйига келиб оиласига ҳам дардлик билдирган ва ўғли Абдусалом-Хўжага кўнгил бериб, отаси қотилларини топиб жазолашга ва уни отаси ўрнига бош вазир қилишга ваъда берган. Сахийлик кўрсатгандек Сайиб Назар меҳтардан дафн маросими харжи учун 1000 тилла ҳам бериб юборган. Бош вазирнинг фожеали ўлими бутун хиваликларни оғир қайғу-ҳасратга солган бўлсада, Исфандиёрхон дафн маросимини катта дабдаба билан ўтказишни истамайди. "Бош вазирнинг дафн маросимида хоннинг ҳатти ҳаракатлари ҳам мамлакат халқини бир оз таажжубга солди. Чунки Исфандиёрхоннинг маслаҳати билан маросимга мамлакат ҳокимларидан, бекликларидан, шаҳарликларидан чақирилиб дабдаба қилинмади. Хоннинг ўзи, қайнотаси бўлмиш Исломхўжани охириги йўлга қабристонга ҳам кузатиб қўймади. У Исфандиёрхон Исломхўжа маросими билан боғлиқ барча тadbирларнинг тезроқ тугалланиб кетишига жуда шошилди"<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, бутун ҳаётини мамлакат ободончилиги ва халқ фаровонлигига бағишлаган Сайид Исломхўжа 42 ёшида қотиллар қўлида вахшийларча халок бўлди. Унинг жасади Хивадаги "Моҳи рўй жаҳон" қабристонига, отаси ёнига, ўзи бино қилдирган қорихонасига қўйилди. Ушбу воқеадан бир неча кун ўтгач, файтунчи ҳам касалхонада анча ўзига келиб қолган. У Абдусаломхўжага воқеа тафсилотини батафсил сўзлаб беради ва қотиллар орасида Шихназарбой хизматидаги Қуронбой бўзчини таниб қолганлигини айтади. Абдусаломхўжа бу хабарни эшитгач, тезда Исфандиёрхон олдига келиб, отасини қароқчилар эмас, балки Шихназарбой одамлари томонидан ўлдирилганлигини маълум қилади. Хон эса Абдусаломхўжага кўнгил бериб - жиноятчи - қотилни албатта тутиб жазолашга ваъда беради.

Исфандиёрхон шу кечасиёқ саройга Абдукарим ясовулбоши ва Қуронбой бўзчини пинхона чақириб, воқеани ош-

---

<sup>1</sup> "Маърифат ёғдуси", 2001, №3-4, 77 бет.

кора бўлганлигини маълум қиладилар. Улар Қуронбой бўзчини маълум муддатга қамаб, енгилгина жазолаган бўлиб, воқеани бости-бости қилишга қарор қиладилар<sup>1</sup>.

Хон, Қуронбой бўзчига қараб: - "Сенинг устингдан Абдусаломхўжа арз қилди, шунинг учун сани қамоқ қилиб, халқ ўртасида қийнаб ургандек бўлиб аста-аста урадилар. Сан шунда, Бу ишдан манинг ҳеч хабарим йўқ! - деб туриб оласан", - деб Қуронбой бўзчини огоҳлантирдилар. Фирибгар қотил шунга рози бўлиб, кўп инъомлар билан саройдан яширин жўнаб кетади. Келишувга биноан Қуронбой бўзчи эртаси куниёқ қамоққа олинади. Бир фурсатдан сўнг жарчи чақириқи билан тамоми хиваликлар Кўҳна Арк олдига тўпланишади. Ҳамиша, бу ерда гуноҳкорлар миршаблар томонидан оломон кўзи ўнгида жазоланар эди. Худди ана шу майдонда Қуронбой бўзчини ҳам жазолаш "томоша"си уюштирилади. Ўша пайтда Кўҳна Арк яқинидаги ховлисида истиқомат қилган ва ушбу воқеани ўз кўзи билан кўрган Абдулла ака Болтаев шундай хикоя қилади: - "Кўҳна Арк олдига кўп оломон тўпланди. Қуронбой бўзчини ёлғондан зиндонга солган бўлиб, қўлларини боғлаб майдонга, ясовулбоши олдига олиб чиқдилар. Ясовулбоши Қуронбой бўзчига қараб - "Хўжамизнинг ўлган воқеасини айтиб бер, сузи танингга ажжи таёқ тегмасдан бурун айт", - деди.

Қуронбой бўзчи Ясовулбошига қараб - "Оға, ман бу воқеани ҳеч билмайман", - деб жавоб қилди. Шунда Ясовулбоши "Агар айтмасанг урамиз, ўзингдан кўр, - деди. Қуронбой бўлса, аввалги келишувга кўра, бир-икки қамчи урганда ҳеч гап бўлмас, деб ўйлаб" - Ясовулбоши оға, майли, ихтиёрингиз, деди. Аста-аста уруш ваъдасидан беҳабар миршаблар қўлидаги икки камчидан тўрт камчиси билан Қуронбойнинг яланғоч елкасига бор қуввати билан шундай туширдиларки, қамчи зарбидан яланғоч бадандан қон сачраб кетди. Қуронбой бўзчи жон борича додлаб юборди. У оқшомги ваъдаси

---

<sup>1</sup> Болтаев Абдулла. Ўша қўлёзма, 67-бет.

уларнинг ёлгон эканини тушуниб, жон хаврида Ясовулбошига қараб - "ҳай ясовулбоши оға, агар мани шундай азоблаб ўлдирмоқчи бўлсангиз, ман ишни бузаман" - деб бақриб юборди. Қуронбойнинг бу сўзини эшитган ясовулбоши дарҳол пошшобларга қараб, "Урманглар, қўл-оёғини ечинглар, уни хон ҳазратларининг ўзлари ёнларида уриб айттирмоқчи" - деб, Қуронбойни ичкарига, Кўхна Аркка олиб кетадилар. Ичкарида Қуронбойни иззат-хурматлаб, яхши бир жойда қамолган шаклда қўйдилар<sup>1</sup>.

Ушбу воқеадан хабар топган Абдусаломхўжа отасининг ўлимида хоннинг хабари борлигига ишонч ҳосил қилган ва у Исфандиёрхон олдига бориб, "Манинг отамни ўлдирилган воқеасига энди тушундим, тамом бошқача экан", - деб, саройдан йиғлаб чиқиб кетган.

Исломхўжанинг ўлими Петербургга ҳам тезда маълум бўлади. Рус маъмурияти раҳбарлари бош вазирнинг сирли ўлимини ўзлари учун катта йўқотиш, деб ҳисоблайдилар. Чунки, Исломхўжа ислоҳотлари нафақат маҳаллий савдо-саноатчилар, рус буржуазияси манфаатларига ҳам тўла жавоб берар эди. Петербургдан бу фожеани тафтиш қилиш учун махсус комиссия жўнатилади. Комиссияга Бош штабнинг Осиё бўлимини бошлиғи - генерал С.В.Цейль бошчилик қилади<sup>2</sup>. Хон одамлари комиссияни Чоржўйда кутиб оладилар. Хивага келгач катта тантаналар билан уни Нуруллабой саройига жойлаштирдилар. Шу куниёқ саройда генерал Цейль шарафига катта зиёфат ташкил этилади. Исфандиёрхон дарҳол карвонбоши Матвафо Бакқолов воситчилигида генерал билан умум тил топиб, масалани ўз фойдасига ҳал этишга, яъни, Исломхўжа ўлимига ўзининг алоқаси йўқлигини асослаб, воқеани тезда бости-бости қилиб юборишга ҳаракат қилади. Ҳақиқатан ҳам Исфандиёрхон тафтишни ўз фойдаси томонига йўналтиради. Гарчи

<sup>1</sup> Болтаев Абдулла. Ўша қўлёзма 67-68-бетлар.


<sup>2</sup> Полвонниёз Хожи Юсупов. Ўша асар, Урганч, 2000, 56-бет.

комиссия олиб борган текширишлари бу сирли фожеада хоннинг ҳам бевосита иштироки борлигини аниқлаган бўлсада, уни ошкор қилмайди. Дабдабали зиёфатлар, пинҳоний учрашувлар ва берилган катта ваъдалар ўз натижасини беради. Исломхўжа қароқчилар ҳужумининг қурбони бўлган, деган сохта хулоса билан тафтиш фаолияти тўхта-тилади ва масала шу билан ёпиб юборилади. Рус генерали-нинг ушбу хизматлари хон томонидан муносиб тақдир-ланган. Генерал С.В. Цейльга ана шу хизматлари учун Ис-фандиёрхон томонидан 200 минг сўм (Полвонниёз Хожи ва Абдулла Болтаев эсдаликларида 40 минг тилла) пора берилганлиги ҳамда унинг номига ҳар йили яна почта орқ-али 2 минг сўм мояна юборилиб турилганлиги, генерал С.В.Цейль бўлса ушбу пулдан ҳарбий министр Сухомли-новга 20 минг сўмни ҳадя қилганлиги кейинги тафтишлар туфайли тасдиқланган. ("Маърифат ёғдуси" Урганч 2002, №1,64 бет). Шундан сўнг генерал С.В.Цейль Исломхўжа-нинг сирли ўлимининг асл сабабини ошкор қилмай, хон-нинг ушбу қотиллик ташкилотчиси эканлигини яшириб, Хивадаги касалхонанинг очилиш маросимида иштирок этиб, сўнгги куни Петербургга жўнаб кетади. Полвонниёз Хожи "Генерал С.В.Цейль ушбу иш учун хондан олган рушут ақчаларини ўзи билан олиб кетишга қўрққанидан Муҳам-мад Вафо карвонбошининг Муҳаммад Шариф деган ода-ми билан бериб юборган"<sup>1</sup>, — деб хабар беради.

Хуллас, фирибгар хоннинг "сахийлиги", тафтиш ко-миссияси бошлиғи бўлган генералнинг хиёнати ва сотқин-лиги туфайли бош вазир Исломхўжанинг фожеали ўлими очилмай, қотиллар аниқланмай ва жазоланмай қолади. Ко-миссиянинг марказга жўнатилиши билан Исфандиёрхон-ни ташвишга солаётган хавф-хатар ҳам босилиб қолди. Ис-ломхўжанинг фожеали ўлими билан у бошлаган хайрли ишлар ниҳоясига етказилмай тўхтаб қолди. Хон ва унинг

---

<sup>1</sup> Полвонниёз Хожи Юсупов. Ўша асар, 66-бет.



Хива. Исломхўжа томонидан қурдирилган рус-тузем мактаби.  
1910-1913 й.

атрофидагилар ҳам ислохотларнинг давом эттирилишидан манфаатдор эмасдилар. Шундан кейин Исфандиёрхон томонидан қотилликнинг ташкилотчи ва ижрочиларини тақдирлаш ва лавозимларини ошириш маросими бошланди. Жумладан, Шихназарбой ясовулбоши гуноҳи тасдиқланмади баҳонасида қамоқдан озод қилинди.

Карвонбоши Матвафо Баққолов эса Исломхўжа ўрнига бош вазир қилиб тайинланади. Фирибгар Ашир маҳрам саройнинг бош маҳрамига айланади. Хон Матвафога садоқатли хизматлари учун давлат ҳисобидан 500 таноб серунум экин майдонини ҳадя қилади<sup>1</sup>. Полвонниёз Хожининг гувоҳлик беришича Матвафо Баққолов хоннинг энг яқин ишончли маслаҳатчисига айланган. Хонликнинг энг масъ-

<sup>1</sup> ЎзРМДА. ф. И - 2, оп. 2, д. 476, 61-бет.



ул ишлари, Русия маъмурлари билан олиб бориладиган дипломатик алоқалар ҳам унга топширилган. Матвафонинг оға-инилари ҳам саройда юқори мартабаларни эгаллаган. Унинг иниси Янги Урганч беки Абдурахмонбой хатто Матвафо сафарга кетганида бош вазирлик вазифасини ҳам бажарадиган бўлади. Оға-ини Баққоловларга бунчалик мартабаларнинг берилиши бежиз эмас эди. Амударё бўлимининг бошлиғи полковник Ликошин Туркистон Генерал-губернаторлигига ёзган ахборотида бу ҳақда: "Хонликда барча ишлар Баққолов ва унинг оға-иниларининг савдо-тижорат манфаатлари юзасидан олиб борилмоқда. Жамийки давлат тадбирлари ушбу савдогарларнинг шахсий бойлигини оширишга қарата ҳал этилмоқда"<sup>1</sup>, - деб хабар беради.

Матвафонинг саройда ҳам, рус маъмурияти олдида ҳам мавқеи анча ошиб кетади. Баъзан у айрим масалаларда ҳатто хон билан ҳам тортишадиган бўлиб қолади. Бундан ташвишланган Исфандиёрхон уни бир муддат лавозимидан тушириб қўйишга мажбур бўлади. Аммо, Исфандиёрхон Матвафога кўп жихатдан боғланиб қолган эди. Хоннинг тахтга чиқишида унинг ҳам муайян хизмати бўлиб, у Русиялик ҳокимларга хон учун ўз ёнидан беш юз минг сўм ҳадя қилган эди. Бундан ташқари у Исломхўжа қотилига ҳам бево-сита алоқадор бўлиши билан, саройдаги воқеалардан рус маъмурларини мунтазам хабардор қилиб келаётган эди. Шу боисдан Матвафо карвонбошидек ифвогарнинг саройда юқори лавозимда бўлишидан Русия маъмурлари ҳам манфаатдор эдилар. Айнан шу сабабли ҳам Амударё бўлимининг бошлиғи генерал Колосовский хондан Матвафони ўз лавозимига қайтаришни талаб қилади. Исфандиёрхон эса рус генералининг талабини рад қилолмади ва Матвафо карвонбоши ўз лавозимига қайтадан тикланади.

Исломхўжанинг бевақт ўлими билан саройда тинчлик қарор топмади. Аксинча, зулм ва жаҳолат, гуруҳбозлик,

---

<sup>1</sup> ЎзРМДА. ф. И - 2, оп. 2, д. 476, 53-бет.

игво, фитна, ўзларига маъқул бўлмаган шахсларни қатл қилиш, айниқса маишатпарастлик ва ахлоқсизлик ҳар қачонгидан кучайиб кетди. Исфандиёрхон атрофидагилар бўлса бу ноҳуш воқеаларни тўхтатишга эмас, аксинча, янада авж олишига рағбатлантирадилар. Абдусаломхўжа, Исҳоқхўжа ва бошқа Исломхўжа яқинларининг сирли фожеадан хабар топиши Исфандиёрхонга бирор тинчлик бермаётганди. Хон бир баҳона билан уларни ҳам тинчитиш ҳақида ўйлай бошлади. Аввало, Матвафо орқали Абдусаломхўжани саройга олдириб, уни тафтиш қилдирди. Гап шундаки, 1911-1913 йилларда Хиванинг "Дешон қалъа" сида, Полвон кўприги яқинида хонга атаб, унинг буйруғи билан пишиқ ғиштдан икки қаватли мадраса қурилиб битган эди. Мадраса режасини хоннинг ўзи маъқуллаган. Мадраса қурилишига фуқароларнинг бепул хизматидан ташқари хазинадан 190 минг сўм сарф қилинган эди. Мадраса негадир Исфандиёрхонга маъқул тушмади. Исломхўжа вафотидан сўнг мадрасани бориб кўриб, уни "ярашимли" (чиройли) бўлмабди" баҳонаси билан бузиб ташлашга буйруқ беради<sup>1</sup>. Исфандиёрхон мадраса қурилишига сарф бўлган пулларни Исломхўжанинг ўғли Абдусаломхўжани тўлашига мажбур қилади. (Полвонниёз ҳожи Юсупов. Ўша асар, 69 бет). Бундан ташқари, Исфандиёрхон Исломхўжанинг укаси Исҳоқхўжага қарашли 25000 таноб экин майдонини ҳам тортиб олиб, ўз ҳисобига ўтказди<sup>2</sup>. Шунингдек, Исломхўжа томонидан тайинланган сарой амалдорлари: Шовот, Гурлан, Тахта, Маноқ, Дарғон-ота ва Кўнғирот беклари ҳам ўз вазифасидан озод қилинади. Лекин, хоннинг хасадгўйлиги шу билан ҳам татмом бўлмайди. Энди у Исломхўжа фарзандлари ва оға-иниларини туркманлар сардори Жунайидхон кўли билан йўқ қилишга ҳаракат қила бошлайди.

---

<sup>1</sup> Баёний. "Шажарайи Хоразмшоҳий", 265-бет. Болтаев А. Ўша асар, Қўлёзма, 57-бет.


<sup>2</sup> ЎзРМДА, ф. И - 1, оп. 31, д. 1104, 16-бет.

Исфандиёрхон 1918 йилда хонликда сиёсий вазият кескинлашиб қолганлигидан ташвишланиб, мамлакатни Жунайидхон билан шерикликда бошқаришга қарор қилади. Чунки, Жунайидхон ўша пайтда жуда кучли ҳарбий қудратга эга эди. Жунайидхон қароргоҳи Бадиркант шаҳрида эди. Хон, Исломхўжа яқинларига ифво қилиб, Жунайидхондан уларни жазолашни талаб қилади. Туркманлар сардори эса уларни сўроқ қилиш учун Бадиркантга жўнатишни сўрайди. Шундан сўнг Ашир махрам хоннинг буйруғи билан Абдусаломхўжа, Исҳоқхўжа, Толибхўжа ва Ҳусайнбек девонбеги ўғлини Жунайидхоннинг ўғли Эшши орқали Бадиркантга жўнатади. Уларнинг барчаси 1917 йил феврал инқилобидан кейин Ёш хиваликлар томонидан Хивада ташкил этилган янги ҳукумат - "Идоройи Машрутия" (Парламент А.С.) нинг таниқли аъзолари эдилар.

Исфандиёрхон ўзининг навбатдаги фитнаси билан нафақат Исломхўжа яқинларига, Ёш хиваликлар ҳукуматига ҳам талофат етказишни мақсад қилган эди. Исфандиёрхон Эшшихонга кўп ҳадялар бериб, "гуноҳкорларни" Бадиркантга бормасданоқ йўлда йўқ қилишни топширади. Эшшихон уларнинг барчасини хоннинг топшириғи билан Хивадан сал наридаги Дашёқ қишлоғи яқинида вахшийларча



Хива. Исломхўжа мадрасаси. 1910 йил.



Хива. Исломуҳжанинг Тозабобоғдаги уй ховлиси.  
 Умумий ва ички кўриниши.  
 Наққошлик ва ўймакорлик саънатининг етук намунаси.

отиб ташлайди ва уларнинг кийим - бошларини Жунайид-хонга жўнатади. Жунайидхон ўелининг бундай адолатсиз қилмишидан қаттиқ, норози бўлган. Шундай қилиб, ўзи-

нинг шахсий хузур-ҳаловатини умуммамлакат ва фуқаролар манфаатидан устун қўйган, саройни гуруҳбозлар, игвогарлар ва фитначилар қароргоҳига айлантирган, маишатпараст Исфандиёрхон ва унинг ҳамтовоқлари нафақат Вазири акбар Исломхўжадан, балки унинг яқин қариндош - уруғларидан ҳам ваҳшийларча ўч олдилар. Ўз ватанининг маърифатпарвар ва тараққийпарвар давлат арбоби бўлган Исломхўжа ислоҳотлар ёрдамида мамлакатни жаҳолат ва қалоқликдан қутқозиш, илғор давлатлар даражасига кўтариб, аҳолини фаровон ва маърифатли қилишга ҳаракат қилди. Шу мақсад йўлида улкан бунёдкорлик ишларини бошлаб юборди, солиқ тизимини тартибга солиб, зулм ва зўравонликни камайтирмоқчи, давлат хазинасини бекорчи исрофга, маишатпарастлик, кайфу-сафога эмас, балки мамлакат тараққиётига, хайрли ишларга сарфламоқчи бўлди. Афсуски, Исломхўжанинг фожеали ўлими туфайли ана шу фойдали ишларнинг деярлик барчаси тўхтаб қолди. Шунга қарамасдан у бошлаган тараққийпарварлик ҳаракатининг пайдо бўлиши кейинчалик ёш хиваликлар ҳаракати ривожига катта замин яратди.

#### 4-§. Жиноят жазосиз қолмайди:

#### Исфандиёрхон ҳокимиятининг ҳалокатга учраши

Ислоҳот дастурини амалга ошириш борасида хонликда анча ишлар қилинишига қарамай, Сайид Исломхўжанинг бевақт ўлими билан у тўхтаб қолди. Исфандиёрхон ўз атрофини Матвафо Баққолов, Абдукарим ясовулбоши, Ашир ва Каримбой маҳрамларга ўхшаган, ўзига садоқатли, амалпараст ва фитначилар билан мустаҳкамлаб олди. Исфандиёрхон шуларга суюнган ҳолда саройда айшу ишрат ва маишатпарастликни ҳар қачонгидан ҳам кучайтириб юборди. Мамлакатда бунёдкорлик ишлари билан қизиқадиган одам бўлмади, хазинадаги маблағлар ана шундай беҳуда ишларга совурила бошланди. Хоннинг беандишаллиги ва кайфу сафога берилишидан фойдаланган амалдорлар ўзларининг шахсий бойликларини ошириб, халққа жабр-зулм ўтказишни кучайтириб юбордилар. Туркманларнинг бебошликлари ҳам ҳаддан ошиб кетди. Хуллас, мамлакатда тинчлик ва осойишталик бузилди. Мана шундай мураккаб бир шароитда саройда кайфу сафо янада авжига чиқди. Исфандиёрхон хонликнинг тамоми шаҳар ва қишлоқларига аёл маҳрамлар ва миршаблар жўнатиб, кимнинг чиройли қизи ва аёли бўлса, ота-она розилигига қарамай махсус мовулдек аробада саройга, харамга олдира бошлади. Хоннинг хохишига рози бўлмаган қанчадан-қанча қиз-жувонлар қийноқ ва жазоларга гирифтор бўлиб, беғуноҳ нобуд бўлдилар. - "Исфандиёрхоннинг зулм-жабри халқни кўп беҳузур қилди", - деб хабар беради, замондошлари. Ўша даврда халқ томонидан қуйидаги термалар тўқилиб, пинҳона айтилиб юрилган:

"Исфандиёрхон хон бўлди,  
Бағримиз қора қон бўлди  
Еганимиз чигинли нон бўлди  
Ўлар бўлдик золим хонлар дастидан".

Исфандиёр хонимиз,  
Азоб чекар жонимиз.  
Фуқаронинг қорни оч,  
Хон уйида нонимиз.

Ёпнинг суви лойланар,  
Хон отлиси айланар.  
Аста гапир жон қизим,  
Алингга қулф бойланар.

Исфандиёр хон бўлди,  
Бағримиз қора қон бўлди.  
Азроилдан кам эмас  
Олажаги жон бўлди.

Хиванинг машҳур халфаси Хонимжон сувчи Сайдамаат қизи томонидан 1916 йилда тўқилган ва то ўтган асрнинг 30 йилларигача халқ томонидан куйланиб келинган куйидаги ўтли мисраларда Исфандиёрхонга нисбатан ғазаб ва нафрат тугён уради:

Эшитинглар янги чиққан ҳикоя.  
Умринг йиғлаб ўтгай, бевафо золим!  
Бу сўзимга асло бермас ривоят,  
Умринг йиғлаб ўтгай, бевафо золим!

Кўлинг чўлоқ бўлгай, кўзинг кўр бўлгай  
Азиз умринг охирида ҳор бўлгай  
Ҳазрати Али-Шохимардон пир ургаёй,  
Умринг йиғлаб ўтгай, бевафо золим!

Билмадинг ёзим билан қишимни,  
Оқиздинг кўзимдан қонли ёшимни.  
Энди топдинг тенгинг билан душингни,  
Умринг йиғлаб ўтгай бевафо золим!

Явмутларнинг куч бергайлар қўлига,  
Сира боқма, соғи билан сўлига.  
Етти туя занжир солғай бўйнига,  
Умринг йиғлаб ўтгай бевафо золим!

Мустамлакачилар ва Исфандиёрхоннинг оғир зулми туфайли халқнинг оч-яланғоч ахволга тушиб қолганини кўрган Аваз ўтар ҳам ўз шеърларида халқнинг оғир қисматини шундай куйлаган:

Йўқ жахон мулкида биздек ожизу бечора халқ,  
Зулм тиғи бирла бўлган бағри юз минг пора халқ.  
Эй, Аваз, бўлмас шунингдек барҳо оввора халқ.

Хон саройида аҳилликнинг йўқлигидан, иғво, фитна ва фисқу-фасоднинг авж олишидан рус маъмурлари ҳам манфаатдор эдилар.

Баъзида уларнинг ўзлари ҳам саройдаги воқеаларга араллашиб, атайлаб ички курашни авж олдиран, у ёки бу гуруҳни қўллаб-қувватлаш ҳисобига катта пул, беҳисоб совғаларга эга бўлардилар. Архив ҳужжатларида ва замондошларнинг эсдаликларида буни тасдиқловчи маълумотларни кўплаб учратиш мумкин. Хон ҳокимияти ички жиҳатдан заифланиб борган сари, уларни рус ҳарбийлари ёрдамига шунчалик муҳтож қилиб кўярди. Бошқача айтганда, саройда гуруҳбозлик, иғво ва фитна қанчалик авж олса, халқ норозилиги ва туркманлар бебошлиги кучая борган сари рус маъмуриятининг мустамлакачилик сиёсатини юритиши ҳам шунчалик осон кечарди. Амударё бўлимининг бошлиғи полковник Колосовскийнинг 1914 йил 31 декабрида Туркистон Генерал губернаторига ёзган хатида бу очиқчасига тан олинган эди. Ушбу хатда: - "Бизнинг Хива хонлиги саройидаги фитналарга аралашувимиз ва хон саройида девонбегилар гуруҳини тиклашимиз Вазири



акбар Исломхўжанинг қатилига бўлган сабаблардан-дир”, - деб қайд этилади<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, рус маъмурлари сарой курашига мунтазам араллашиб, у ёки бу гуруҳни рағбатлантириб жуда катта бойлик орттириб келдилар. Зеро, марказий ҳокимиятнинг инкйрози туфайли, нафақат маҳаллий ҳукмдорлар, шунинг-дек, рус маъмурлари ва ҳарбийлари орасида ҳам хиёнат, сотқинлик, порахўрлик одат тусига кириб қолган эди. Россия императори ва унинг сарой амалдорлари, Туркистон Генерал-губернаторидан тортиб то унинг жойлардаги ҳокимларигача порахўрлик билан шуғулланиб келганлар.

“Бер порани, ўлдир фуқарони” деган мақол айнан ўша даврда яратилган десак хато бўлмаса керак. Хонликда одат тусига кирган ана шу ярамас иллат хазинага ҳам, фуқароларнинг моддий ахволига ҳам жуда катта зиён етказди. Хонликда адолат ва шариат қоидалари кўпол равишда бузилди, ноҳақлик ва фуқароларни моддий ва маънавий жиҳатдан таҳқирлаш юқори чўққига чиқди. Россия ҳукумати эса адолатсизликка чек қўйиш ўрнига, уни атайлаб авж олдирди. Бунинг бадалига рус маъмурлари ва ҳарбийларига ҳар йили хон хазинаси ва амалдорларнинг шахсий бойликларидан беҳисоб қимматбаҳо совға ва пуллар сувдек оқиб келиб турди. Архив ҳужжатларида буни тасдиқловчи маълумотлар кўплаб учрайди. Шу ҳужжатларнинг бирида Исфандиёр тўранинг 1901 йили Петроград сафарида подшо Николай II га топширган совға-саломларининг тўла рўйхати келтирилган. Булар тубандагича: Хиванинг моҳир усталари томонидан ишланган нақшинкор тилла лаган, тилладан ясалган ва қимматбаҳо тошлар қадалган 2 та қилич, унинг ғилофи ҳам тилла билан безатилган, тилладан ясалган 2 та шамшир-ханжар, унинг юзига ва ғилофига ҳам қимматли тошлар қадалиб, безатилган. Яна, кумушдан ясалиб, тилла суви ва қимматли тошлар билан безатилган 7 та қилич, 9 та

---

<sup>1</sup> “Маърифат ёғдуси”, 2001, №1, 65-бет.

кумуш қумғон ва 9 та чиройли бўртма нақшли кумуш чойнак, 7 та бўлак, чиройли тўқилган ипак мато, ҳар бир бўлаги 24 аршиндан. Шунингдек, 9 та ипак белбоғи, ҳар бири 10 аршиндан келади, бир дона ипак гиламдўз пайшаб, хажми 3x3 аршин катталиқда, 9 бўлак юнгдан тўқилган мато, 3 та чиройли човдир гилами, хажми 6x12 аршиндан, 8 та човдир гилам паёндўзи, 2 та юнгдан тўқилган рангдор полос, хажми 1,5x26 аршиндан, 9 та ёвмут гилам-хуржуни, бир дона йўлбарс териси, 9 дона сур қоракўл териси ва бошқа нарсалар совға қилинган. Юқорида келтирилганлар подшо ҳазратларига бир йўла инъом қилинган совғалар бўлиб, агар Исфандиёрхоннинг кейинги, яъни - 1904, 1911, 1913 ва 1916 йилдаги Петроград сафарларида келтирган беҳисоб совғаларини ҳам ҳисобга олсак, Россияга хонликдан қанчадан-қанча бойликларни оқиб кетиб турганлигини тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак. Албатта, хоннинг атрофидаги амалдорлари ҳам Петроградга қуруқ қўл билан бормаганлар. Бундан ташқари, бошқа рус ҳарбий бошлиқлари ҳам Хивадан керагича совға-саломлар, поралар олиб келганлар. Жумладан, Исфандиёр тўра 1906 йили Кўҳна Урганч бозоридан битта туркман оти ва файтунни сотиб олиб, Амударё бўлимининг бошлиғи полковник Глушановскийга совға қилганлиги маълум<sup>1</sup>.

Туркистон Генерал-губернатори Куропаткин буйруғи билан 1916 йилнинг 4 октябрида Амударё бўлимининг бошлиғи полковник В.П.Колосовский фаолиятини текшириш учун махсус тафтиш комиссияси тузилади. Комиссияга полковник Волков бошчилик қилган. Тафтиш натижаси нафақат Колосовскийнинг балки ундан аввалги рус генералларининг ҳам Хива хонидан мунтазам равишда катта миқдорда пул ва бошқа қимматбаҳо совғалар олиб келганлигини тасдиқлади.

Исфандиёрхон текшириш пайтида ўзининг 1916 йил 16 декабрда Туркистон оҳрана бўлими бошлиғига берган

---

<sup>1</sup> ЎзРМДА, ф. И - 2. оп. 2, д. 62, 61-бет.

маълумотида 1914 йилдан то 1916 йил кузигача Россия ҳарбий Министри Е.Сухомлиновга фақат пул билан 400 минг сўм пора берганлигини, генерал А.С.Галкинга Янги Урганчдаги Русия-Осиё банки орқали 3200 сўм, генерал С.В.Цейльга бир йўла 200 минг сўм ва яна ҳар йили банк орқали 2 минг сўм жўнатиб турганлигини маълум қилади. Шунингдек, Исфандиёрхон Туркистон Генерал-губернатори генерал Мартсонга 10 минг сўм, полковник В.П.Колосовскийга (1914-1916 йилларда Амударё бўлими бошлиғи) 200 минг сўм нақд пул ва бошқа қимматбаҳо нарсалар берган. Полковник В.П.Колосовский эса ана шу пулдан 40 минг сўм пулни Янги Урганчдаги Русия-Осиё банки орқали ҳарбий Министр Е.Сухомлиновга жўнатган. Демак, шундан кўринадики, рус маъмурлари ва ҳарбий бошлиқлари Исфандиёрхон саройидаги мудҳиш воқеаларни бекорга рағбатлантирмаганлар<sup>1</sup>.

Рус маъмурлари ва генералларининг порахўрлиги аниқ далиллар билан тасдиқланган бўлсада, уларга нисбатан биророрта ҳам чора кўрилмайди. Аксинча, полк. Колосовскийга ўхшаган ҳарбий бошлиқлар кейинчалик ҳам Туркистон Генерал-губернаторлигида масъул лавозимларда хизматини давом эттирдилар.

Рус амалдорлари ва тадбиркорларининг яна бир фирибгарлиги шундаки, улар хоннинг ишончига кириб имтиёзли шартлар билан жуда арзон баҳода давлатга қарашли, сувга яқин ерлардан сотиб олиб, ўзларига мулк қилиб олишган ва шу ерларни маҳаллий деҳқонларга ижарага қўйиб нўмай фойда олганлар. Жумладан, Хивада яшаган рус фуқароси князь Андронников деган шахс 1913 йил декабрида ҳарбий инженер А.Б.Путилов ва полковник Ермолаев билан шерикликда Хўжаэли яқинида Лавзан канали ва Дарёлик атрофида 20 минг десатинага яқин ерни 680,5 минг сўмга сотиб олиб туркман

---

<sup>1</sup> Ўша архив. ф.И-2, оп.2, д.62, 61-62 бетлар; “Новая газета”, 8 февраль 1917 г., №113.

ва ўзбек жамоаларига ижарага кўйганлар. Князь Андронников 1914 йилда ҳам Исфандиёрхондан яна 23 минг десятина ер сотиб олганлиги маълум. Худди шу йили князь П. Голцин 40 минг таноб, П. Бахтиянцлар эса бир минг танобдан зиёд ер майдонларини узоқ муддатга сотиб олиб, ижарага кўйиб фойдаланиб келганлар<sup>1</sup>.

Исфандиёрхоннинг жабр-зулми ва ахлоқсизлигига бардош беролмаган халқ-ўзбек ва туркманлар 1915 йил охирида Кўҳна Урганч, Мангит, Гурлан, Хўжаели, Шовот, Кот ва бошқа туманларда хон ва мустамлакачиларга қарши бош кўтаришга мажбур бўлдилар. 1916 йил 14 январда шу худудларда яшаган деҳқон ва ҳунармандлар бек, ҳоким ва уламолари бошчилигида хонга арз қилиш учун Хивага қараб юриш қилдилар. Исёнчилар сафи бир минг кишидан зиёд эди. Аслида улар хонга арз қилиб, ундан ортиқча жабр-зулми ва маишатпарастликни тўхтатишни, шариат қоидаларига мувофиқ давлатни бошқаришни, мамлакатда адолатни қарор топтиришни, ҳукмдорларнинг ўзбошимчалигига чек қўйишни талаб қилмоқчи бўлдилар. Исёнчиларда ҳеч қандай қурол-аслаҳа бўлмаган, бу халқнинг ўзига хос тинч намоёниши эди. 18 январ куни улар Хива яқинидаги Раҳмонқули тўра ховлисига келиб жойлашадилар. Исёнчилар орасида Жунайидхоннинг Чорибой исмли



Карвонбоши Матвафо  
(Му-аммад Вафо) Баққалов

<sup>1</sup> ЎзРМДА, ф. И - 2, оп. 1, д. 384, 4- бет. Погорельский И.В. Ўша асар, Ленинград, 1978, с.88.

одами ва Хон Эшоннинг икки ўгли ҳам бўлган. Хонга махсус талабнома ҳам тайёрланган. Бундан хабар топган Исфандиёрхон, карвонбоши Матвафо меҳтар ва полковник В.П. Колосовскийлар дарҳол махфий кенгаш ўтказиб, исёнчиларни Хивага қўймасликка қарор қилдилар. Полковник В.П.Колосовский исёнчиларга 300 кишини қолдириб, бошқаларини тарқалиб кетишини, хон билан музокара қилиш учун ораларидан 9 вакилни тайинлашни топширади. Аммо 19 январ кечаси полковник В.П.Колосовскийнинг қуролланган ҳарбий кучлари Исфандиёрхон ва бош вазир Матвафо Баққолов талабига мувофиқ Рахмонқули тўра ҳовлисини ўраб олиб, исёнчиларнинг бошлиқларини қамоққа олдилар, бошқаларини эса зўрлик билан тарқатиб юбордилар<sup>1</sup>.

Полвонниёз ҳожи ўз эсдалигида ушбу воқеани қуйидагича ҳикоя қилади:

"Ҳибсга олинган одамлар орасида Хўжаэли қалъасининг беги Авазхонхўжа, Махмуджонхўжа, Авазбойхўжа, Қозоқ Саллох, Исамаддин эшон, Худайберганбой, Оташ мироб, Қутлимурод иноқлар, Кот қалъасидан Абдуллабек, Манғитдан Дарго бекларни тафтиш қилиб, Дарго бекнинг қарилигини ҳисобга олиб, ҳибсдан чиқариб юбордилар. Бошқа эшон ва муллаларни ҳам қайтариб юбордилар. Шунинг бирлан Исфандиёрхон ўз кайфу-сафоси бирлан машғул бўла берди. Фуқароларнинг дод-фарёди осмонга чиқди"<sup>2</sup>.

Рус генерали ҳам хон тарафида бўлганлиги боис чорасиз қолган фуқаролар туркманлар сардори Жунайидхонга ёрдам сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. Қамалганлар орасида Жунайидхоннинг одами ва туркманлар пири Хон Эшоннинг фарзандлари ҳам бор эди. Албатта, бу воқеа Жунайидхоннинг кўпдан бери режалаштирган орзусини

<sup>1</sup> ЎзРМДА, ф.907, оп.1, д.566, 38-65-бетлар.

<sup>2</sup> Полвонниёз Хожи Юсупов. Ўша асар, Урганч 2000, 70-бет.



1915-1916 Исфандиёрхонга ва рус мустамлакачиларга қарши кўратилган халқ кўзғолони.

амалга ошириш, Хивага ҳарбий юриш уюштириши учун бир баҳона бўлди.

Жунайидхоннинг асли исми Қурбон Муҳаммад сардор бўлган. У тахминан 1865 йилларда Туркманларнинг ёвмут қабиласининг Жунайид уруғида бадавлат чорвадор оилада таваллуд топган. Кейинчалик у Жунайид номини шу уруф номидан олган. Қурбон Муҳаммад узоқ йиллар ўз қишлоғида қози, сўнгра мироб вазифасида ишлаган. У ёшлигида ўта чаққон, жасур, ташкилотчи ва ҳарбий маҳоратни пухта эгаллаган шахс бўлиб етишади. Унинг қароргоҳи Тошховузга яқин Бадиркант қалъасида бўлган. 16 гектар майдонни эгаллаган ушбу қалъанинг харобаси ҳозиргача сақланиб қолган. Шу ерда Жунайидхоннинг уй-ховлисининг ўрни ҳам йўқолиб кетмаган.

1912-1915 йилларда Қурбон Муҳаммад туркманлар сардори Шомикал кўшпинида ўз одамлари билан қатнашиб хонга қарши кураш олиб борди, Хон навкарларини жангда енгиб, туркманлар орасида жуда катта шухрат қозонади. Исфандиёрхон Қурбон Муҳаммадни ўзига яқинлаштириш учун, унга "сардор" унвонини берган. 1915 йилда ёвмутлар Қурбон Му-

хаммадни ўзларига бошлиқ қилиб сайлаганлар. У шу кундан бошлаб ўзига Жунайидхон номини қабул қилади. Жунайидхон човдур ва ёвмутларни ўз атрофига тўплаб кўп сонли ва яхши қуролланган отлиқ қўшинни туза олди, бошқа туркман сардорларини жангда мағлуб қилиб, катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлди. У ўзининг жанговар қўшини билан узоқ йиллар хонга ва рус мустамлакачиларига қарши мардларча курашди.

Жунайидхон фуқаролар илтимосидан сўнг Исфандиёрхонга бир неча бор мактублар юбориб, қамоққа олинган фуқароларнинг гуноҳи йўқлигини айтиб, уларни ҳибсдан озод қилиб юборишини сўради. "Агар ушбу талаб бажарилмаса, у вақтда Хивага қарши юриш қилинади, ўз фуқароларингиздан гина қилмассиз", деб огоҳлантиради. Бироқ, мактублар жавобсиз қолаверди. Шундан сўнг Жунайидхон 3 минг кишилиқ яхши қуролланган отлиқ қўшини билан Хивага қараб юриш бошлайди. Жунайидхон қўшини сафига ўз қуроллари билан хондан норози бўлган, номлари юқорида қайд этилган қалъаларнинг аҳолиси ҳам келиб қўшилади. Аввало Жунайидхон қўшини Янги Урганч, Хонқа ва Янгиариқ қалъаларига ҳужум қилади, кўп қишлоқлар талон-тарож қилинади. Янги Урганч ва Хонқа ҳокимлари 50 минг тилладан Жунайидхонга жарима тўлаб, ўз жонини омон сақлаб қолдилар. Шундан сўнг Жунайидхон сарбозлари Хивага ҳужум қилиб, уни етти кун қамал қилдилар. Сўнгра улар гўмёсқа дарвозаси орқали қалъага бостириб кириб, шаҳар аҳолиси, айниқса, бадавлат оилаларни талай бошлаганлар. ўша пайтда Хивада полковник Колосовский бошиқ 50 га яқин рус аскарлари бўлган, улар ҳам хоннинг Нуруллабой саройи, ҳарбий қазарма, почта-телеграф биноса ва касалхонани кўриқлаганлар. Шаҳарда рус қўшини ва туркман сарбозлари ўртасида шиддатли отишмалар бўлган. Рус аскарлари камчил бўлганлиги боис қалъани сақлаб қололмадилар. Туркманлар Нуруллабой саройига бостириб кириб, хонни кўлга олдилар. Исфандиёрхон Жунайидхон шартларига розилиқ билдирди ва 36 минг тилла жарима тўлаш ҳисобига ўз жонини сақлаб қолади. Қамоққа олинганларнинг барчаси озод қилинади. Жунайидхоннинг талаби билан хон ўзининг яқин одамла-

ридан бош вазир Матвафо Баққаловни, Абдуллажон девонбеги ва ғодирварган махрамни (Ашир махрамнинг иниси, унинг ўзи эса у ўша пайтда шаҳарда бўлмаган) унинг қўлига топширади. Ифвогар, фитначи, саройдаги кўп қотилликларнинг сабабчиси бўлган бу кимсалар қилмишларига яраша худонинг ғазабига учрадилар. Уларнинг барчаси Хиванинг Ангариқ дарвозаси олдида Жунайидхон томонидан отиб ташланди<sup>1</sup>. "Ҳар ким экканини ўради", "Ўзи қозғон чуқоққа ўзи йиқилади", деганлари шу бўлса керак.

Хуллас, Исломхўжа ва унинг бегуноҳ фарзандлари ва оғаниларининг қотиллари ана шундай жазосини топди. Кейинчалик эса маишатпараст, ифвогар Исфандиёрхон ҳамда унинг Шихназарбой ва Ашир махрамга ўхшаган фитначи амалдорларининг тақдири ҳам шундай фожеали яқунланди. Исфандиёрхон билан Шихназарбой ва Ашир махрамлар ўртасидаги алоқа бузилиб, уларнинг орасига совуқлик тушади Хон қаттиқ хафа бўлиб, рус маъмурлари ёрдамида уларни қамоққа олдиради. Шихназарбой ясовулбоши 1915 йил августида Туркистоннинг Черняев шаҳрига, Ашир махрам эса Авлиёотага сургун килинади. Улар 18 ой сургунда бўлдилар. Сургундан қайтгач, Шихназарбой Исфандиёрхон томонидан захарлаб ўлдирилган. Ашир махрам бўлса 1918 йил май ойида Исломхўжанинг ўғли Абдусаломхўжа, иниси Исҳоқхўжа ва бошқа бегуноҳ одамларнинг ўлимига сабаб бўлганлиги учун Жунайидхоннинг одамлари томонидан ўз уйида бўғизлаб ўлдирилади, молу мулки эса туркманлар томонидан таланади.

Хивадаги кўзғолондан хабар топган Туркистон Генерал-губернатори 1916 йил 11 февралда тезлик билан Хивага генерал А.С.Галкин бошчилигида жазо отряди юборади. 1916 йил 11 февралда Тошкентга Петрограддан Ташқи ишлар министри Сазонов ва ҳарбий министр Сухомлинов номидан телеграмма юборилади. Телеграммада генерал Галкинга махсус топшириқлар берилади. "Туркманларнинг ҳозирги

---

<sup>1</sup> ЎЗРМДА, ф.461, оп.1, д.1781, 33-34 бетлар, Болтаев Абдулла, ўша кўлөзма, 68-бет.



кўтарилиши уларга нисбатан кўнгилчанликнинг натижасидир. Бу гал уларга шафқатсизлик сабоғини кўрсатмоқ даркор. Шиддат билан ҳаракат қилинсин. Бирор хатога асло йўл қўйилмасин. Хоннинг заифлашиб қолган ҳокимиятини мустаҳкамлаш лозим", деб топшириқ берилади. Генерал Галкин 15 февралда Хивага етиб келади. Топшириққа мувофиқ кўзғолончи туркманларни ва ўзбекларни жазолаш бошланади. Генерал Галкиннинг жазо отряди икки ярим ой давомида шаҳар ва қишлоқларни оралаб, кўзғолончилардан вашийларча ўч олдилар, уларнинг кўплари отилди, уй-жойларига ўт қўйилди ва молу мулклари талон-тарож қилинди. Фақат Хўжаэлида кўзғолончиларнинг Авазхўжа бошлиқ 8 нафар раҳбарлари, шу жумладан Авазбойнинг укаси Маҳмудхўжа ва таниқли Исмаддин Эшон ҳам отиб ташланди. Хонлик аҳолисидан 1916 йилги кўзғолонда иштирок қилганлари учун 3500 минг сўм жарима ундириб олинди<sup>1</sup>. 1916 йил Хоразм тарихига "Галкин йили" номи билан киритилди.



Шуни таъкидлаш лозимки, 1917 йил октябрида Петроградда юз берган давлат тўнтаришидан сўнг Хива хонлиги ва Амударё бўлимида ҳам сиёсий вазият кескин ўзгарди. 1918 йил январидан Амударё бўлимида ҳокимият Советлар қўлига ўтди. Тез орада муваққат ҳукуматнинг генерал И.М.Зайцев бошлиқ казак отряди ҳам Хивадан чақириб олинади. Шу билан Исфандиёрхон ўзининг охириги таянч кучларидан маҳрум бўлади. Эндиликда Исфандиёрхонга оғир кунларда мадад бўладиган биронта ишончли куч қолмади. Айни вақтда Хиванинг ўзида хон ҳокимиятига қарши ёш Хиваликларнинг илғор демократик ҳаракати, Кўҳна Урганч, Кўнғирот, Хўжаэли, Тахта, Пурси бекликларида халқ кўзғолонлари бошланиб кетди. Ана шундай мураккаб вазиятда Исфандиёрхон учун ўз ҳокимиятини сақлаб қолишда туркманлар сардори Жунайидхондан бўлак мададкор куч қолмаган эди. Исфандиёрхон 1918 йил 22 январидан Жунайидхонни таклиф қилиб, мамлакатни биргаликда идора қилишга ва Советларга қарши биргалашиб

---

<sup>1</sup> ЎзРМДА. ф.И-2, оп.2, д.516, 44-бет.



**Хива. Мохи Рӯй Жаҳон қабристони.  
Хива хони Сайид Муҳаммадхон, Сайид Муҳаммад Раҳимхон  
Феруз, бош вазир Ибройимхўжа, Исломхўжа ва Исоқхўжа  
мақбаралари шу ерда жойлашган.**




Хива. Чап томонда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз,  
марказда отаси Сайид Муҳаммадхоннинг қабрлари.  
Нақшинкор сағаналари.

кураш олиб боришга рози қилади. Натижада Хивада ўзига хос икки ҳокимиятчилик қарор топди. Бироқ ҳокимиятнинг бутун тизими Жунайидхон ва унинг одамлари кўлига тўпланади. Исфандиёрхон бўлса Жунайидхон кўлидаги оддий кўғирчоқ хон бўлиб қолди. Жунайидхонга энди ўз халқи олдида обрў-эътиборини йўқотган, ахлоқсиз, маишатпараст хон керак эмас эди. Дархақиқат, Исфандиёрхон 1918 йил 1 октябрида ўзининг ёзги Нуруллабой саройи олдидаги ҳовуз бўйида Жунайидхон одамлари томонидан бўғизлаб ўлдирилади. Нуруллабой саройидаги барча бойликлар шу куниёқ туркманлар томонидан талон-тарож қилинган. Хонни Исломхўжа ўлимига рағбатлантирган қайнотаси Иброҳимхўжа ва Рўзмуҳаммад махрамлар ҳам шу куниёқ туркманлар томонидан отиб ташланган, уларнинг барча молу дунёси таланиб, туркманлар томонидан олиб кетилган. Шундан сўнг бутун ҳокимият Хивада Жунайидхон кўлига ўтди. Юзаки жиҳатдан Хива тахти кўғирчоқ хон Сайид Абдуллахонга топширилади. Полвонниёз Хожи эсдаликларида Исфандиёрхоннинг фожеали ўлими куйидагича баён қилинган: "Жунайидхон ўғли Эшшини Исфандиёрхоннинг махрамлари бирлан ўлдириш учун Хивага юборди, ўзи эса Хива яқинидаги Қовуқ қишлоғига келиб жойлашади. Дарҳол бошлиқ Эшши, Ушоқбек ва бошқа саркардалар келиб, отларини қазармада қўйиб, ўзлари қалъага келиб, хар ерда меҳмон бўлганлар. Андин сўнг баён бўлган

саркардалар Нурлабойга келганлар. Фуқароларнинг орзи тавом бўлгандан сўнг Давлатмурод ясовулбошига айтганлар, - "Хондин жавоб олгин, бизлар кириб кўрамиз", - деб. Ясовулбоши жавоб олиб, ёвмутларни бирга олиб кирган. Ёвмутлар ўз одатлари бўйича хон бирлан кўришганлар. Ичларидин бировга топшириб қўйганлар. У хон бирлан кўрушиб, уни маҳкам тутиб, кийимларини чиқариб олиб, пичоқ бирлан бир неча мартаба санчиб, нимбисмил қилиб ташлаган. Бу воқеани кўруб хон олдида турган маҳрам, хизматкорлари қочиб кетганлар. Хоннинг жасади ёнида ҳеч ким қолмаган Туркманлар ташқарига чиқиб Иброхимхўжа ҳамда Рўзмуҳаммад маҳрамларни ҳам отиб ўлдирганлар". (Полвонниёз ҳожи Юсупов, ўша асар, 176 бет). Исфандиёрхоннинг жасади "Абул Вафайи Хоразмий" қабристонига дафн этилган.

Шундай қилиб, Исломхўжа ва унинг яқинларининг беғуноҳ ўлимига сабаб бўлган ноқобил ҳукмдор Исфандиёрхон ҳам худонинг ғазабига учради ва ўзи ташкил этган фитна, иғво ва қотилликларнинг қурбони бўлди.



Хива. Мохи Рўй Жаҳон. Сайид Исломхўжанинг нақшинкор мақбораси. 1913 йил.

## 5-§. XX аср бошларида Хива хонлигида рўй берган сўнгги воқеалар

XX асрнинг дастлабки ўн йиллиги Шарқ ва Европанинг айрим давлатларида бўлганидек, Хива хонлигида ҳам суронли воқеаларга бой бўлди. Россия, Туркия, Эрон, Хиндистон каби давлатларда илғор кишилар орасида жамиятни янгилашга қаратилган ислохотчилик ҳаракатининг кенг қулоч ёйганини кўрамиз. 1905-1907 йилларда Россияда, 1908-1909 йилларда бир қатор Шарқ мамлакатларида юз берган инқилобий ҳаракатлар таъсирида Туркистон, Бухоро ва Хива хонлигида ҳам демократик ислохотлар тарафдори бўлган янги ижтимоий ҳаракат - жадидчилик ҳаракати бошланиб кетади. Даставвал маданий-сиёсий ва маърифий оқим сифатида юзага келган бу ҳаракат кейинчалик ривож топиб ёш турклар ва ёш бухороликлар каби "ёш хиваликлар" номи билан машҳур бўлди. Тепасида Сайид Исломхўжа бошчилик қилган Хива жадидлари мўътадил ислохотлар ёрдамида хонлик ҳокимиятини маълум даражада чеклаган ҳолда мамлакат ҳаётининг муҳим соҳаларида туб ўзгаришлар ясаб, уни илғор давлатлар даражасига чиқаришга ҳаракат қилдилар. Аммо бош вазир Исломхўжа ва сафдошлари бошлаб берган бу тараққийпарварлик ҳаракати аксил кучларнинг қаттиқ қаршилигига учради. Исломхўжа ва унинг бир қанча яқин кишилари душманлар қўлида қатл қилинди. Лекин, шунга қарамай Исломхўжа томонидан олға сурилган ислохотчилик ғояси кўпчилик илғор кишилар қалбида чуқур ўрин олдики, энди уни тўхтатиб қолиш амри маҳол эди.

1917 йил февралда Россияда юз берган инқилобий ўзгариш ва подшо Николай II нинг тахтдан афдарилиши ҳақидаги хабарни Хивада ҳам кўпчилик катта хурсандчилик билан кутиб олди. Улар ушбу воқеага мамлакатни Россия империяси асоратидан холос қилади, фуқароларга озодлик ва эркинлик бахш қилади, деган умидворлик билан қарадилар. Бу тарихий воқеа айниқса Хива жадидлари фаолиятига

жуда катта таъсир кўрсатди. Айнан феврал инқилобидан кейин Хивадаги жаидчилик ҳаракати ўз тараққиётининг янги босқичига, яъни "Ёш хиваликлар" номи билан аталган босқичига қадам қўяди. 1917 йил апрел ойи бошларига келиб ёш хиваликлар Хивадаги либерал демократларнинг сиёсий партияси сифатида майдонга келади, ташкилий ва ғоявий жиҳатдан шаклланади, ҳамда ўз дастурини ишлаб чиқади. Эндиликда бу ижтимоий-сиёсий ҳаракатнинг таркиби анча кенгайди, унда илғор маърифатпарвар зиёлилар, руҳонийлар, мулкдорлар, савдо-тижоратчилар, ҳунармандлардан ташқари, илгари муҳолифатда бўлган айрим сарой амалдорлари ҳам иштирок этади. Полвонниёз ҳожи Юсупов, Бобо Охун Салимов, Ҳусайнбек Матмурод девонбеги ўғли, Мулла Жуманиёз Султонмуратов, Нозир Шоликаров, Худайберган Девонов, Отожон Сафаевлар ёш хиваликларнинг етакчи раҳбарларидан бўлган. (Полвонниёз ҳожи Юсупов, "Ёш хиваликлар тарихи", Урганч, 2000, 77 бет).

Ёш хиваликлар ҳаракати мамлакатда демократия ва ижтимоий тараққиёт йўлини танлаган. Бу жаидчилик ҳаракатининг бевосита давоми эди. Подшо самодержавиясининг ағдарилиши ёш хиваликларнинг демократик ислоҳотчиликка бўлган ишончини янада мустаҳкамлади. Ёш хиваликлар ташаббуси билан хонликнинг Хива ва бошқа шаҳарларида кўп кишилиқ йиғилишлар ва намойишлар ташкил этилди. Ана шундай намойишлардан бири 1917 йил 4 апрел куни Хива шаҳрида бўлиб ўтди. Ёш хиваликлар томонидан уюштирилган ушбу намойишда кўпчилик шаҳарликлар, ҳунарманд, савдогарлар ва Хивадаги рус ҳарбий гарнизонининг аскарлари иштирок этдилар. ҳурриятпарвар намойишчилар қўлларида "Йўқолсин зўрлик, жабр-зулм, зўравонлик, яшасин ҳуррият!", - деб ёзилган шиорларни кўтариб чиқдилар. Улар 1917 йил 5 апрелида Хоннинг Нуруллабой саройига қараб йўл олдилар. Ёш хиваликлар ўз мақсадларини тинч йўл билан амалга оширмақчи бўлдилар. Хон билан музокара олиб бормоқ учун намойишчилар орасидан 17 кишидан иборат вакил сай-

ланди, улар асосан ёш хиваликлардан иборат эди. Ёш хиваликлар раҳбари Полвонниёз ҳожи Исфандиёрхонни сарой ичкарасидан чақиртириб: "Тақсир подшоҳим, ушбу келган содиқ фуқароларингиз сиздан шариатга мувофиқ ҳуррият-озодлик сўраб келдилар"<sup>1</sup>, деб мурожаат қилади. Хон олдида шошилини равишда Полвонниёз ҳожи ва Шокир Тенесов томонидан тайёрланган Манифестга имзо чекиш, бир гуруҳ сарой амалдорларини ҳибсга олишга руҳсат бериш ва яна бошқа бир қатор вазифалар қўйилди. Хон ноиложликдан Манифестни маъқуллашга мажбур бўлди. Унга Исфандиёрхон, қози Худайберган, қози Хикматилла Эшон, аълам Иброҳим охунларнинг қўли қўйилиб, исми ёзилган муҳрлари босилди. Шунингдек, ҳурриятпарвар намойишчилар талаби билан сарой амалдорларидан Иброҳимхўжа, Ашир маҳрам, Ота маҳрам ва Рўзмухаммад маҳрамлар шу заҳотиёқ қамоққа олиндилар<sup>2</sup>. Биз ушбу жойда хон томонидан имзоланган Манифестнинг тўла матнини беришни лозим топдик. Еттита моддадан иборат Манифестнинг тўла матни марҳум Абдулла Болтаевнинг эсдалик дафтаридан олинди. Унда тубандагилар ёзилган<sup>3</sup>:

Тарих хижрий 1335 ланчи йили, жумадул-аввалнинг 25-куни эдиким, милодий ҳисобнинг 1917 йили апрел ойининг бешланчи кунда ман Хива хони Исфандиёр Баходирхон тубанда ёзилган ўзимнинг хоҳишимни эълон қиламан:

1. Аввало манинг содиқ фуқароларимга идоройи машрутия (парламент А.С.) бердим, токи манинг содиқ фуқароларим ўзлари хоҳлаганча мамлакатни шаърий шарифга мувофиқ ва замон тақозосига мувофиқ идора қилсунлар. Чунончи ўзлари хоҳлаганларича, муҳими фуқароларнинг

---

<sup>1</sup> Полвонниёз Ҳожи Юсупов. Ёш хиваликлар тарихи. Урганч, 2000, 78-79-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар, 81-82 бетлар.

<sup>3</sup> Болтаев Абдулла. Хива хонлиги тарихидан материаллар, қўлёзма, 73-бет.

маслаҳати билан сайлов қилиб ҳукумат ишларига ўзлари хоҳлаган одил одамларни тайин қилсинлар.

2. Манинг фуқароларим давлатни идора қилмоқ тўғри-сида мутлоқ шаърий шарифга мувофиқ адолат билан иш қилсунлар.

3. Ўз фуқароларимга озоди мусават ҳуррият бердим. Токи фуқароларим бир-бирига биродар бўлиб фароғат ва осоиш-та яшасинлар.

4. Хива давлатининг вазирлик ва маъмурлик лавозим-ларига фуқароларнинг хоҳлаган ва сайлаган диёнатли ва адо-латли одамларидин кўйсинлар. Фуқаролар хоҳламаган вазир-лар ва маъмурларни, қалъа ҳокимларини дафатчи мансабла-ридин ғозил қилиб, агар хоинликлари зоҳир ва зобит бўлса, шаърий шарифга мувофиқ жазога гирифтор қилсунлар.

5. Жамиғ маъмурларга ва сипоҳийларга, вазиру подшо-лиғ хизматида бўлган одамларнинг ҳар қайсиларига хизма-тига лойиқ подшолик хазинасидан маош берсинлар.

6. Хива давлатининг молия ишларини идора қилмоқ учун хазина таъсис қилсинлар. Давлатнинг барча даромадлари мазкур подшолиғ хазинасига топширилиб, фақат ҳукумат маршрутиянинг (парламент А.С.) амирлари билан шаърий шарифга мувофиқ сарф қилсинлар.

7. Вазири маъмурларнинг устидан назорат қилмоқ учун ва юқорида баён бўлган манинг фармоишимни бажо қил-моқ учун Муваққат кўмита тайин қилсинлар. Мазкур одам-лар фуқаролар тарафидин сайлангунча Хива табақаси фу-қароларининг ўзлари идора қилиб турсинлар, деб фуқаро-ларим осоиши ва фароғатлиги билан таъмир кўчириб бош-қадин халқлар орасида ўзларига муносиб ўрин тутарга кўшиш қилсинлар, деб Хивак дарул салтанасида ушбу хат маркум бўлди".

Манифест мазмунини таҳлил этар эканмиз, унда Ис-ломхўжа томонидан ишлаб чиқилган, лекин ниҳоясига ет-май қолган ислоҳот дастурларининг чуқур ақс этганлиги-ни кўриш қийин эмас. Ёш хиваликлар ишлаб чиққан ушбу Манифестда ҳали хон ҳокимияти ва йирик феодал ер эга-



лигини тутатиш масаласи кўзда тутилмаган эди. Унда Хивада конституцион монархияни қарор топдириш, мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, халқ маорифи ва маданий ҳаётнинг етакчи соҳаларини ислоҳ қилиш мақсад қилиб қўйилган. Исфандиёрхон яна Исломхўжа вафоти муносабати билан тўхтаб қолган темир йўл, почта, телеграф, касалхона ва жойларда янги усул мактаблари очилишини давом қилдиришга ҳамда Хивага четдан китоб, газета ва журналларнинг келтирилишига розилик билдирди.

Дарҳақиқат, Хивада конституцион монархия қарор топди. Хоннинг ҳуқуқи қонун билан чеклаб қўйилди. Хон ҳазинаси янги ҳукумат назорати остига олинди. Ижройи ҳокимият сайлаб қўйиладиган Мажлис (Парламент) ва Нозирлар Кенгаши ("Идоройи машрутия") қўлига ўтди. Янги ҳукумат таркибига жойлардан, турли табақа вакилларидан 49 киши сайлаб қўйилди. Шунингдек, унга туркманлардан ҳам вакил кирди. Ҳукуматда ёш хиваликлардан 17 киши фаолият кўрсата бошлади. Ёш хиваликлардан Бобо Охун Салимов Мажлис раиси, Ҳусайнбек бўлса Нозирлар Кенгаши раиси қилиб сайланди<sup>1</sup>. Хон ёш хиваликлар талаби билан сарой аъёнларидан Ибраҳимхўжа, Ашир маҳрам, Ота маҳрам, Рўзмуҳаммад маҳрам, Шихназарбой ясовулбошилар ўз вазифаларидан туширди. Улар уй қомоғига олинди. Ёш хиваликлардан 5 киши турли Нозирликларга бошлиқ этиб, яна 5 киши эса муовин қилиб сайланди. Шундай қилиб бу ўзгаришлар мамлакатнинг ислохотлар ва демократик ўзгаришлар йўлига қадам қўйганлигини кўрсатади. Аммо ёш хиваликларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Чунки Исфандиёрхон ноилож қолгандагина ёш хиваликларга қисман ён беришга мажбур бўлган эди<sup>2</sup>. Аслида у ҳокимиятни ёш хиваликлар билан шерикликда идора қилишни ҳамда чексиз ҳокимиятини назорат остига олинишини мутлақо

<sup>1</sup> Половонниёз Хожи Юсуфов. Ёша асар, 85-бет.

<sup>2</sup> Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Ташкент "Шарқ", 2001, 289-290.

истамасди. Исфандиёрхон ёш хиваликлардан ўч олишни ва қулай фурсат келишини кутарди. Зеро, хон ҳокимияти ҳали анча бақувват эди. Сарой амалдорлари, маҳаллий ҳокимлар, беклар ва руҳонийлар орасида хонни қўллаб-қувватлаётганлар оз эмас эди. Россия Муваққат ҳукумати ва унинг Туркистондаги гумашталари ҳам Исфандиёрхоннинг мутлоқ ҳокимиятини ва Хивада феодал тартибларини сақлаб қолинишидан манфаатдор эдилар.

1917 йил июнь ойи ўрталарида Исфандиёрхон Муваққат ҳукуматнинг Хивадаги вакили генерал Мирбадалов ҳамда бир гуруҳ амалдорлар ва мутаасиб руҳонийлар-Раҳмонқули иноқ, Худайқули тўра, Муҳаммад Ризо тўра, Тўфиқ афанди, Абдураҳмонбой Баққолов, Ортиқ Охун, Ҳожибой Аминбой ўғли, Машариф Эшон ва бошқаларнинг ёрдамида ёш хиваликларнинг ҳукумат таркибидаги 17 нафар таниқли раҳбарларини қамоққа олдирди. Шунингдек, Нозирлар Кенгаши раиси Ҳусайнбек ва Бобо Охун Салимов ҳам уй қамоғига олинди<sup>1</sup>.

Ёш хиваликлар устидан махсус шикоят ҳати уюштирилиб, унга бир юзга яқин оқсоқоллар, мулла эшонларга қўл қўйдирилган. Шикоят хатида ёш хиваликлар динсизликда, худога, шариатга шак келтирганликда айбланиб, уларни оғир жазога тортиш талаб этилади. Қамоққа олинган ёш хиваликларнинг айримлари отиб ташланади. Мажлиснинг эски таркиби тарқатиб юборилади. Уларнинг ўрнига хонга тарафдор бўлган амалдорлар, йирик ер эгалари ва руҳонийлар мажлисга аъзо қилинади. Ортиқ Охун-Мажлис раиси, Исҳоқхўжа эса - Нозирлар кенгаши раиси қилиб сайланади.

— "Мажлисида мустабид хон тарафдорлари кўп бўлди, улар ҳар бир масалада ғолиб бўлганлар", - деб гувоҳлик беради Полвонниёз ҳожи.

Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети хон ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва тартибсизликларни бартараф

---

<sup>1</sup> Ўша асар, 290-бет.

этиш мақсадида полковник И.М.Зайцев бошчилигида махсус казак ҳарбий кучларини Хивага юборди. Унга ҳарбий комиссарлик вазифаси юклатилади. Шу билан Хивада сиёсий вазият янада кескинлашиб кетади. Ёш хиваликларга, хурриятчиларга ва исёнчиларга қарши жазо чоралари кучайтириб юборилади. Полвонниёз ҳожи, Назир Шоликаровлар қози судига берилади. Суд Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси биносида бўлиб, унда Ортиқ Охун суд раиси, Қози Ҳикматилла эшон, Давлат Охун ва яна ўн икки муфти ҳамда даъвогарлар иштирок этган. Полвонниёз ҳожи ва унинг сафдошлари гўё "Бозор майдонида шариат йўқ, масжид, мадраса йўқ, - хон йўқ, деган сўзлар билан шариатни ҳақоратлади", - деган тухмат билан айбланадилар. ҳатто, буни тасдиқловчи гувоҳлар ҳам тайёрланган. Мабодо шу тухматни тасдиқланса, айбдорларни ўлим жазосига ҳукм қилмоқчи эдилар. Аммо, иш уларнинг кутганича бўлмади. "Олло сақласин, ман ҳеч вақт шариат йўқ, деб айтганим йўқ. Иншоолло Олло Таоло инқироzi оламгача барпо бўлиб турмоққа манинг имоним комил турур. Яна ушбу арзгўй биродар айтурлар: масжид, мадраса, хон йўқдур, деб, Бул сўзлар бутун бўҳтон, ёлгон турур. Нечунким, ушбу ўлтурғон ерингиз мадраса турур, ул турғон масжид турур, хон хазратлари бўлса Нурлабойнинг ховлисида турурлар, албатта жаноблари кўриб келган бўлсалар керак, деб жавоб бердим", деб ҳикоя қилади Полвонниёз ҳожи. Назир Шоликаров бўлса, ўзининг рус фуқароси эканлигини, қози судининг унга даҳли йўқлигини асослаб беради. Жамоатчилик ва хурриятпарвар рус аскарлари ғазабидан қўрққан шариат пешволари бирор чора тополмай, "айбдор"ларни озод қилиб юборишга мажбур бўладилар<sup>1</sup>. Омон қолган ёш хиваликлар хоннинг таъқибидан қўрқиб турли шаҳарларга қочиб, бошпаноҳ топдилар. 1917 йил ноябр-декабр ойлари-

---

<sup>1</sup> Полвонниёз Ҳожи Юсупов. Ёш хиваликлар тарихи. Урганч, 2000, 139-140 бетлар.

да Полвонниёз ҳожи ва Назир Шоликаровлар Тошкентга, Мулла Жуманиёз Султонмуратов ва сафдошлари Тўртқўлга, бошқалари Чоржўй ва Марв шаҳарларига келиб, ёш хиваликлар ташкилотларини тузиб, Хивадаги хурриятпарварлар билан махфий алоқаларини давом қилдирдилар. Аммо Исфандиёрхон 1918 йил май ойида Жунайидхон ёрдами билан ёш хиваликлар ҳамда Идоройи Машрутия аъзоларидан - Исҳоқхўжа, Ҳусайнбек, Толибхўжа ва Абдурасулхўжаларни қатл қилдиришга эришади<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, Хива жадидлари-ёш хиваликларнинг феврал инқилоби таъсирида ислохотлар ёрдамида мамлакатни тинч, демократик йўлдан ривожлантиришга қаратилган навбатдаги ҳаракати ҳам бостирилди. Ушбу воқеалар муҳолифатчи ёш хиваликларнинг анча заиф эканлигини, халқ орасида ҳали уларнинг етарли таянчга эга эмаслигини кўрсатди. Албатта, бунда эркинлик ва демократия ваъда қилиб, амалда хоннинг мустабид ҳокимиятини қўллаб-қувватлаган Муваққат ҳукуматнинг хиёнати ва сотқинлиги ҳам муайян рол ўйнади.

Ана шу воқеалардан сўнг ёш хиваликларнинг бир гуруҳи фаол сиёсий курашдан воз кечди, бошқа бир гуруҳи бўлса кураш услубини кескин ўзгартирди. Улар хон ҳокимияти ва мустабид феодал истибдодини большевиклар ёрдамида, қурол кучи билан ағдариб ташлаш, шу йўл билан мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишга қарор қилдилар.

1917 йилнинг октябрида Россияда, ноябр ойи бошларида эса Тошкентда юз берган давлат тўнтаришидан сўнг ҳокимият большевиклар қўлига ўтди. Шу муносабат билан Хивада ҳам сиёсий жараён кескин ўзгариб кетди. РСФСР ва Туркистон шўролар ҳукумати Хива хонлигини мустақил давлат деб тан олганлигини билдирди. Бироқ, Россия-

---

<sup>1</sup> Ўша асар, 168-бет.

да юз берган сиёсий ўзгаришлардан сўнг Хива хони ўзининг Россиядек ҳарбий - сиёсий таянчидан маҳрум бўлди. Шу билан хонликда сиёсий кучлар нисбати ҳам ўзгариб кетди. 1917 йил ноябрида Исфандиёрхон мажлисни батамом тарқатиб юборди. ҳамма жойда ёш хиваликлар ва хурриятпарвар кучларга қарши оммавий жазо чоралари кучайиб кетди. Шунга қарамай Исфандиёрхон энди ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш имконига эга бўлолмади<sup>1</sup>.

1917 йил декабр - 1918 йил январ ойларида Амударё бўлимида, Тўрткўлда ҳам ҳокимият шўролар қўлига ўтди. ўша пайтда Хивадаги рус пиёда аскарлари ва казак ҳарбий қисмлари орасида хонга ва рус ҳарбий бошлиқларига қарши норозилик намоёнликлари авж олади.

Хонликнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида, айниқса, Кўнғирот, Қипчоқ, Кўҳна Урганч, Манғит, Гурлан ва бошқа ҳудудларида зулм ва зўровонликка қарши халқ кўзғолонлари бошланди, улар бойлар, ҳокимлар ва солиқ йиғувчиларнинг уйларига ўт қўйиб, молу-мулкларини талон-тарож қила бошладилар. Хон истибдодига қарши бўлган ғалаёнлар туркманлар, қозоқ ва қорақалпоқлар орасида ҳам кучайди. Ана шундай бир мураккаб шароитда полковник И.М.Зайцев бошчилигидаги казак кўшинлари 1918 йил бошларида Хивадан чақриб олинади. Шу билан Исфандиёрхон ўзининг охириги таянчидан ҳам маҳрум бўлиб қолади. Энди Исфандиёрхон учун туркманлар сардори Жунайидхондан бўлак мададкор куч қолмади.

Ўша пайтда Эрондан қайтиб келган Жунайидхон хондан норози бўлган туркман ва ўзбекларни ўз атрофига йиғиб, катта кўшин тўплаётган эди. Исфандиёрхон 1918 йил 22 январда Жунайидхон олдига нуфузли мулла-эшонларни юбориб, уни музокара қилиш учун Хивага таклиф қилади. Улар хонликни бирга идора қилишга ва большевикларга

---

<sup>1</sup> Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости, Ташкент, "Шарқ", 2001, стр. 296.

қарши биргалашиб курашишга аҳдлашиб олдилар<sup>1</sup>. Жунайидхонни Исфандиёрхон бутун Хива қўшинларига бош қўмондан қилиб тайин қилади. Узоқ вақтдан буён Хивада ҳокимиятга давогар Жунайидхон учун бу келишув фойдадан ҳоли бўлмади. Аммо ўз халқи олдида обрў - эътиборини йўқотган Исфандиёрхон Жунайидхонга энди керак эмас эди. 1918 йил 1 октябрда Исфандиёрхон Жунайидхон томонидан пинхона қатл қилинди ва Хива тахтига унинг акаси Сайид Абдуллахон ўтқазилди<sup>2</sup>. Сайид Абдуллахон иродасиз, касалманд бўлганидан Жунайидхон қўлида оддий қўғирчоққа айланиб қолди. Хивада танҳо ҳукмронлик Жунайидхоннинг қўлига ўтди. Жунайидхоннинг қуролли қўшини 10 минг кишидан ошди. Унинг ҳукмронлиги ҳам Хива аҳолисига бирор енгиллик келтирмади, аксинча, зулм ва бебошлик ҳаддан ошиб кетди.

1918 йил сентябр - 1919 йил март ойларида Жунайидхон Амударё бўлимидаги большевикларга қарши бир неча марта ҳарбий юриш уюштирди. Аммо бу ҳарбий ҳаракатлар натижа бермагач, Жунайидхон большевиклар билан сулҳ музокаралари бошлашга мажбур бўлади. 1919 йил 7 апрелда Жунайидхоннинг Тахта қалъасидаги қароргоҳида Жунайидхон билан Туркистон Марказий Ижроия қўмитаси вакили А.Н.Христофоров ўртасида музокара бошланди ва сулҳ шартномаси имзонланди<sup>3</sup>.

Аммо, ушбу сулҳ шартномаси қоғозда қолди, ҳар иккала томон ҳам уни бажаришга етарли эътибор қилмади. Большевиклар ҳукумати сўзда Хивани мустақил давлат деб тан олсада, амалда унинг ички ишларига аралаша бошлади. Улар хонга қарши барча муҳолифатчиларни бирлаштира бошладилар. Тўрткўлдаги ёш хиваликлар ёрдамида туркманларнинг уруғ-қабилла бошлиқларидан

---

<sup>1</sup> Ўша асар, 297-298-бетлар.

<sup>2</sup> Полвонниёз Хожи Юсупов. Ўша асар, 177-бет.

<sup>3</sup> ЎЗРМДА, ф.25. оп.1, д.120, 91-113-бетлар.

Қўшмаматхон, Фуломалихон, Яхшигалди ва бошқаларни ўз атрофига тўплаб, Жунайидхонга қарши қўйишди. Хондан норози бўлганлар ҳам Тўрткўлга келиб, ёш хиваликлар сафига келиб қўшилдилар. 1919 йил бошларида Тўрткўлда (Петро-Александровск) ёш хиваликлар қўмитаси ташкил этилиб, уларнинг сафи кун сайин кенгайиб борди. Қўмита Хивадаги мухолифатчи гуруҳлар билан ҳам алоқа боғлади. Хива ва бошқа шаҳарларда ёш хиваликларнинг маҳфий ташкилотлари вужудга келтирилди. Тўрткўлдаги ёш хиваликларнинг ҳарбий дружинаси 500 кишидан ошди. Ёш хиваликларнинг Полвонниёз ҳожи бошчилигидаги Тошкент қўмитаси фаолияти ҳам жонланиб кетди. Шу билан ёш хиваликлар партияси ҳам ўз дастурини қайтадан кўриб чиқишни лозим топди. Эндликда уларнинг дастурида анча кескинроқ, радикал тадбирлар ўрин олади. Жумладан, унда хон ва унинг истибод ҳокимиятини афдариб ташлаш, йирик заминдорларга қаршли ерларни мусодара қилиш, вақф мулки ва даромадини ҳисобга олиш, сайлаб қўйиладиган янги ҳокимиятни қарор топтириш, Хива аҳолисига сиёсий эркинликлар бериш, бундан ташқари туркманларга мухтарият бериш каби тадбирлар кўзда тутилди<sup>1</sup>. Дастурдаги ана шу радикал ўзгаришлардан сўнг ёш хиваликларнинг халқ орасидаги обрў-эътибори ошди. Уларнинг савдогар, саноатчи, зиёли, руҳонийлар орасида эмас, балки деҳқонлар, ҳунармандлар, туркманлар ва бошқа миллат вакиллари орасида ҳам таъсир доираси кенгайди. 1919 йил декабрдан то 1920 йил бошларигача Россия ва Туркистон большевиклари хонликдаги барча мухолифатчи кучларни ягона марказга бирлаштириб, хонликнинг шимолий ва жанубий вилоятлари бўйлаб ҳарбий ҳаракатларни очиқдан очиқ бошлаб юбордилар. Шиддатли жангларда Жунайидхон кучлари тор-мор келтирилди. Жунайидхон қол-

---

<sup>1</sup> Туркестан в начале XX века, стр. 305-306.

ган кучлари билан қумга қочиб кетишга мажбур бўлди. 1920 йил 1 февралда Хива ишғол қилинди, 2 февралда Хива хони Саид Абдуллахон "Халқнинг талаби" билан тахтдан воз кечди. Хива ҳокимият таркиби беш кишидан иборат муваққат инқилобий қўмита (ревком) қўлига ўтди. Инқилобий қўмитага икки вакил ёш хиваликлардан, икки вакил туркманлардан ва бир вакил руҳонийлар номидан кирди. Ёш хиваликлардан мулла Жуманиёз Султонмуродов ва Бобо Охун Салимов, туркманлардан Қўшмаматхон ва мулла Ўроз, руҳонийлардан эса Жалол Охунлар аъзо эди<sup>1</sup>.

Ҳокимият тепасига келган ёш хиваликлар ўзларининг Манифестини эълон қилдилар. Манифестда мамлакатни демократик йўлдан ривожлантиришга қаратилган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазифалар кўзда тутилади. Энг муҳими, Манифестда мамлакатни хон ва унинг ҳукумати томонидан идора қилиниши узил-кесил тугатилади; Хива хонига - шаҳзода ва амалдорларга қарашли мол-мулклар - халқники, деб эълон қилинади; йирик заминдорларга қарашли ерлардан камбағаллар турмушини яхшилаш учун фойдаланилади; вақф ерларидан олинган барча даромадлар шариат ҳукмига кўра фақат халқ маорифига сарфланади; Хиванинг ҳамма жойларида бепул мактаблар, бепул касалхоналар ва шифохоналар очилади; илгари хон, амалдор ва беклар томонидан камбағал аҳолидан мажбурий тартибда тортиб олинган ерумулклар эгаларига қайтарилади; мажбурий ишлар бекор қилинади, шаҳар ва қишлоқларда йўллар ва кўприклар тузатишга киришилади, деган тадбирлар эълон қилинган эди<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> История Бухарской и Хивинской народных республик. Москва, 1971, 82-83, стр. 103.

<sup>2</sup> Полвонниёз Хожия Юсулов. Ёш хиваликлар тарихи, Урганч, 2000, 199-201- бетлар.



Хуллас, ёш хиваликлар Манифестида Сайид Исломуҳжа орзу қилган, лекин рўёбга чиқаролмаган кўпгина орзумидлар ўз ифодасини топган эди.

1920 йил 27-30 апрелда Хива Халқ вакилларининг 1-умумхоразм Қурултойи чақирилди. Қурултой Хива хонлигининг тугатилганлигини ва Хоразм Халқ Республикаси тузилганлигини эълон қилди. Қурултойда ХХШРнинг муваққат Конституцияси қабул қилинди. Конституция ва янги ҳукуматнинг амалий фаолияти учун ёш хиваликлар дастури ва Манифестда юқорида белгиланган вазифалар асос қилиб олинди. Қурултой мамлакатни идора қилиш учун 15 кишидан иборат Халқ Нозирлари Кенгашини тузди. Унинг раиси, 2 муовини, котиблари ҳамда ҳарбий ишлар, адлия, иқтисодий ишлар, назорат, зироат ва молия ишлари бўйича нозирларни сайлади. Ёш хиваликлар бошлиғи Полвонниёз ҳожи Юсупов Халқ Нозирлар Кенгаши раиси қилиб сайланди. ҳукумат таркибида ва нозирликларда ёш хиваликлар аксар кўпчилик бўлди. Ёш хиваликлар ўз дастурларида белгиланган вазифаларни бажаришга астойдил киришиб кетдилар. Аммо, мамлакатда аҳвол ниҳоятда оғир эди. Аксилинқилобий кучлар қаршилиги ҳали давом этаётган эди. Ички курашлар туфайли қишлоқ хўжалиги ва ирригация ишдан чиққан, савдо, саноат ва ҳунармандчилик ишлари пасайиб кетган эди. Бозорларда нарх-наво кўтарилиб, айрим жойларда қаҳатчилик бошланди. Ёш хиваликлар ҳукумати мамлакатда аҳволни яхшилаш учун кескин чоралар кўра бошлади. Ана шундай мураккаб шароитда Россия ва Туркистондаги большевиклар ҳукумати Хоразм Республикасини ўз манфаатларига хизмат қиладиган давлатга айлантириш учун ҳаракат қилди. Хоразм Халқ Республикаси ва РСФСР ўртасида 1920 йил 13 сентябрда имзоланган Иттифоқчилик шартномасида Хоразм Республикасининг мустақиллиги сўзсиз тан олинган бўлсада, ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий битимларга мувофиқ мустақил давлат-иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан РСФСР га боғлаб

қўйилган эди<sup>1</sup>. Хоразм Республикаси ўзининг ортиқча хом ашё маҳсулотларини (пахта, ипак, тери, юнг ва бошқа) фақат Россия ихтиёрига топшириши керак эди. Россиядан бошқа хорижий давлатлар билан эркин савдо қилиши таъқиқланади. Ёш хиваликлар ҳукуматининг мамлакатни мустақил демократик йўлдан ривожлантириш, миллий қадрият, анъана ва шариат қоидаларини сақлаб қолиш, вақф мулклари ва диний муассасаларни сақлаб қолиш сиёсати албатта РСФСР ҳукуматига маъқул бўлмади. Хоразм Республикасининг ички ишларига аралашув кучайди. Натижада, ёш хиваликлар ҳукумати фаолиятига ҳар томондан сунъий тўсиқлар қўйишга киришилди. Халқни ҳукуматдан норози қилиш, ички келишмовчилик ва миллий низоларни атайлаб авж олдириш бошланди.

Хоразм Республикаси эълон қилинганидан эндигина бир ой ўтгач, яъни 1920 йил 6 мартда Хивада хон тарафдори бўлган мутаасиб руҳонийлар ва мадраса талабаларининг ҳукуматга қарши кўзғолони юз берди. Улар халқ хокимиятини ағдариб ташлашни, хон хокимиятини қайтадан тиклашни талаб қилдилар. 1920 йил сентябрда эса янги ҳукумат таркибидаги туркман вакилларидаан ғўшмаматхон, Ғуломалихон ва уларнинг навкарлари ҳақида турли иғволар тарқатилди. ғўшмаматхон ва унинг одамлари дарҳол қўлга олиниб, суд ва терговсиз отиб ташланди. ғуломхон бўлса одамлари билан Хивадан қочиб кетдилар. Шунингдек, ёш хиваликлар ҳақида ҳам - Улар бойлар хокимияти ва эски тартибларни сақлаб қолмоқчи, - деган бўҳтонлар тарқатила бошланди. Оқибат натижада, 1921 йил 6 март куни Хивада Кўхна Арк олдида катта митинг ташкил этилиб, асосий таркиби ёш хиваликлардан иборат Полвонниёз ҳожи бошлиқ халқ ҳукумати ағдариб таш-

---

<sup>1</sup> Ўша асар, 220 бет; Туркестан в начале XX века. Тошкент, 2001, стр. 208-209.

ланди. Хивада хокимият Россия большевиклари ҳукуматига мойиллик билдирган Хива коммунистлари қўлига ўтди. Хоразм Республикасида хокимият жиловы амалда РКП(б) Марказий қўмитасининг Турк комиссияси фавқулдда вакиллари қўлида бўлди. Хоразм Республикаси мустақиллиги ҳақидаги сўз қуруқ бир нарса эканлиги амалда тасдиқланди.

Шундай қилиб, Хоразм Халқ Республикасида ташқи кучлар таъсирида (1921 й. 6 мартда) амалга оширилган давлат тўнтариши натижасида қонуний сайланган ёш хивалиларнинг демократик ҳукумати ағдарилди. 1921 йил 15 майда Хивада II Умумхоразм ғурултойи чакирилиб, унда ҳукуматнинг янги таркиби сайланди ва янги Конституция қабул қилинди. Ёш хиваликлар ҳукуматнинг масъул вазифаларидан четлаштирилди, вақф ерлари тортиб олинди, шу ерда ишловчи деҳқонлар солиққа тортилди. Илгари хон хизматида бўлган кишилар, дин хизматидаги руҳонийлар ва яна "текинхўр унсурлар", деб аталган қўшимча меҳнатдан фойдаланган бадавлат ва ўрта ҳол деҳқонлар ва хунармандлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Хивада янги ҳукуматнинг бутун фаолияти амалда РСФСР ҳукумати вакиллари назорати остига олинди. Ёш хиваликлар партияси бошлиғи, собиқ Нозирлар Кенгаши раиси қалби тоза ва юксак инсоний фазилатлар эгаси бўлган Полвонниёз ҳожи оддий хат ташувчи вазифасига туширилиб қўйилди. Мулла Жуманиёз Султонмуратов (1926) ва Бобо Охун Салимов (1929) ва бошқалар аксил кучлар қўлида халок бўлдилар. Мулла Жуманиёз Султонмуратовнинг кизи Марям Султонмуратова 30-йилларда Германияда таълим олганлиги учун ўн йил бегуноҳ қамоқ жазосини ўтади. Ёш хиваликлар партиясининг фаол аъзоси, биринчи ўзбек кинотасвирчиси Худайберган Девонов ва Назир Шоликаровлар 1937 йилларда қатоғон қурбонлари бўлди. Жаидлар, ёш хиваликларнинг кўпгина хайрли орзумидлари эндиликда мустақиллик шарофати билан эли-

мизда рўёбга чиқмоқда. Уларнинг шарафли номлари халқимиз қалбида ҳамиша барҳаётдир.

Марказнинг топшириғи билан 1924 йил октябрида ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегаралаш натижасида Хоразм мустақил давлат сифатида тугатилиб, унинг худудлари Ўзбекистон, Туркменистон ва Қорақалпоғистон ўртасида тақсимланди. Хоразмнинг ўзбеклар яшайдиган шаҳар ва туманлари Ўзбекистон Республикасининг ажралмас қисми бўлиб қўшилди.

## ХУЛОСА

Кўхна Хоразм инсоният цивилизациясининг қадимий бешикларидан биридир. Шу муқаддас ўлкада қадим-қадимдан илк давлатчиликка асос солинди, илм-фан, маданият ва маънавият, Шарқнинг қадимий давлатлари бўлган Хитой, ҳиндситон, Эрон, Месопотомия, Миср ва Юнонистон билан деярлик бир даврда тараққий қилди. Республика-миз Президенти Ислом Каримов ўзининг 1997 йили Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган тантанада сўзлаган нутқида "ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам Айни Хоразм воҳасида қўйилган. Шу маънода миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Хиндистон, Юнонистон, Эрон каби қадимий давлатлар билан бир қаторда туради. Хоразм давлати ўзбек давлатчилигининг асоси, унинг қудрати ва қадимийлигининг тасдиғидир", - деган эди<sup>1</sup>. Хоразм диёрида жаҳон динларидан бўлмиш зардуштийлик ва инсон тафаккурининг дурдонаси бўлган қомусий асар "Авесто" яратилди. Хива, Кўхна Урганч, ҳазорасп, Тупроқ қалъа, Аёз қала, Қўйқирилган қалъа каби савдо-ҳунармандчилик, илм-фан, маданият ва маънавият марказлари бўлган антик шаҳарлар бунёд этилди. Хоразмда бундан минг йил аввал илм-фан ўчоғи - Маъмур академиясига асос солинди.

Кўхна Хоразм жаҳон илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу-Райҳон Беруний, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замахшарий, ал-Чағминий, Паҳлавон Маҳмуд, Мунис, Оғаҳий сингари кўплаб олим, файласуф мутафаккирларни етказиб берди.

Шу муқаддас диёрда Абулғозий Баҳодирхон, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Сайид Исломхўжа каби ажойиб маъ-

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанани маросимда сўзлаган табрик сўзи. Асарлар, 4 жилд. Тошкент "Ўзбекистон". 1998.

рифатпарвар давлат арбоблари етишиб чиқди. Дарҳақиқат Кўхна Хоразм заминида етишиб чиққан машҳур алломалар ва мутафаккирлар ҳамда буюк давлат арбоблари томонидан ёритилган бебаҳо асарлар, илғор ижтимоий-фалсафий ғоялар нафақат ўтмишда, шу кунларда ҳам жаҳон илм-фани ва маънавияти тараққисида ҳал қилувчи аҳамият касб этиб келмоқда.

XIX аср охири ва XX аср бошларида ўрта Осиёда бўлганидек, Хоразмда ҳам илғор маърифатчилик ҳаракати, унинг бевосита давоми бўлган демократик жадидчилик ва ёш хиваликлар ижтимоий ҳаракати шаклланди ва кенг тарқалди.

Бу илғор демократик ҳаракатнинг вужудга келиши ва ривож топишида Сайид Исломхўжа, Комил Хоразмий, Муҳаммад Расул Мирзо, Баёний, Полвонниёзхожи, Бобо Охун, Абдураззоқ Фақирӣ, Мутриб, Худайберган Девон, Чокар, Аваз ўтар каби зиёлиларнинг алоҳида хизматлари бор. Улар мамлакатни мустамлакачилик ва феодал истибдодидан холос қилишни, Хоразмни иқтисодий ва маданий жиҳатдан илғор давлатлар қаторидан ўрин олиши, халқнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечирishi, мактаб-маориф тизимини ислоҳ қилиб, халқнинг маънавий маданиятини юксалтириш учун ҳаракат қилдилар. Халқни маърифатли қилиш, янги мактаблар очиб ёшларга замонавий фан асосларини, хусусан, араб, форс, рус тили ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўрганишларига алоҳида эътибор бердилар. Мамлакатнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида чуқур ислоҳотларни амалга ошириш ана шу улуғвор мақсадларга эришишнинг энг маъқул йўли, деб билдилар. Аммо ислоҳотчилик ҳаракати осон кечмади, шу йўлда кўп қурбонлар берилди. Шунга қарамасдан жадидлар ва ёш хиваликлар бошлаб берган ислоҳотчилик ҳаракати ва ғоялари халқнинг маънавияти ва тафаккурига жуда катта таъсир кўрсатди.

Мустақилликка эришишимиз буюк аجدодларимиз олға сурган илғор ғоялар ҳамда юксак орзу - умидларни рўёбга чиқаришда муҳим қадам бўлди. Истиқлол туфайли Хоразм ҳам Республикамизнинг бошқа вилоятлари каби иқтисо-

дий ва маданий жиҳатдан ривож топган вилоятлардан бирига айланди.

Мустақиллик йилларида вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳада сезиларли ишлар қилинди. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Вилоятимизда кўпгина янги замонавий саноат корхоналари ва қўшма корхоналар барпо этилди. Вилоятимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳам ривож топмоқда. Фермер ва деҳқон хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг асосий қисмини етказиб берапти. Вилоятимизда кўплаб янги жамоат ва маданий-маиший бинолар, гўзал ва шинам турар жойлар, мактаб, лицей ва касб - ҳунар коллежлари, замонавий тиббий асбоблар билан жиҳозланган касалхона ва бошқа даволаш муассасалари қурилиб ишга туширилди. ҳозир вилоятда 500 яқин умумтаълим мактаблари, ўнлаб фан ва академик лицейлар, 60 га яқин касб-ҳунар коллежлари ёшларга замонавий билим ва тарбия бермоқда. Хивада янгидан ташкил этилган Маъмун академияси, Ал-Хоразмий номли Урганч Давлат университети ва Тошкент тиббиёт институтининг Урганч бўлими ва бошқалар малакали мутахассислар тайёрлашга улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Истиқлол шарофати билан миллий қадриятларимизни қайтадан тиклаш, буюк алломаларимиз қолдирган бебаҳо меросни чуқур ўрганиш борасида ҳам хайрли ишлар қилинди. Шу муносабат билан аз-Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро, Жалолоддин Мангуберди, Феруз, Огаҳий каби буюк зотларнинг таваллуд топган қутлуғ саналари, "Авесто"нинг 2700 йиллик, азим шаҳар Хиванинг 2500 йиллик саналарининг кенг нишонланганлиги Республикамиз маданий ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Шунингдек, халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 2005 йилда жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйи жаҳон миқёсида кенг нишонланади. ҳозир вилоятда шу тарихий санага бағишлаб улкан бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

Кейинги йилларда вилоятимиз маркази Урганчда ал-Хоразмий, ал-Беруний, Жалолиддин Мангуберди, "Авесто" боғ - мажмуалари қурилди. Юбилей муносабати билан яна Маъмун Академияси боғи ва музейи барпо этилади.

Энг муҳими, истиқлол туфайли халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг дунё - қараши, онги ва тафаккури сезиларли даражада ўзгарди. Миллий истиқлол ғояси ёшларимиз онги ва қалбидан чуқур ўрин олмоқда. Халқимиз орасидан Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган Ислом Бобожонов, Бектурди Жуманиёзов, Пак Вера Борисовна, Анора Маҳмудова, марҳум Машариф Қувоқов каби фидоий инсонлар етишиб чиқди.

Вилоятимиз истиқлол йилларида иқтисодий, маданий ва маънавий соҳада эришган улкан ютуқлари туфайли ҳукумати-мизнинг юксак мукофоти - "Жалолиддин Мангуберди" орденига сазовор бўлди.

Хуллас, буюк бобокалонларимиз орзу қилган маърифатчилик ғоялари бугунги кунда Хоразмда реал ҳақиқатга айланган.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

### Манбалар:

1. ЎзРМДА., ф.1, оп.17, д.161; 231:  
ф.2, оп.1, д. 289; ф.25, оп.1, д.384.  
ф.125, оп.1, д.333; ф.461, оп.1, д.178.  
ф.И-1, оп.31, д.289; ф. и-2, оп.1.  
д.35; фи-1, оп.31, д.1104; д.612;  
ф.И-2, оп.1, д.289; д.291; д.475.
2. 1873 йил 12 августда Хива хонлиги ва Россия ўртасида имзоланган Гандимён шартномаси. 14 varaқ. Асл нусха. Хива тарих музейида сақланади.
3. Баёний "Шажараи Хоразмшоҳий". Тошкент, "Қамолот", 1991.
4. Полвонниёз Хожи Юсупов. Ёш Хивалиқлар тарихи. (эсдалиқлар). Урганч, 2000.
5. Болтаев Абдулла. Хива хонлиги тарихидан материаллар. Қўлёзма. Араб ёзувида 101 бет.
6. Болтаев Абдулла. Исломхўжанинг фожиали ўлими ҳақида хотиралар. Қўлёзма, араб ёзувида, 10 varaқ.
7. Гришфельд и Галькин. Военно - статистическое описание Хивинского оазиса ч. 1 и 2, Т.: 1913.
8. Лобачевский В. Хивинский район. Военно статистическое описание Туркестанского военного округа. Т.: 1912.
9. Кун А.Н. Заметки о податях в Хивинском ханстве. "Туркестанские ведомости", 1873, №32.
10. "Туркестанский курьер", 1911, 17 апрел; 1913, 14 апрел; 1913, 21 август.
11. Самойлович А.Н. Краткий отчет о поездке в Ташкент и Бухару, и в Хивинское ханство. Известие русского комитета для изучения Средней Азии и Восточной Азии. СПб., 1909, №9.

## Адабиётлар:

1. Ислом Каримов. Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган табрик сўзи. Асарлар, 4 жилд - Тошкент "Ўзбекистон". 1998.
2. Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Тошкент "Шарқ", 1998.
3. Ислом Каримов. Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. - Тошкент "Ўзбекистон", 2000.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Хоразм Маъмун Академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида. 2004 йил 9 ноябрь.
5. Иванов П.П. Архив Хивинских ханов. Л.; 1940.
6. Гулямов Я.Г. Памятники города Хивы. Т.; 1941.
7. Гулямов Я.Г. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. - Тошкент. "Фан", 1959.
8. Йўлдошев М.Й. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузулиши. Т.; "Фан", 1959.
9. Садықов А.С. Россия и Хива в конце XIX-нач. XX века. - Ташкент "Фан", 1972.
10. Погорельский И.В. Очерки экономической и политической истории Хивинского ханства в конце XIX и нач. XX вв. - Ленинград 1978.
11. Билялов Г. Хоразмда халқ маорифи тараққиёти. - Тошкент "Ўқитувчи", 1969.
12. История Бухарской и Хорезмской народных республик. - Москва, 1971.
13. Садуллаев А.С., Сотлиқов А.Я. Хоразм Маъмун академиясининг тарихий илдиэлари. - Урганч - 2003.
14. Қўшчонов О. Исфандиёрхон саройидаги фожиалар ёхуд бир қотиллик тарихи. Тўплам: Жонкуяр олим, ташкилотчи ва мураббий. - Урганч, 2000, №3-4., - Урганч-2004. "Маърифат ёғдуси".
15. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. - Ташкент. "Шарқ", 2000.

16. Хамид Зиёев. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. - Ташкент "Шарқ", 2001.

17. Ўзбек шеърияти антологияси. - Тошкент. 1967.

18. Давлатёр Рахим, Шихназар Матрасулов. Феруз, Шох ва шоир қисмати. - Тошкент, 1991.

19. Давлатёр Рахим, Шихназар Матрасулов, Нусратул-ла Жумахўжа. Феруз, Шох ва шоир қисмати. 2 китоб, - Тошкент, 1995.



**Азимбой Садуллаев** — ал-Хоразмий номли Урганч Давлат университети ректори, Хоразм Маъмун академиясининг етакчи олими, физика-математика фанлари доктори, профессор, УзФА академиги, АКШ математиклар жамиятининг аъзоси. Олим кўп аргументли комплекс функциялар назарияси ва фан тарихига доир 70 дан зиёд монография, рисола, ўқув дарсликлари ва илмий-услубий қўлланмалар муаллифидир. Олимнинг илмий тадқиқот натижалари қатор чет элларнинг илмий журналларидан, илмий ва услубий қўлланмаларидан жой олган. Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган ва ҳамкорликда тайёрланган "Хоразм Маъмун академиясининг тарахий илдизлари" номли асари ўзбек ва инглиз тилларда чоп этилиб, хорижий давлатларга ҳам тарқатилган.

Олимнинг кенг китобхонларга тавсия қилинаётган ушбу асари ҳам Хиванинг машҳур давлат арбоби Исломхўжа фалиятига бағишланади.



**Абдулла Явгубоевич Сотлиқов** – тарих фанлари номзо-  
ди, УрДУ профессори "Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвонига эга. 1949  
йилдан буён ХДПИ ҳозирги ал-Хоразмий номли Урганч  
Давлат университетига фаолият кўрсатиб келаяпти. Айни  
пайтда университетнинг "Хоразм тарихи" илмий-тадқиқот  
лабораториясига раҳбарлик қилади. Олим Хоразм тарихи,  
маданияти, ирригация тарихи, хоразмлик буюк алломалар  
фаолиятига доир 20 га яқин монография, рисола, услубий  
қўлланмалар ва бир юздан зиёд илмий мақолалар муалли-  
фи. Олимнинг академик А.Садуллаев билан ҳамкорликда  
тайёрланган ва чоп қилинган асари "Хоразм Маъmun ака-  
демиясининг тарихий илдизлари" деб аталади. Асарлари  
ўзбек, рус, инглиз тилларида нашр қилинган.



Озод Бекназарович Абдуллаев - тарих фанлари номзо-  
ди, доцент. 1953 йилда туғилган. 1978 йилда Тошкент Дав-  
лат университетининг тарих факультетини 1991 йилда Тош-  
кент сиёсатшунослик ва бошқарув институтини тугатган.  
Тарихчи, "Сиёсатшунос".

1992 йилдан буён ал-Хоразмий номли Урганч Давлат  
университетида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон  
ва Хоразм тарихи бўйича 3 та услубий қўлланма, 8 та  
рисола, 50 га яқин илмий ва илмий-услубий мақолалар  
муаллифидир.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши .....	3
1-§. XIX асрнинг 2-чи ярми ва XX аср бошларида Хива хонлигидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол .....	7
2-§. Сайид Ислomхўжанинг ҳокимият тепасига келиши ва унинг ислоҳотлар дастури .....	19
3-§. Хон саройида уюштирилган фитна ва Сайид Ислomхўжанинг фожеали ўлими .....	25
4-§. Жиноят жазосиз қолмайди: Исфандиёрхон ҳокимиятининг ҳалокатга учраши .....	77
5-§. XX аср бошларида Хива хонлигида рўй берган сўнгги воқеалар .....	92
Хулоса .....	108
Фойдаланилган адабиётлар, манбалар .....	112

Азимбой Садуллаев  
Абдулла Сотлиқов  
Озод Абдуллаев

Илмий-маърифий нашр

## САЙИД ИСЛОМХЎЖА

(сиёсий, маърифий-маданий фаолияти)

Ўзбек тилида

Ал-Хоразмий номли  
Урганч Давлат университети нашриёти

*Маъсул муҳаррирлар:*

- Хамдам Абдуллаев** — "Ўзбек адабиёти" кафедрасининг  
мудири, филология фанлари  
доктори, профессор.
- Отаназар Чўповов** — Филология фанлари номзоди,  
доцент.

*Тақризчилар:*

- Сапарбой Рўзимбоев** — "Ўзбек мумтоз адабиёти"  
кафедраси мудири, филология  
фанлари доктори, профессор.
- Раззоқберган Абдиримов** — "Ўзбекистон тарихи"  
кафедраси мудири, тарих  
фанлари номзоди, доцент.

*Компьютер муҳандиси:*

**Исмаилова Муборак**

*Мусахҳиҳ:*

**Сотимбой Сафаров**



Аллоҳимизга  
Салом  
Салом

Сўз боши ..... 1

1-4. XIX асрнинг 2- yarminida ..... 1

2-4. Сайид Ислам ..... 19

3-4. Хон саройида уюлган ..... 25

4-4. Жиннинг ҳақиқат ..... 77

5-4. XIX асрнинг 2- yarminida ..... 82

Хулоса ..... 118

Фойдаланилган адабиятлар ..... 120

Босишга рухсат этилди 16.05.2005 й. Бичими 60×84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Шартли босма табоқ 7,5. Адади 300 нусха.

«Раззоқов О.Ж» ХТ босмаҳонасида чоп этилди. Буюртма № 57.  
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.

